

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

ТДПУ ҳузуридаги педагог  
кадрларни қайта тайёрлаш ва  
уларнинг малакасини ошириш  
тармоқ маркази директори

\_\_\_\_\_ Н.Муслимов  
“ ” 2015 ийл

**ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШЛАРИ  
ВА ИННОВАЦИЯЛАР  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**

**Тузувчилар:**

ф.ф.д., доцент К.Муллахўжаева  
ф.ф.д., доцент Т.Шермуродов  
ф.ф.д., доцент М.Сапарниёзова

**Тошкент -2015**

## МАЖМУАЛАР

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ .....	15
1-мавзу. Ўзбек тишлинослигидаги янги лингвистик йўналишлар. ....	15
2-мавзу. Антропоцентрик назариянинг моҳияти. Антропоцентрик парадигма соҳасидаги илмий тадқиқотлар. ....	24
3 -мавзу. Ўзбек тилини прагматик йўналишда ўрганиш. нутқнинг коммуникатив-прагматик хусусиятлари.....	36
4-мавзу. Лингвокультурологиянинг умумназарий масалалари .....	54
5-мавзу. Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари. ....	72
6-мавзу. Мумтоз адабиёт ва ҳалқ оғзаки ижоди. ....	75
7-мавзу. Мумтоз адабиётни ўрганишнинг асосий муаммолари. ....	86
8-мавзу. Мустақиллик даври адабиётидаги янгича изланишлар ва талқинлар.....	100
АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ .....	115
Фан бўйича синовлар учун саволлар .....	117
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати .....	118

# **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

## **Кириш**

### **I. Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялар” модулининг мақсади:** тингловчиларни ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва инновацияларга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга қаратилган.

Тингловчиларни ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассис кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялар, фаннинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, фандаги анъанавий ва янги йўналишлар, илмий-амалий хорижий тажрибалар каби ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

#### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар:**

##### **Тингловчи:**

- ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт тамойиллари ва етакчи концепциясини;
- антропоцентрик назариянинг моҳияти. жаҳон ва ўзбек тилшунослигида антропоцентрик парадигма соҳасидаги илмий тадқиқотларни;
- ўзбек тили ва адабиёти ўқитишда узвийлик ва узлуксизлигини;
- мумтоз адабиётни ўрганишнинг асосий муаммоларини;
- фольклор асарларини ўрганишдаги ўзига хосликларни;
- мустақиллик даври адабиётидаги янгича изланишлар ва талқинларни;
- педагогик квалиметриянинг мақсади, вазифалари, турлари ва тамойилларини;
- педагогик квалиметрия мезонлари, методлари ва уларнинг таълим натижаларини баҳолашдаги аҳамиятини;
- квалиметрик назорат технологиясини **билиши** керак.

##### **Тингловчи:**

- ўзбек тили ва адабиётидаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- ўзбек тили ва адабиёти дарсларида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиласидиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- ўзбек тили ва адабиётини ўқитишда талабаларда бадиий дунёқарашни шакллантириш;
- талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш;

- турли жанрлардаги асарларни бадиий-эстетик жиҳатдан таҳлил қила олиш;
- бадиий асарларнинг шаклтй-поэтик ўзига хосликларини шархлай ва изоҳлай олиш;
- квалиметрик жараённи ташкил этиш ва ўтказиш;
- таълим-тарбия жараёнида кутилаётган натижаларни башорат қилиш, идентив ўқув мақсадларини шакллантириш;
- квалиметрик назорат технологиясидан фойдаланиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

#### **Тингловчи:**

- ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;
- мумтоз ва замонавий адабий асарларни ўрганишда илмий-методик адабиётлардан фойдалана олиш;
- фольклор асарларини таҳлил этишда назарий ва меиолик адабиётлардан фодалана билиш;
- модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, қасбий сифатларини ривожлантириш;
- ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиши жараёнида талабаларнинг билимларини холисона баҳолаш механизmlарини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;
- ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитиши жараёнида талабаларда мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш;
- квалиметрик назорат технологиясидан фойдаланиш;
- талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш технологиялари амалга ошириш каби **малакаларига эга бўлиши лозим.**

#### **Тингловчи:**

- ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт тамойиллари ва етакчи концепциясида акс этган талаб ва ғоялардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- ўзбек тили адабиётини ўқитиши воситасида талабаларда илмий дунёқарашни ва ижодий фикрлашни ривожлантириш;
- ўзбек тили ва адабиёти фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотларда инновацион ва ахборот технологияларнинг энг муносиб ва ўринли шакл ва усусларини топиш ва амалиётга татбиқ эта олиш;
- ўзбек тили ва адабиёти фанлари дарсларида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиласиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;
- талаба ва ўқувчиларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқ малакаларини оширишга оид шакл ва усувлар тизимидан амалий фаолиятда фойдалана олиш;

- квалиметрик жараённи ташкил этиш ва ўтказиш;
- талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда педагогик фаолиятда қўллай олиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим**.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишида замонавий ёндашувлар”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари”, ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг соҳага оид компетентлик даражасини ривожлантиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини ошириш, ўқув-тарбия жараёнини модернизациялашда инновацияларнинг ўрни ва уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурый билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар ҳамда олий таълим муассасаси амалиётига кенг татбик этадилар.

**Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича**  
**“Ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва**  
**инновациялар”** модулининг тақвимий-мавзулар  
**РЕЖАСИ**

т/р	Ўқув модулининг мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан			Мустакил таълим	Профессор-ўқитувчининг Ф.И.Ш
				назарий	амалий	кўчма машғулот		
1.	Ўзбек тилшунослигидаги янги лингвистик йўналишлар.	4	4	2	2			
2.	Антропоцентрик назариянинг моҳияти. Антропоцентрик парадигма соҳасидаги илмий тадқиқотлар.	8	6	2	4		2	
3.	Ўзбек тилини прагматик йўналишда ўрганиш. Нутқнинг коммуникатив-прагматик хусусиятлари	6	6	2	4			
4.	Лингвокультурологиянинг умумназарий масалалари.	4	4	2	2			
5.	Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари	4	4	2	2			
6.	Мумтоз адабиёт ва ҳалқ оғзаки ижоди.	6	4	2	2		2	
7.	Мумтоз адабиётни ўрганишнинг асосий муаммолари.	6	6	2	4			
8.	Мустақиллик даври адабиётидаги янгича изланишлар ва талқинлар.	6	6	2	4			
Жами		44	40	16	24		4	

### **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу. Ўзбек тилшунослигидаги янги лингвистик йўналишлар. (2 соат)**

Ўзбек тилшунослигига кейинги йилларда кириб келган янги йўналишлар: семантик синтаксис, когнитив тилшунослик, антрополингвистика, лингвокультурология, прагмалингвистика, социолингвистика, психолингвистика каби йўналишлар, уларнинг таҳлил методлари.

## **2-мавзу. Антропоцентрик назариянинг моҳияти. Антропоцентрик парадигма соҳасидаги илмий тадқиқотлар. (2 соат)**

Тилшунослиқда антропоцентрик парадигманинг юзага келиши ва шаклланиши, антропоцентрик парадигма доирасида шаклланган тилшунослик йўналишлари, шахс, лисоний онг, тафаккур, фаолият, менталлик, маданият тушунчалари ҳақида маълумот бериш.

Концепт – билиш жараёнида ҳосил бўлган ментал тузилма.

Концептнинг лисоний моддийлашуви. Лисоний белги, лисоний онг, лисоний идрок ҳақида маълумот бериш.

## **3 -мавзу. Ўзбек тилини прагматик йўналишда ўрганиш. Нутқнинг коммуникатив-прагматик хусусиятлари.**

Нутқий акт билан контекст ўртасидаги ўзаро муносабат прагматиканинг асосий ўрганиш обьекти эканлиги. Гапнинг денотатив аспекти. Тагмањо, пресуппозиция ва прагматика ҳақида маълумот бериш.

Фонопрагматика. Лексопрагматика. Прагматик семалар. Морфопрагматика. Атоқли отлар, олмошлар, юкламалар прагматикаси. Синтактик прагматика. Нутқий акт ва прагматика. Коммуникатив акт ва прагматика ҳақида маълумот бериш.

## **4-мавзу. Лингвокультурологиянинг умумназарий масалалари. (2 соат).**

Лингвокультурологиянинг юзага келиши ва обьекти, асосий вазифалари, компонентлари. Лингвокультурология тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан эканлиги. Тил ва маданият тушунчалари ҳақида маълумот бериш.

Тил ва тафаккур, коммуникация жараёнида тилнинг функционал кўринишлари. Социолингвистикада жамият ва тил ўртасидаги муносабат. Тил ва жамият, улар ўртасидаги муносабат. Социолингвистикада жамият тушунчаси. Тилнинг ўзгариш назарияси. Тил тараққиётида ички ва ташки омиллар ҳақида маълумот бериш.

## **5-мавзу. Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари.**

Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари ҳамда замонавий концепциясини илмий далиллаш. Ўзбек адабиётининг тараққиёт тамойиллари ва етакчи концепцияси.

Жаҳон адабиётшунослиги тушунчасининг таснифи ва тавсифи. Барқарор қоида ҳамда қонуниятларнинг шаклланиш, жорийланиш асослари. Фарб ва Шарқ адабий-эстетик тафаккурининг тарихи ва бугуnidаги умуманфаатли услуб, усул, тамойиллар. Фалсафий-эстетик, маънавий-

эътиқодий қарашларнинг адабиётшунослик долгарб масалаларини барпо этишдаги, муаммолар ечимидағи мавқеи ва аҳамияти.

Адабиётшунослик илмларининг замонавий тараққиёт тенденциялари. Масалаларга анъанавий ва инновацион ёндашувлар. Адабий жараёнлар ва адабий-назарий қарашларнинг ўзаро муносабат диалектикаси.

Хозирги дунё адабиётшунослигиде адабиёт тарихининг классик ижодлари, намуналарини қайта таҳлиллаш, талқинлаш, баҳолаш жараёни. Адабий ижоддаги шаклий, жанрий, услубий анъанавий, тажрибавий, новаторона изланишларга илмий-назарий муносабат асослари.

Адабиётшуносликнинг замонавий масалалари, концепциялари, фалсафий-эстетик ечимларини қабуллаш, баҳолаш, назарий далиллар – адабиётшунослик тараққиётининг таъминотчиси сифатида.

#### **6-мавзу. Мумтоз адабиёт ва халқ оғзаки ижоди.**

Халқ оғзаки ижоди мумтоз адабиётнинг генезиси сифатида. Бугунги фольклоршунослигидаги тадқиқ ва талқинлар. Фольклор тилининг рамзий эканлиги. Халқ қўшиқларидағи тимсоллар рамзийлиги. Халқ қўшиқларидағи тимсолларнинг (олма, рўмол, соч, ғоз, ўрдак ва бошқа тимсоллар) рамзий-мажозий хусусиятлари. Достонларни маъно қатламлари асосида ўрганиш муаммоси. Эпос ва этнос. Алномиш достонини маъно қатламлари асосида ўрганиш муаммолари: майший қатлам, социал қатлам, эзотерик қатлам. Эпос ва этнос. Фольклор асарларини ўрганишда инновацион ёндашувлар самарадорлиги.

#### **7-мавзу. Мумтоз адабиётни ўрганишнинг асосий муаммолари.**

Мумтоз адабиётнинг ўз даврида ўрганилишига, шўролар даврида ўрганилишига муносабат. Истиқлол даврида мумтоз адабиётга муносабат. Мумтоз адабиётни даврлаштириш бўйича баҳс-мунозаралар. Бадий матн талқинлари. Улардаги мунозарали жиҳатлар. Мумтоз бадий матн таҳлил ва талқинининг барқарор мезонлари. Мумтоз адабиётни ўрганишнинг инновацион тараққиёт йўли.

#### **8-мавзу. Мустақиллик даври адабиётидаги янгича изланишлар ва талқинлар.**

Мустақиллик даври адабиётидаги янгича изланишлар ва талқинлар. Янги давр ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигидаги барча ўзгаришларнинг бевосита истиқлол имкониятлари натижаси эканлиги. Мустақиллик арафаси ва ундан кейинги дастлабки йилларда вужудга келган адабий-эстетик, илмий-назарий муаммолар. Мазкур муаммоларнинг илдизлари ва ечимларнинг тадбирлари. Поэтик ва адабий-назарий тафаккурнинг янгиланиш жараёни. Адабий илмлар ва адабиёт таълимида сўз санъатининг таҳлил, талқини.

Бадий ижод ва унинг намуналарига ёндашув усууллари ҳамда методларнинг кенгайиши, қатъийлашуви.

Жаҳон адабиётидаги услубий, ғоявий-бадий ҳолат, ҳодисалардан таҳсирланиш, уларни ўзлаштириш, қабуллаш тенденциялари. Бугунги ўзбек шеърияти, насли, драматургиясининг етакчи тамойиллари.

Адабиётшунослик, адабий танқидда мустақиллик даври адабиётининг янгиланиш масалаларига муносабат тарзлари. Хилма-хил баҳс-мунозаралар ва уларнинг хуласалари. Бугунги ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигининг долзарб тақозолари ҳамда вазифалари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Ўзбек тилшунослигидаги янги лингвистик йўналишлар. (2 соат амалий).**

Ўзбек тилшунослигига кейинги йилларда кириб келган янги йўналишлар: семантик синтаксис, когнитив тилшунослик, антрополингвистика, лингвокультурология, прагмалингвистика, социолингвистика, психолингвистика каби йўналишлар, уларнинг таҳлил методлари.

### **2-3-мавзу. Антропоцентрик назариянинг моҳияти. Антропоцентрик парадигма соҳасидаги илмий тадқиқотлар. (4 соат амалий)**

Тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг юзага келиши ва шаклланиши, антропоцентрик парадигма доирасида шаклланган тилшунослик йўналишлари, шахс, лисоний онг, тафаккур, фаолият, менталлик, маданият тушунчалари ҳақида маълумот бериш.

Концепт – билиш жараёнида ҳосил бўлган ментал тузилма.

Концептнинг лисоний моддийлашуви. Лисоний белги, лисоний онг, лисоний идрок ҳақида маълумот бериш.

### **4-5-мавзу. Ўзбек тилини прагматик йўналишда ўрганиш. Нутқнинг коммуникатив-прагматик хусусиятлари (4 соат амалий)**

Нутқий акт билан контекст ўртасидаги ўзаро муносабат прагматиканинг асосий ўрганиш обьекти эканлиги. Гапнинг денотатив аспекти. Тагмаъно, пресуппозиция ва прагматика ҳақида маълумот бериш.

Фонопрагматика. Лексопрагматика. Прагматик семалар.  
Морфопрагматика. Атоқли отлар, олмошлар, юкламалар  
прагматикаси. Синтактик прагматика. Нутқий акт ва прагматика.  
Коммуникатив акт ва прагматика ҳақида маълумот бериш.

## **6-мавзу. Лингвокультурологиянинг умумназарий масалалари. (2 соат амалий)**

Лингвокультурологиянинг юзага келиши ва объекти, асосий вазифалари, компонентлари. Лингвокультурология тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан эканлиги. Тил ва маданият тушунчалари ҳақида маълумот бериш.

Тил ва тафаккур, коммуникация жараёнида тилнинг функционал кўринишлари. Социолингвистикада жамият ва тил ўртасидаги муносабат. Тил ва жамият, улар ўртасидаги муносабат. Социолингвистикада жамият тушунчаси. Тилнинг ўзгариш назарияси. Тил тараққиётида ички ва ташки омиллар ҳақида маълумот бериш.

## **7-мавзу. Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари.**

Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари ва унинг замонавий концепцияси. Farb ва Шарқ адабий-эстетик тафаккур тарихидан адабиётшуносликнинг ёрқин намуналари таҳлил-талқини орқали улардаги умумий ва хусусий хосликларни кузатиш. Бугунги дунё адабиётшунослигининг етакчи тараққиёт тамойилларининг устувор концепцияларининг, бадиий ижод намуналарига ёндашув принципларининг шарҳи.

Ўзбек адабиётшунослиги материаллари асосида адабиёт, унинг илмларидаги янгиланиш жараёнини таҳлил этиш. Қайта баҳолаш эҳтиёжи, янгича тадқиқ асослари ва бадиий асарга турлича ёндашув талабларини мустақиллик даври адабиёти ҳамда адабиётшунослиги намуналари мисолида кузатиш.

## **8-мавзу. Фольклор асарларини янги талқинлар асосида ўрганиш**

Фольклоршунослигидаги янги талқинлар. Халқ қўшиқларини тимсолларнинг рамзий-мажозий хусусиятларини янги талқинлар ва таҳлил ёрдамида аниқлаш.

Халқ достонлари маъно қатламларини аниқлаш. Алномиш достонини маъно қатламлари асосида ўрганиш. Маиший қатlam, социал қатlam, эзотерик қатlam. Эпос ва этнос масаласининг халқ достонларини ўрганишда муҳимлиги. Фольклор асарларини ўрганишда инновацион ёндашувлар.

## **9-мавзу. Лирик асарларни шарҳлаб ўрганиш**

Мумтоз балий матнни шарҳлаб ўрганиш. Алишер Навоийнинг лирик асарларини шарҳлаб ўрганиш. Навоий ғазалларини шарҳлашда аслият мазмунини сақлаш принциплари. Ғазалларни шарҳлашда ирфоний (тасаввуфий) талқинларнинг аҳамияти. Бадиий тимсоллар талқинида

зоҳирий ва ботиний мазмун уйғуларининг аниқлаш. Образ ва тимсол яратишида бадиий санъат ва тасвир воситаларининг ўрни.

### **10-мавзу. Эпик асарларни шарҳ ва талқинлар асосида ўрганиш муаммолари.**

Алишер Навоий достонларининг шарҳ ва табдиллари. Қайта ифодалашда аслият мазмунининг сақланиши ва улардан фойдаланиш самаралари. Достонларни ўрганишида инновацион технологияларининг ўрни ва аҳамияти.

### **11-мавзу. Бугунги ўзбек насрининг тараққиёт тамойиллари.**

Бугунги ўзбек насида дунё, инсон, маънавият моҳиятларига поэтик муносабат тамойиллари. Янгича адабий-эстетик тафаккур тарзини вужудга келтирган омиллар.

Катта ва кичик насрдаги тарихий, замонавий мавзулар миқёсининг кенгайиши. Узоқ ва яқин тарихга реалистик ёндашувнинг туб асослари.

Жаҳон адабиёти тенденциялари таъсирларига муносабат. Модернистик ифода усулларининг кириб келиши. Уларнинг ўзбек насирадаги ифодаси. Анъанавийлик ва янгиликка илмий-назарий муносабат кўринишлари.

### **12-мавзу. Ҳозирги ўзбек шеъриятидаги шаклий, жанрий изланишлар**

Ҳозирги ўзбек шеъриятидаги шаклий, жанрий изланишлар. Янгича поэтик тафаккурнинг турли шеърий шакллар ва услубий йўналишларда намоён бўлиши.

Инсон омилига муносабатни теран лирик қаҳрамоннинг устувор миллий-эътиқодий хусусиятлари. Лиро-эпик намуналарида тафаккурий тасвиротнинг устуворлашуви. Бугунги ўзбек шеърияти тадқики. Адабиётшуносликнинг бу борадаги долзарб масалалари.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Модул доирасида кўчма машғулотлар режалаштирилмаган.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

Модул доирасида мустақил таълим учун 4 соат режалаштирилган.

*Ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялар фанини ўқитишида бугунги фаннинг ютуқлари ва илгор тажрибаларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиши.*

## **Дастурнинг информацион-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.

### **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. - Т.; 2000. – 218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ,2010. 662с.
4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.

6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие. М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана. 2002. -336с.
10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. - 656 с.
11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса», 2000. – 17с.
12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулокоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
16. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.
17. Шихова О. Ф., Шихов Ю. А. Квалиметрический подход в образовании. //Ж. Образование и наука. 2013. № 4 (103) – С . 40-57.
18. Жукова Г.С., Комарова Е.В., Никитина Н.И. Квалиметрический подход в системе дополнительного профессионального образования специалистов социальной сферы: монография. – М.: Издательство РГСУ, 2012. – 186 с.
19. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Т.: “Фан”, 2007.
20. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: “Фан”, 2008.
21. Тоирова Г., Сафаров Ш. Нутқни социопрагматик ўрганиш асослари. –Жиззах.: 2006.
22. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
23. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти., 2000.
24. Adabiyot (Majmua): Akademik litseylarning ikkinchi bosqich o‘quvchilari uchun. Тузувчилар: В. То‘xliyev, R. Mirsamqova, O. Ametova – Тошкент, BAYOZ, 2014.
25. Adabiyot (Majmua): Akademik litseylarning uchinchi bosqich o‘quvchilari uchun. Тузувчилар: В. То‘xliyev, T. Shermurodov, Sh. Isayeva – Тошкент, BAYOZ, 2014.

26. Дўстқораев Б. Бир мунозара тарихидан // Шарқ юлдзузи, 1989, 6-сон.
27. Жаббор Эшонқул. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент, Фан, 2006.
28. Замонавий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров -Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. -120 бет.
29. Исҳоқов Ё. Навоий лирикаси ва янги давр поэтикаси. - // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами,- Тошкент, Фан, 2001. 46-66-бетлар. Йўлдошева Н., Муродова С. Адабиёт дарсларида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг афзалиги. -Т.: ИПТ ва нашр ишлари бўлими, 2007. -14 б.
30. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, Ўқитувчи, 1999.
31. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари.- Тошкент, Фан, 2007.
32. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий- назарий асослари. Тошкент. Ўқитувчи, 1996.
33. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари- Тошкент, O‘zbekiston, 2006.
34. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. –Тошкент,Фан, 2006.
35. Сайдидаҳмедов Н. Дидақтик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. –Т.: Университет, 2005.
36. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. «Янги аср авлоди», Т.: 2006.
37. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Т.: 1994.
38. Қаюмов А. «Садди Искандарий» достонининг сарлавҳалари. – // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами, – Тошкент, Фан, 2001. 84-103-бетлар.
39. Қаҳрамонов Қ. Адабий танқид янгиланиш жараёнлари. – Т.: 2010.
40. Куронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. – Тошкент, Шарқ, 2004.
41. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.:Шарқ, 2004.
42. Ҳаққул Иброҳим. Ким нимага таянади? Адабий сұхбатлар. – Тошкент, Зарқалам, 2006.
43. Ш. Турдимов. Эпос ва этнос.–Т.: Ўзбекистон, 2012.
44. Н. Комилов. Хизр чашмаси. –Т.: Маънавият, 2005.
- 45.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
4. [Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
5. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
6. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
7. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
8. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz).

## **МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

### **1-мавзу. Ўзбек тилшунослигидаги янги лингвистик йўналишлар. Режа**

1. Ўзбек тилшунослигига кейинги йилларда кириб келган янги йўналишлар.
2. Семантик синтаксис.
3. Когнитив тилшунослик.

**Таянч тушунчалар:** семантик синтаксис, когнитив тилшунослик, антрополингвистика, лингвокультурология, pragmalingvistika, социолингвистика, психолингвистика

Жаҳон тилшунослиги тарихида тил ҳодисасига хилма-хил ва бирбиридан фарқли ёндашувлар юзага келганлигини кузатиш мумкин. Тилшунослик тараққиётининг ҳозирги босқичида лингвистик бирликларни антропоцентрик нуқтаи назардан ўрганиш энг устувор йўналишлардан саналади. Бунинг сабаби шундаки, нутқий фаолиятнинг субектлари бўлган сўзловчи ва тингловч бўлган шахс тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди. Сўзловчи ва тингловчисиз нутқий фаолият ҳақида баҳс юритилди. Ваҳоланки, ҳеч бир тилни “til эгаси”дан ажратган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиш мумкин эмас. Жаҳон тилшунослигига тил тизимини шахс билан боғлиқ тарзда ўрганиш асосан лингвопрагматика, психолингвистика, когнитив тилшунослик, социолингвистика, лингвокультурологияга оид тадқиқотларда намоён бўлган. Мазкур фан магистрантларга тилшуносликнинг нафақат тил тадқиқига нисбатланган йўналишигина эмас, балки бевосита тилнинг моҳиятига дахлдор ҳодиса - антропоцентрик парадигма асосида тадқиқ этиш тенденсияси ва бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар юзасидан маълумотлар беради ҳамда уларнинг бу борадаги илмий билимларини оширишга ёрдам беради.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, ушбу дастурда тил тизимини антропоцентрик парадигма асосидаги тадқиқ йўналишлари - лингвокультурологик, прагматик, социолингвистик, когнитив ва психолингвистик таҳлил қилиш масалаларига эътибор берилган.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида ўзининг ilk қадамларини қўйган когнитив тилшунослик XXI аср бошидаёқ лингвистиканинг пешқадам соҳаларидан бирига айланиб улгурди. Ҳозирги вақтда ушбу соҳанинг бир неча йўналишлари мавжуд.

Когнитив тилшунослик тилни умумий когнитив механизм сифатида ўрганувчи соҳадир. В.З.Демъянков фикрига кўра, унда тил тизимининг ахборотни қайта ишлашдаги роли нутқ яратилиши ва идрок этилиши нуқтаи назаридан ўрганилади. Бунда нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи субъектлар

– сўзловчи ва тингловчига ахборотни қайта ишловчи тизим сифатида қаралади.

Олимнинг таъбирича, “... тилшунослик майдонида старт олган тадқиқотчи финишда “қўшма фанлар” манзилига етиб келади”. Яъни когнитив тилшунослик билан шуғулланмоқчи бўлган шахсдан ушбу соҳанинг юзага келишига асос бўлган психология, неврология, гносеология, социология, сунъий интеллект каби фанлар алифбосидан ҳам хабардор бўлиш талаб этилади.

Когнитив тилшунослик когнитив фаолият тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Когнитив фаолият инсоннинг бирор нарса ёки воқеликни идрок этишини амалга оширувчи тафаккур жараёнидир.

Когниция тушунчаси ҳам когнитив тилшуносликда марказий ўринда турувчи тушунча бўлиб, у илмий адабиётларда ахборотни идрок этиш, кодлаштириш ва яратиш каби жараёнлар тизими сифатида изоҳланади.

Когнитив тилшуносликда энг фаол қўлланувчи ва турли дефиницияларга эга бўлган термин *концепт* ҳисобланади. Унинг когнитив тилшунослик, лингвокультурология, шунингдек, адабиётшунослик фанларидағи изоҳи ўзаро фарқланади. Мазкур термин тилшуносликда ўтган асрнинг 80-йилларигача *тушунча* сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса, унинг ҳозирги вақтдаги изоҳи *тушунча* терминига нисбатан кенгроқ маъно касб этганини қўриш мумкин. Жумладан, Н.Ю.Шведова концепт бу – тушунча эканлиги, бу тушунча ортида эса ижтимоий ёки субъектив тарзда англанувчи, инсон ҳаётининг муҳим моддий, ақлий, руҳий томонини акс эттирувчи, ўз тарихий илдизларига эга бўлган, халқнинг умумий тажрибасини акс эттирадиган мазмун туришини қайд этади.

Проф. Н.Махмудов ўз мақолаларидан бирида *концепт* термини энг кўп дефиницияга эга бўлган термин эканлигини таъкидлаб, шундай ёzáди: “Лингвокультурологик тадқиқотларда айнан концептнинг ифодаланиши муаммоларига жуда катта эътибор қаратилмоқда, интернет материаллари билан танишганда, масалан, Россиядаги тилшуносликларда бу йўналиш ниҳоятда кенг тарқалганини қўриш мумкин, бу борадаги ишларни санаб, саноғига етиш ҳам мушкул. Ҳатто сўнгги йилларда ёқланган номзодлик диссертацияларининг жуда катта қисми айнан у ёки бу тилда концептнинг лингвокультурологик тадқиқига бағишиланган”.

Рус тилшуноси Л.В.Адонина *концепт* терминига бағишиланган мақоласида бу терминнинг таникли тилшунослар томонидан қайд этилган 12 та таърифини келтиради. Шунингдек, унинг маълумотига кўра, *концепт* термини ўн нуқтаи назардан тасниф қилинган. Масалан, концепт стандартлашишига кўра универсал, этник, гуруҳга оид ва шахсий концептларга, қўлланишига кўра илмий, бадиий, майший концептларга; ифодаланишига кўра лексик-фразеологик, грамматик, синтактик ва матний концептларга бўлинади ва ҳ.к.

Ҳозирги вақтда когнитив тилшуносликда кенг тарқалган методлардан бири фрейм таҳлили ҳисобланади. Лингвокогнитологияга кўра, ҳар қандай матн маълум бир фрейм ифодасидир. Фрейм назариясини яратган

олимлардан бири М.Минский унга шундай таъриф беради: “....фрейм – стереотип вазиятларни намоён қилиш усулларидан бири ҳисобланиб, ҳар қандай фреймда кўпқиррали ахборот ўзаро боғланган бўлади”. Бинобарин, фрейм у ёки бу типик вазиятнинг кенг ҳажмли прототипи бўлиб, матн яратилиши жараёнида когнитив контекст вазифасини бажаради. Бу ўринда шуни ҳам айтиш лозимки, матн яратилиши тадқиқида когнитив тузилмалардан бири бўлган гешталт ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳозирги тилшуносликда мавжуд бўлган *семантик гешталтлар назарияси* тилнинг луғавий сатхини ўрганишга татбиқ этилган. Гешталт ҳодисасини матн билан боғлаб ўрганувчи тадқиқотлар сони эса жуда оз. Ваҳоланки, ҳар қандай матн яратилиши “бутундан – бўлакка” жараёнини акс эттиради. Проф. Ш.Сафаров фикрига кўра, гешталт ва матн яратилишини узвийликда тадқиқ этилади<sup>1</sup>.

Психолингвистик нуқтаи назардан матн яратиш ва унинг мазманий идроки индивиднинг нутқий тафаккури маҳсули, объектив борлиқни тил тизими воситасида акс эттириш қобилияти сифатида намоён бўлади. Бунда матннинг шакли ва мазмuni муайян коммуникатив вазият қатнашчиси – конкрет шахснинг психологик хусусиятлари билан узвийликда тадқиқ этилади<sup>1</sup>.

Маълумки, психолингвистика соҳаси XX асрнинг 50-йилларида психология ва тилшунослик фанларининг ҳамкорлиги натижасида юзага келган. Психолингвистиканинг асосий тадқиқ обьекти нутқий фаолият субъекти бўлган шахс, тил эгаси ҳисобланади. Рус тилшунослигига мазкур соҳа ривожига катта ҳисса қўшган А.А.Залевская психолингвистиканинг вазифаси ҳақида ёзар экан, “тилнинг амал қилишини психик феномен сифатида тавсифлаш ва тушунтириш” ушбу соҳанинг асосий мақсади бўлиши кераклигини таъкидлаган эди .

Психолингвистикага доир кўплаб тадқиқотлар яратган рус тилшуноси ва психологи В.П.Белянин “Основы психологической диагностики (модели мира в литературе)” номли асарида матнга лингвистик ва психологик ёндашув ҳақидаги ўз концепциясини яратди. Олимнинг матн ҳақидаги қарашларини акс эттирган бу банддан иборат бўлган фикрларини тўлиқ келтиришни лозим, деб ҳисоблаймиз. Зоро, улар тилшунослигимизда ҳали шаклланиб улгурмаган матннинг психолингвистик тадқиқ тамойиллари учун жуда муҳимдир.

1. В.П.Беляниннинг фикрига кўра, нутқ ортида нафақат тил тизими, балки психология ҳам туради. (Аёнки, бунда олим нутқ яратилиши жараёнини назарда тутган).

2. Ҳар хил матн ортида ҳар хил психология туради. (Бунда В.П.Белянин матн тузувчининг матнда акс этувчи субъектив хусусиятларини назарда тутган).

---

<sup>1</sup> Қаранг: Зорькина О.С. О психологическом подходе к изучению текста // Язык и культура. – Новосибирск, 2003. – С. 205-210.

3. Бадиий матн тузилиши акцентуаллашган онг тузилишига мувофиқдир. (Бунда Белянин онг психик тузилишининг матн тузилишига таъсирини назарда тутади. Унинг бу фикри кейинги бандда янада равшанроқ намоён бўлади).

4. Ҳиссий-мазмуний доминанта бадиий матннинг семантик, морфологик, синтактик хусусиятлари, шунингдек, унинг услубияти намоён бўлишида асосий ролни бажаради.

5. Матн воқелик – онг – олам манзараси – тил – матн тузувчи – реципиент – матн проекциясидан иборат тизим унсури ҳисобланади. (В.П.Белянин ушбу бандда матн яратилиши ва идрокининг барча лисоний ва нолисоний омилларини қайд этган).

6. Реципиентнинг бадиий асар ҳақидаги ўз талқини бўлиши мумкин. Бу талқин матн билан бирга реципиентнинг психологиясига ҳам боғлиқ бўлади .

(Бу бандда В.П.Белянин матн идрокининг хусусий ҳодиса эканлигини таъкидлаган).

Назаримизда, В.П.Белянин томонидан келтирилган ушбу қарашлар факат бадиий матнни эмас, бошқа услубдаги матнларни ҳам психолингвистик таҳлил қилиш учун асос бўла олади. Хусусан, 5-бандда баён этилган матннинг объектив воқелик, онг, олам манзараси, нутқ яратилиши ва унинг идроки билан боғлиқ бўлган серқирра ва мураккаб ҳодиса эканлиги ҳақидаги қарашлар матннинг психолингвистик моҳиятини яққол намоён этади.

Психолингвистик таҳлилда лисоний онг масаласи ҳам марказий ўринлардан бирини эгаллайди. “Лисоний онг ташқи фаолиятни тил белгилари воситасида режалаштириш ва бошқаришдан иборат бўлган ички жараёндир” . У хусусан, коммуникациянинг энг олий бирлиги бўлган матн яратилишида муҳим аҳамият касб этади.

Матннинг психолингвистик таҳлилида энг муҳим бўлган объектлардан бири тил эгаси – матн тузувчи ва реципиент фаолиятидир. Маълумки, матн инсон томонидан инсон учун яратилади. Бу матн яратилиши ва унинг идрокидан иборат фаолият занжирининг антропоцентрик хусусиятга эгалигидан далолат беради. Психолингвистик таҳлилда муаллиф-реципиент муносабатларида амал қилувчи лисоний ва нолисоний омиллар борки, уларни ўзаро уйғунликда тадқиқ этиш кутилган натижаларни олишга имкон яратади.

Тилшуносликда матн моҳияти, унга хос бўлган асосий белгилар ҳақида мавжуд бўлган фикрлар матнни психолингвистик аспектда ўрганган тадқиқотчилар томонидан ҳам эътироф этилади. Жумладан, яхлитлик, информативлик, боғланишлик каби хусусиятлар матннинг асосий белгилари эканлиги бир қатор психолингвистларнинг ишларида ҳам қайд этиб ўтилган . Шу билан бирга, ушбу тадқиқотчилар матннинг психолингвистик ўзига хослиги ҳақида айрим қарашларни ҳам илгари сурдилар. Жумладан, матнни психолингвистик аспектда ўрганган Ю.А.Сорокин унинг боғланишлик ва яхлитликдан иборат белгиларига қуйидаги тарзда ёндашади: “Матн

яхлитлиги психологик нүқтаи назардан реципиент ва матннинг ўзаро муносабати жараёнида юзага келувчи яширин проекцион (концептуал) ҳолатдир, шунингдек, боғланишлик тил / нутқнинг қурилиши унсурлари баробарида унинг қурилиш унсурлари бўлмаган қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижаси ҳамдир . Яна бир тилшунос А.И.Новиковнинг фикрига кўра эса матн яхлитлиги фақат унинг мазманий тузилишига хосдир . Новиковнинг ушбу холосаси психологик ва когнитив нүқтаи назардан тўғри бўлса-да, матннинг ташқи тузилиши – синтактик-структур жиҳатини эътиборга олмаганлиги билан мунозаралидир. Зеро, матн яхлитлигини унинг ички тузилишигина таъминламайди. Замонавий тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган лингвокультурология XX асрнинг сўнгги чорагида шаклана бошлади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, “лингвокультурология” термини В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби томонидан олиб борилган тадқиқотлар билан боғлик равишда пайдо бўлган .

Лингвокультурологиянинг шакланиши ҳақида гапирилганда, деярли барча тадқиқотчилар бу назариянинг илдизи В.фон Гумбольдтга бориб тақалишини таъкидлайдилар . Тилшуносликда бу соҳанинг шакланишида А.А.Потебня, Л.Вайсгербер, Х.Глинц, Х.Хольц, У.Д.Уитни, Д.У.Пауэлл, Ф.Боас, Э.Сепир, Б.Л.Уорф, Г.Брутян, А.Вежбицкая, Д.Хаймз каби тилшуносларнинг фикрлари муҳим роль ўйнаганлиги таъкидланади .

Лингвокультурология соҳасида жиддий тадқиқотлар яратган В.А.Маслова ушбу соҳанинг ривожини З босқичга ажратади:

1) фан шакланишига туртки бўлган дастлабки тадқиқотларнинг яратилиши (В.фон Гумбольдт, Э.Бенвенист, Л.Вайсгербер, А.А.Потебня, Э.Сепир каби тилшуносларнинг ишлари);

2) лингвокультурологиянинг алоҳида соҳа сифатида ажратилиши;

3) лингвокультурологиянинг ривожланиш босқичи .

XXI аср бошига келиб лингвокультурология дунё тилшунослигидаги етакчи йўналишлардан бирига айланиб улгурди. Лингвокультурология тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлган тил ва маданият унинг предметини ташкил этади. Жумладан, В.Н.Телия бу ҳақда шундай ёзади: “Лингвокультурология инсоний, аникроғи, инсондаги маданий омилни тадқиқ этувчи фандир. Бу эса шуни билдирадики, лингвокультурология маркази маданият феномени бўлган инсон тўғрисидаги антропологик парадигмага хос бўлган ютуқлар мажмуасидир” . Г.Г.Слишкиннинг фикрига кўра, “Лингвокультурология инсон омилига, аникроғи, инсондаги маданият омилига йўналтирилган. Лингвокультурологиянинг маркази маданият феноменидан иборат бўлиши инсон ҳақидаги фаннинг антропологик парадигмага тегишли ҳодиса эканлигидан далолат беради” . Лингвокультурологиянинг ўрганиш обьекти ҳақидаги фикрлар борасида бир тўхтамга келинган бўлса-да, айрим мунозарали қарашлар ҳам йўқ эмас. Масалан, В.Н.Телиянинг фикрига кўра, лингвокультурология тил ва маданиятнинг фақат синхрон алоқасини ўрганади. В.А.Маслова эса бу соҳа тилни ҳам синхрон, ҳам диахрон

жихатдан ўрганади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, В.Н.Телия лингвокультурология объекти умуминсоний характерга эга бўлишини таъкидласа, В.А.Маслова муайян халқ ёки қардош халқлар тилининг лингвокультурологик хусусиятлари алоҳида ўрганилиши лозим эканлигини таъкидлади .

Хозирги вактда лингвокультурология жаҳон, хусусан, рус тилшунослигида энг ривожланган йўналишлардан бири бўлиб, бу борада бир қанча ўқув қўлланмалар яратилган. Тилшуносларнинг эътироф этишича, уларнинг орасида энг машҳури В.А.Маслова томонидан яратилган ўқув қўлланма ҳисобланади . Мазкур ўқув қўлланмада лингвокультурология соҳасининг методлари, объекти ва предмети, йўналишлари ёритиб берилган, муйян тил бирлигини лингвокультурологик таҳлил қилиш намуналари кўрсатилган .

Лингвокультурологик тадқиқотларда, асосан, қўйидаги масалалар тадқиқ этилганини кўриш мумкин: 1) муайян нутқий жанрнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Бунда кўпинча мифлар, халқ оғзаки ижодига хос жанрлар тили таҳлил этилган; 2) муайян услубда ёзилган асарда лингвокультурологик концепт ифодаланиши тадқиқи. Бунда асосан бадиий-насрий асарлар тили таҳлил этилган; 3) қиёсий аспектдаги ишлар. Бунда асосан рус тилидаги лингвомаданий бирликлар инглиз, немис, француз тиллари билан қиёсланган; 4) лингвокультурологиянинг педагогика фани билан боғлиқ жихатлари. Бунда талабаларда лингвокультурологик бирликларни аниқлаш ва таҳлил этиш малакасини ҳосил қилиш асосий мақсад қилиб олинган.

Лингвокультурологик ёндашувдаги тадқиқотлар ўзбек тилшунослигида охирги ўн йилликларда пайдо бўла бошлади. Масалан, З.И.Солиеванинг номзодлик иши ўзбек ва француз тилларидағи сентенция, яъни ахлоқий-таълимий характердаги матнларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганишга бағишлиланган .

Професор Н.Маҳмудовнинг “Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб...” номли мақоласида лингвокультурология, умуман, антропоцентрик парадигманинг моҳияти ва бу борадаги муаммолар чуқур ва асосли ёритиб берилди. Ушбу мақолани ўзбек тилшунослигида лингвокультурология ҳақида жиддий мулоҳазалар баён қилинган биринчи асар сифатида баҳолаш мумкин .

Мақолада лингвокультурологик назариянинг шаклланиши учун хизмат қилган омиллар, ундаги асосий тушунчалар, уларнинг талқинидаги ҳар хилликлар ҳақида жуда асосли мулоҳазалар айтилган. Хусусан, Н.Маҳмудов айни соҳанинг энг асосий тушунчаларидан бўлган тил ва маданият ҳақида қўйидагиларни ёзади: “Тил ва маданият деганда, кўпинча, “нутқ маданияти” дейиладиган муаммо ассоциатив ҳолда эсга тушса-да, бу икки ўриндаги маданиятнинг айнанлигини асло кўрсатмайди. Тил ва маданият деганда, одатда, (тўғриси ҳам шу) тил орқали у ёки бу маданиятни ёки аксинча, маданиятни ўрганиш орқали у ёки бу тилни тушунириш назарда тутилади, аникроқ айтадиган бўлсак, лингвокультурологиядаги

маданиятнинг маъноси “ақлий-маънавий ёки хўжалик фаолиятида эришилган даража, савия (нутқ маданияти)” эмас, балки “кишилик жамиятининг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи (маданият тарихи, ўзбек маданияти)” демакдир. Шундай бўлгач, нутқ маданиятининг ўрганиш муаммолари бошқа, лингвокультурологиянинг ўрганиш обьекти тамоман бошқадир”.

Лингвокультурологиянинг бевосита матн билан боғлиқ жиҳатига келсак, шуни айтиш лозимки, матн ҳам бошқа тил бирликлари қаторида бу соҳанинг тадқиқ обьектларидан бири ҳисобланади. “Лингвокультурология” китобининг муаллифи В.А.Маслова бу борада куйидагича ёзди: “Матн тилшунослик ва маданиятнинг ҳақиқий кесишув нуқтасидир. Зеро, матн тил ҳодисаси ва унинг олий сатҳи ҳисобланади, шу билан бирга у маданият мавжудлигининг амал қилиш шакли ҳамдир. Лингвокультурология эса тилни маданий қадриятлар тажассуми сифатида тадқиқ этади”. В.А.Маслованинг, хусусан, ўхшатиш – матнлар ҳақидаги фикри ҳам эътиборга молиқдир. Олима ўхшатишларнинг матн яртилишидаги ўрнига яна тўхталиб, улар матнда структур-композицион вазифани бажариши ва матн когерентлигини таъминловчи восита мақомида бўлишини айтади . Кузатишлар натижасида айтиш мумкинки, ўхшатиш ва унинг қисқарган шакли бўлган метафоралар матнда муҳим когнитив-семантиқ аҳамият касб этиши билан бирга, тил эгаларининг миллий-маданий тафаккурига хос жиҳатларни ҳам намоён этувчи ҳодиса бўла олади. Ўхшатиш ва метафоралар асосига қурилган матнлар муайян тилда қолиплашган матн шакллари (уларни матннинг прецедент шакллари тарзида ҳам баҳолаш мумкин)ни аниқлаш имкониятини ҳам беради.

Лингвокультурологиядаги матн билан боғлиқ яна бир ҳодиса бу – прецедент матн масаласидир. Тадқиқотчи О.Е.Артемованинг сўзлари билан айтганда, прецедент жанрлар – маданий ахборотнинг “аккумулятори”дир .

Прецедент матнлар прецедент бирликларнинг бир тури бўлиб, ўзида муайян миллат тил эгаларига хос бўлган лисоний хотирани акс эттиради. Ҳозирги вақтда хусусан рус тилшунослигида бу борада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. (Прецедент матнлар ҳақида ишимизнинг 4-бобида батафсил мулоҳаза юритилади).

Лингвокультурологиядаги матн билан боғлиқ яна бир масала сентенциядир. Сентенция ахлоқий-таълимий характердаги тил бирлиги бўлиб, ўзида интертекстуалликни намоён этади .

З.И.Салиева инглиз ва ўзбек тилларидаги сентенцияларнинг миллий-маданий хусусиятларини қиёсий аспектда ўрганар экан, муайян халқ тарихида катта ўрин тутган мутафаккирларнинг асарларида баён қилинган дидактик ғояларнинг ёзувчи томонидан ўзгарган шаклда ифодаланишини интертекстуалликнинг бир кўриниши сифатида баҳолайди. Тадқиқотчи бунга мисол сифатида Ойбекнинг “Навоий” романида Навоий томонидан айтилган дидактик мазмунли матнларни келтиради . Бу хусусиятни ўзбек тилида яратилган бошқа асарларда ҳам кўриш мумкин.

XXI асрнинг дастлабки йилларидан ўзбек тилшунослигига антропоцентрик парадигма асосида бажарилган тадқиқотлар юзага кела бошлади. Бу ишлар, асосан, қуйидаги йўналишларда амалга оширилди: 1) социолингвистика; 2) когнитив тилшунослик; 3) лингвистик прагматика; 4) психолингвистика; 5) антропоцентрик парадигманинг умумназарий масалалари.

Бу тадқиқотлар, гарчи уларда антропоцентрик парадигмага муносабат билдирилмаган бўлса-да, ўзида ушбу парадигма тамойилларини акс эттирган дастлабки ишлар ҳисобланади.

С.М.Мўминовнинг “Ўзбек мuloқot хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари” мавзусидаги докторлик диссертациясида ўзбекларнинг ўзига хос мuloқot хулқи ижтимоий-лисоний нуқтаи назардан тадқиқ этилган .

Тадқиқотдан мuloқot хулқининг миллий характер билан алоқадор жиҳатлари ҳақида, шунингдек, унинг инсон психологияси ва физиологияси билан боғлиқлиги хусусидаги қарашлар ҳам ўрин олганки, буни тил тизимиға антропоцентрик ёндашув сифатида баҳолаш мумкин. Олим, жумладан, шундай ёзади: “МХ (мuloқot хулқи – Д.Х.) муаммосини миллий характер, миллат аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, қадрият ва анъаналарини ҳисобга олмасдан туриб мутлақо ўрганиш мумкин эмас. Чунки МХ миллат характеристининг узвий бир қисми бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир” .

С.М.Мўминов ўз тадқиқотида мuloқотнинг психолингвистик аспектини таҳлил қиласа экан, тилнинг инсонга таъсири унинг вазифаларидан бири эканлигини таъкидлайди: “Мuloқot инсон психологияси ва физиологияси билан чамбарчас боғлиқ ҳодисадир. Чунки ҳар қандай нутқ тафаккур билан, тафаккур эса рухият билан боғлиқдир. Танани руҳ бошқариб туради. Демак, рухга таъсир этган ҳар қандай нарса танага ҳам таъсир этади. Буларнинг ҳаммаси мuloқотнинг психофизиологик аспектини ташкил этади”

## **Назорат саволлари**

1. Психолингвистиканинг юзага келиши ва объекти.
2. Ўзбек тилида матнни когнитив-семантик тадқиқ этиш муаммолари
3. Лингвистик прагматика муаммосининг ўрганилиши.
4. Тилшуносликда лингвокультурологик йўналишнинг юзага келиши.
5. Социолингвистикада жамият ва тил ўртасидаги муносабат.

## **Адабиётлар рўйхати**

1. Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. – М.: Наследие, 1992.
2. Гумбольдт В.фон. Язык и философия культуры. – М., 1985.
3. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально – культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф.дисс.канд.филол.наук. – Ташкент, 2010.

4. Махмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб ... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. - № 5.
5. Нурмонов А. Овруподи умумий ва қиёсий тилшуносликнинг майдонга келиши // Нурмонов А. Танланган асарлар. 2-жилд. –Тошкент: Академнашр, 2012.
6. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально – культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 2010.
7. Худайберганова Д. Матнинг антропоцентрик тадқиқи. Монография. – Тошкент.: Фан, 2013.
8. Кенжаева С.Е. Ўзбек антропонимларининг семантик ва социолингвистик тадқиқи. ном...дисс. автореферати.-Тошкент , 2011.

## **2-мавзу. Антропоцентрик назариянинг моҳияти. Антропоцентрик парадигма соҳасидаги илмий тадқиқотлар.**

### **РЕЖА**

1. Антропоцентрик назариянинг моҳияти.
2. Антропоцентрик парадигма соҳасидаги илмий тадқиқотлар.
3. Концепт – билиш жараёнида ҳосил бўлган ментал тузилма.

**Таянч тушунчалар:** антропоцентрик парадигма, шахс, лисоний онг, тафаккур, фаолият, менталлик, маданият тушунчалари, концепт.

### **Антрополингвистика. Матннинг антропоцентрик тадқики**

Жаҳон тилшунослиги тарихида тил ҳодисасига хилма-хил ва бирбиридан фарқли ёндашувлар юзага келганлигини кузатиш мумкин. Тилшунослик тараққиётининг ҳозирги босқичида лингвистик бирликларни антропоцентрик нуқтаи назардан ўрганиш энг устувор йўналишлардан саналади. Бунинг сабаби шундаки, нутқий фаолиятнинг субектлари бўлган сўзловчи ва тингловч бўлган шахс тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди. Сўзловчи ва тингловчисиз нутқий фаолият ҳақида баҳс юритилди. Ваҳоланки, ҳеч бир тилни “тил эгаси”дан ажратган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиш мумкин эмас. Жаҳон тилшунослигига тил тизимини шахс билан боғлиқ тарзда ўрганиш асосан лингвопрагматика, психолингвистика, когнитив тилшунослик, социолингвистика, лингвокультурологияга оид тадқиқотларда намоён бўлган. Мазкур фан тингловчиларга тилшуносликнинг нафақат тил тадқиқига нисбатланган йўналишигина эмас, балки бевосита тилнинг моҳиятига дахлдор ҳодиса - антропоцентрик парадигма асосида тадқиқ этиш тенденцияси ва бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар юзасидан маълумотлар беради ҳамда уларнинг бу борадаги илмий билимларини оширишга ёрдам беради.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, ушбу дастурда тил тизимини антропоцентрик парадигма асосидаги тадқиқ йўналишлари - лингвокультурологик, прагматик, социолингвистик, когнитив ва психолингвистик таҳлил қилиш масалаларига эътибор берилган.

### **Когнитив тилшуносликнинг предмети ва вазифалари**

Тилшунослик, психология, социология, маданиятшунослик каби соҳалар ҳамкорлиги когнитив фаолият асосида воқеланувчи ҳодисадир. Когнитив тилшунослик ҳам инсоннинг билиш фаолияти билан шуғулланувчи фанлар таркибига киради. Когнитив тилшунослик атамасининг мазмуни инглизча «согнитиве – билишга оид» сўзи билан боғлиқ.

Тафаккур фаолияти жараёнида юзага келадиган билим турли кўриниш ва хусусиятга эга бўлади. Бу фарқ дастлабки ўринда билимнинг қай йўсинда ва қандай мақсадда ўзлаштирилиши билан боғлиқдир. Воқелик ҳақидаги оддий, «қундалик» билим тажриба натижасидир. Билим маданий ҳодиса сифатида талқин қилинганда, бу шаклдаги билимнинг маълум ижтимоий

гурух маданияти учун хос бўлган меъёрларга қанчалик даражада мос келиши назарда тутилади. Лисоний билим иккинчи турга оид, чунки тил миллатнинг маданий бойлигидир. Бу билим инсоннинг онгли фаолияти заминида шаклланади ва бу фаолият амалга ошишида муҳим рол ўйнайди. Айнан лисоний билим лингвокогнитив таҳлил сифатида танланиши ҳам бекиз эмас. Шубҳасиз, билим – инсон хотирасида сақланган (ҳеч бўлмаса «из қолдирган») тизимлаштирилган маълумотлар тўпламидир. Аммо бу тўпламнинг қандай таркиб топиши, ундан фойдаланиш механизмини ўрганиш анча қийин вазифа. Америка беҳевористлари инсон билимлари дунёсини «қора қути» (яъни ўқилиши мушкул бўлган манба) деб таърифлашган, чунки билим жамланишини таъминловчи воситаларнинг «иш тартиби»ни бевосита кузатишнинг имкони йўқ (Сехнелле 1981). Тўғри, инсоннинг билиш қобилиятининг нейрофизиологик асослари, айниқса, мия яримшарлари фаолияти билан боғлиқ томонларини ўрганиш борасидаги изланишлар давом этмоқда. Психолингвистлар ва нейролингвистлар нутқий фаолият ижроси ва унинг қабул қилинишини (аникрофи, идрок этилиши) таъминловчи мия қисмлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги маълумотларни тўплашган бўлса-да, ушбу нейрофизиологик тизимнинг ўзи ҳануз сирлигича қолмоқда. Олимлар мия чап яримшари нутқий ахборотни қабул қилувчи ва узатувчи ҳудудлар (бу ҳудудлар нейрофизиологлар Брек ва Вернике номлари билан аталади) ўзаро мураккаб муносабатда эканлигини доимо уқтиришади. Лекин бу муносабатлар қандай юзага келади-ю, уларнинг заминида нима туриши тўғрисидаги фикрлар у қадар аниқ эмас. Балки нейрофизиологик тузилмаларнинг вазифалари ва уларни ҳаракатлантирувчи механизmlарнинг иш фаолиятини аниқлаш учун дастлаб лисоний фаолиятнинг когнитив тизимини батафсил ўрганиш лозимдир. Бу эҳтимолнинг ҳақиқатга ўта яқинлиги когнитив тилшунослик тараққиёти жараёнида ўз исботини топмоқда.

Тафаккур қайси ҳолатда ва қандай кўринишда ҳаракатга келмасин, ягона бир вазифани бажаради - у воқелик ҳақидаги ахборотни қабул қилиш, тўплаш, қайта ишлаш ва тартибга солиш усулидир. Бу усул воситасида хосил бўладиган ғоя ёки фикр воқеликнинг онгда акс этиш шаклидир. Тафаккурнинг ҳаракатланиши ва фикрнинг шаклланиши воқеликнинг бевосита онгда акс этишини таъминловчи жараён – билиш фаолияти билан боғлиқ. Тилнинг билиш фаолиятидаги ўрни алоҳида, у воқеликни идрок этиш ва билиш воситаси – қуролидир. С. Д. Кацнельсон (1972: 110) «Тил – нафакат мулоқот қуроли, балки фикр ва ғояни шакллантирувчи ҳамда уни ифодаловчи қуролдир» деб ёзган эди. Тилнинг тафаккур фаолиятидаги ролини билиш учун онг ва тилнинг муносабатига оддий бир ҳол (ҳодиса) сифатида қарамаслик лозим. Бу муносабат икки мустақил ҳодисанинг ўзаро «мулоқот»идир. Худди шу «мулоқот» ментал фаолиятнинг лисонийлашувига олиб келади, зеро, лисоний ва мантиқий фаолиятлар бир-бирига ҳамроҳ бўлиб, улар ягона нутқий тафаккур жараёнини ташкил этади. Демак, тил онгни ҳаракатлантирувчи воситалардан биридир, у онгда энг оддий,

бирламчи (элементар) тафаккур категориялари пайдо бўлишини таъминлайди. Ушбу категорияларсиз «алоҳида нутқий тузилмалар – гапларни тушуниш ва фикр (фоя)нинг шаклланишини ҳамда шу йўсинда билимнинг фаоллашувини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди» (Кацнельсон 2001: 480). Қай даражалигидан қатъий назар, тил ва тафаккур муносабати масаласининг фалсафа, тилшунослик ва психология фанлари доирасида анча батафсил муҳокама қилиниши когнитив тилшунослик тараққиёти учун мустаҳкам замин яратди. Когнитив тилшунослик мажмуавий тадқиқот йўналиши (соҳаси) бўлиб, у тилшунослик ва психологиядан ташкари, сунъий интеллект назарияси, психолингвистика, нейролингвистика каби фан соҳаларига оид илмий ёндашувларни ҳам умумлаштиради. Воқеликдаги предмет ва ҳодисаларни билиш, идрок қилиш қатор мантиқий – руҳий ҳаракатларни ўз ичига олган таркибли фаолиятдир. Бу фаолиятнинг дастлабки босқичини, албатта, маълум бир объектни бошқа объектлар қаторидан ажратиш ҳаракати ташкил қиласи. Бир объектни бошқасидан ажратиш учун унинг фарқловчи белгиларини топиш лозим.

Кейинги босқичда эса, фарқловчи белгиларининг чоғиширилиши асосида объектнинг ҳиссий рамзи юзага келади. Навбатдаги босқичда пайдо бўлган рамзнинг хотирада сақланаётган бошқа рамзлар билан ўхшаш томонлари изланади. Нихоят, воқеликни билишнинг муҳим босқичи – умумлаштириш ҳаракати амалга ошади (Горский 1985). Санаб ўтилган ментал ҳаракатлар когнитив структураларни (тафаккур фаолияти қисмларини) ташкил қилиб, объект ҳақидаги тушунчанинг шаклланишини таъминлайди. Тушунча – ментал тузилма, у ақлий фаолиятнинг ўзига хос шакли (тури) дир. Тушунча «қандайдир бир синфга кирувчи предметларни умумлаштириш ва ушбу синфи унга кирувчи предметларнинг умумий ва фарқловчи белгилари мажмуасига нисбатан ажратувчи мантиқий фаолият натижасида ҳосил бўлади»

Шундай қилиб, тушунча ва ҳукмнинг ҳосил бўлиши ақлий фаолиятнинг турли босқичларига оиддир. Кўпчилик ҳукмнинг бирламчи эканлигини эътироф этишади. Ҳақиқатан ҳам мантиқий субъект ва предикат бирикишидан ҳосил бўладиган ҳар қандай оддий ҳукм (Масалан, Қор ёғмоқда) предмет образларининг ўзаро муносабатдалиги, боғланишидан бошқа ҳеч нарса эмас. Тушунчалар муносабати эса иккиласи, у нутқий тафаккур фаолиятининг юқори босқичида юзага келади. Бунинг исботини биз А.Ф.Лосевнинг мулоҳазасида ҳам кўрамиз. Унинг фикрича, соф ҳукмда тушунчалар «мазмунига» ҳеч қандай ишора йўқ, шу сабабли ҳукмга предметни унинг воқелигидан узоқлашган ҳолда тасаввур қилишнинг услуби ва қонунияти сифатида қаралиши лозим (Лосев 1990: 129 -130).

Бизнингча, ҳукм ва тушунчани фарқловчи белги ва хусусиятлар ҳақида гапириш билан бир қаторда, бу икки ҳодисанинг диалектик умумийликка эга бўлишини ҳам унумаслик лозим. Зеро, тушунчанинг ҳосил бўлиши воқеликдаги предметлар, содир бўлаётган ҳодисаларни мантиқан идрок этиш, улар ҳақида ҳукм чиқариш билан бевосита боғлиқдир.

Фақатгина тушунча мураккаб сифатида намоён бўлади. Концепт ҳам тафаккур бирлиги тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади. Концептнинг шаклланиши индивидуал образ туғилишидан бошланиб, лисоний бирликнинг пайдо бўлиши билан тугайди. Таниқли файласуф ва психолог Жерри Фодор воқеликнинг онга инъикос этиши ва бу инъикоснинг тафаккурда «қайта ишланиш» жараёнини ўрганаётуб, бу жараёни «тафаккур лисони»га ўхшатади. Чунки «ҳар қандай мантиқий тасаввур харакати маълум кўринишдаги структурага эга бўлади ҳамда бу структура табиий тил бирлигининг синтактик шакли такрорига ишорадир» Концепт – ментал тузилма бўлиб, у турли таркибдаги кўринишдаги билимлар кванти ёки умумлашмасидир. Концептлар инсон онгидаги шаклланадиган турли категорияларнинг асосини ташкил қиласи, улар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қиласи. Одатда, концептнинг умумий хусусиятлари сифатида унинг ички тузилиш жиҳатидан аниқ кўринишга эга эмаслиги қайд қилинади, бироқ бу қайд унчалик ҳақиқатга яқин эмас. Зоро, концептнинг асосини ташкил қилувчи предмет образи етарлича аниқ ва иккиласмичи ўринни эгаллаган бўлаклари мавхумликка эга бўлиши билан биргаликда, улар ягона негиз ядровий асос атрофида ўзаро муносабатга киришиб бирикадилар. Шу сабабли концепт таркибининг тизимиҳи характерга эга эканлигини эътироф этиш маъқулдир. Унинг тизимиҳи хусусиятлари тузилиш жиҳатидан мураккаб тартибли бўлишида ва бир бутун ментал тузилма сифатида идрок қилинишида намоён бўлади. Тадқиқотчилар лексик ва фразеологик концептлар билан бир қаторда, грамматик (аниқроғи, синтактик) концептлар гурухларини ҳам ажратишни таклиф қилишмоқда. Ҳар қандай ҳолда ҳам эгалланган билимнинг шаклланиши ва тизимлаштирилишнинг асосий воситаси тил тизимиҳидир. Тафаккур бирлиги ва ментал ҳодиса сифатида юзага келадиган концептнинг лисоний воқеланиши ҳам нутқий тафаккур фаолияти натижасидир.

### **Концептнинг лисоний воқеланиш жараёни**

Юқорида айтилганидек, когнитология турли фан соҳалари чорраҳасида юзага келган фандир ва унинг тадқиқот соҳаси «билимни тўплаш ва қўллаш усусларини тадқиқ қилиш» сифатида Америкалик психолог X. Гарднер когнитив фанлар чорраҳасида олти фан соҳаси туташишини ва ягона бир илмий мақсад – табиий ва сунъий тизимларда билимнинг жамланиши, қайта ишланиши ва қўлланиши муаммолари ечимини излаш билан банд бўлишини қайд қилган эди: **фалсафа, тилшунослик, антропология, неврология, сунъий интеллект, психология**.

Тилшунослик ушбу фанлар чорраҳасида мустаҳкам ўрин олган ва барча қавм соҳалар билан бевосита муносабатдадир. Шу сабабли когнитив тилшунослик инсоннинг билиш қобилияти ҳақидаги фан - когнитологиянинг маркази

соҳаларидан бири сифатида эътироф этилади.

Когнитология фанининг пайдо бўлиш санасини 1956 йилдан деб хисоблаётган мутахассислар (Муерс, Броун 1986) унинг асосий вазифасини ақлий тасаввур қоидалари ва мантиқий холосалар қонуниятларига таянган ҳолда табиий тил тизимини «қайта ишлаш»нинг талабга ва ҳақиқатга мос назариясини яратишда кўрадилар. Демак, согнитион (когниция), яъни билиш фаолияти ахборот (маълумот)ни қабул қилиш, тақдим этиш ва яратиш ҳаракатларини қамраб олади. Бу турдаги ҳаракатлар ижроси лисоният заҳираларидан озуқа олади, бевосита ёки билвосита лисон билан алоқада бўлади. Инсоннинг билиш қобилияти унинг лисоний қобилияти билан ҳамоҳангдир. Воқеликни акс эттириш тўғридан-тўғри тилнинг вазифасига кирмайди, бу вазифани дастлабки ўринда тафаккур бажаради. Лекин тафаккурда юзага келган ментал тузилмалар тил тизимида ўз ифодасини топади. Сўз, худди бошқа тил бирликларидек, алоҳида бир предметни ёки воқеани атовчи оддий бир ёрлиқ бўлмасдан, балки воқеликни билиш воситасидир. Лисоний бирликлар воситасида ахборот йигилади, сақланади ва авлоддан-авлодга ўтади. Бир сўз билан айтганда, тил бирликларининг когнитив жараён кечишидаги ўрни алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ментал тузилма – концептнинг лисоний белгига ўтиш жараёни қандай кечиши масаласи баҳсли мавзудир. Дастрлабки ўринда концептнинг лисоний моддийлашуви онг ва тил тизими ўртасидаги ҳамкорликнинг маҳсули эканлигини унутмаслик керак. Олдин айтилганидек, концепт шаклланишининг бошлангич нуқтаси воқелик бўлаги (предмет) ҳақидаги тасаввур – образнинг юзага келишидир. Бу образ оддий схема ёки шакл бўлиб қолмасдан, балки мазмунли ҳодисадир. Бошқача айтганда, субъект образнинг оддий шаклини кўрмайди ёки унинг мазмунини идрок қилмайди, у мазмунли образни идрок этади. Худди шу мазмунли образ лисоний белгига айланади ва бу белги маъносининг ўзагини ташкил қиласди. Лекин воқелик – онг – лисоний белги ўртасидаги бундай узвийликни оддий такрорлаш кўринишида талқин этмаслик керак. Чунки онг воқеликни лисоний белги воситасида оддийгина акс эттирмайди, балки субъект учун муҳим бўлган белги-хусусиятларни ажратади ҳамда улар асосида идрок этилаётган объект (предмет, ҳодиса) нинг намунавий моделини яратади. Онгнинг бу турдаги аналитик – таҳлилий фаолияти амалга ошишида лисоний белгиларнинг роли алоҳида эътиборга лойиқ. XVIII асрда яшаб ижод этган машхур фаранг мантиқшуноси Этьен Бано де Кондильяк (1715 - 1780) бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Бирор бир белгининг ёрдамисиз биз ўйимизни маълум қисмларга ажратолмас эдик ва шу йўсинда фикр юритиш воқеликнинг бўлакларини алоҳида кўриш (идрок этиш – Ш.С.) имконини беришини англай олмас эдик» Юқорида қайд этилганидек, моддий олам ўзлаштирилишининг илк босқичида инсон онгидаги дастлаб алоҳида олинган предметнинг образи, рамзи ҳосил бўлади, кейинги босқичда ушбу предметни инсон моддий фаолияти доирасида уни қўллаш билан боғлиқ ҳаракатлар схемаси юзага келади. Инсон

фаолияти натижасида идрок этилаётган предмет ҳақидаги тушунчалар, тасаввурлар доираси ҳам кенгайиб боради ҳамда ушбу предметни бошқа предметлар билан қиёслаш, улар ўртасидаги алоқаларни аниклаш эҳтиёжи туғилади. Бу хилдаги тизимий боғлиқликларни аниклаш асосида юзага келадиган янада умумлашган образлар, ҳаракат дастурлари лисоний хотира шаклланиши учун муҳимдир. Чунки хотира тартибли, тизимли тафаккур қурилмасидир, шу сабабли концептуал идрок ҳам тизимли равишда кечиб, унинг натижасида пайдо бўладиган умумлашган ва маълум даражада мавхумлашган лисоний ҳаракат дастурлари ҳам тизимлашган бўлади. Шу

сабабли лисоний хотира нафақат тил бирликлари ва категориялари ҳақидаги ахборотни сақловчи психик тузилма, балки нутқий фаолият учун зарур бўлган ушбу турдаги ахборотни тезда топиш, қўллаш имконини яратувчи манба ҳамдир. Лисоний хотира негизини «ички лексикон» яъни хотирадаги луғат захираси ташкил этади. Борлиқни биз ўз қизиқишимиз, эҳтиёжимиз доирасида қабул қиласиз. Севишган оламга эҳтиросли кўзлар билан боқса, оч қолган одам егулик излайди, унинг учун нон, гўшт, узум муқобил, чунки уларнинг барчаси очликни қондира олади. Архитектор ва дин ҳомийси учун меъморий ёдкорликлар бир хил мазмунни касб этмайди. Архитектор, масалан, Шердор ва Бибихоним ёдгорлик биноларини қурилиш услуги, нақшлари, сақланиши ва қайта тикланиши жиҳатидан баҳоласа, дин ҳомийси уларнинг ибодат ёки таълим маскани бўлишига эътибор қаратади. Натижада,

«инсоннинг идрок фаолияти жараёнида (унинг қизиқиши ва эҳтиёжига нисбатан) предмет ва ҳодисаларнинг идрокий т(ушунчавий ) умумлаштирилиши юзага келади» ҳамда «овқат», «дараҳт», «дарё», «бино», «мадраса» каби тушунчалар ҳосил бўлади. Воқеликни қисмларга ажратиш ва умумлаштириб идрок этиш фақатгина инсонга ато қилинган қобилиятдир. Оллоҳ бандасига бу қобилиятни тухфа қилмагандан, одамзот ахборотлар баҳрида чўкиб кетган бўлар эди. Фақатгина кўрсатилган когнитив қобилиятгина учраётган янги объектлар, ҳодисаларни олдинги тажрибага таянган ҳолда қабул қилиш имконини беради. Чўпон учун сурувдаги ҳар бир қўй ҳиссий жиҳатдан ҳар хил бўлиши мумкин, лекин у уларни гуруҳларга

ажратиш ҳамда «қўчқор», «совлик», «панжи», «чори» сифатида таснифлаш имконига эга. Айнан умумлаштириш қобилияти ва ҳаракати ахборотни ихчамлаштириш, иккинчи даражали маълумот берувчи белги, хусусиятларни инкор этиш ҳамда концепт структурасини шакллантириш учун муҳим

томонларни танлаш имконини яратади.

**Сценарий** бирор бир типик ҳодисага хос ўзаро боғлиқ фактларнинг уларнинг узвийлигини акс эттирувчи намунавий шакл мисолида ёритилишидир. Ушбу намунавий структура маълум воқелик бўлагига оид ҳаракатлар, ҳолатлар узвий муносабатларидан иборат (масалан, ресторонда тушлик, дарс жараёни, институтга қабул, музей зиёрати ва хоказо). Ҳар ҳолда

намунавий когнитив структураларнинг барчаси, катта ёки кичиклигидан қатъий назар, хотирада жамланган ахборотни мақсадли намоён қилиш вазифасини ўтайдилар. Улар тизимида билиш ҳаракатларининг кетма-кетлиги, ахборотнинг тизими хусусиятлари ўз аксини топади.

**Скрипт** (инглизча скрипт сўзининг туб маъноси «қўлёзма, ёзув») намунавий концептуал тузилмаларнинг бир тури сифатида қаралиб, у инсон тафаккурида акс этаётган борлиқдаги воқеаларнинг меъёрий кетма-кетлиги намунасидир.

Скрипт таркибий тузилиши жиҳатидан сценарийга жуда хам яқин туради, ҳатто айрим ҳолларда уни тўлигича такрорлайди. Скрипт таркибиға кирувчи воқеаларнинг сабаб-оқибат муносабатлари асосида, тизими боғланиши, кетма-кетлиги хамда ушбу воқеаларнинг стереотип такрорланувчанлик хусусияти унинг асосий тавсифий белгиси сифатида қаралади. Психологлар скрипт тушунчасини «хотира атамалари» қаторига киритадилар, бу ҳолда ушбу тушунча узоқ муддатли хотирада сақланаётган билим ҳамда олдиндан жамланган билим ёрдамида бирор ҳодисани тушуниш, англашни таъминловчи билиш қуролини англатади. Скрипторнинг катта қисми болалик давриданоқ, яъни ҳаёт жараёнода, ўзгалар ҳатти- ҳаракати, воқеликни кузатиш натижасида туғиладиган тажриба ва кечинмалар заминида шаклланади. Инсоннинг билим даражаси қанчалик юқори бўлса, у шунчалик тез ва аниқ, алоҳида ҳаракат ва таассуротларни маълум ментал

тузилмалар, шарт-шароитлар билан боғлай олади.

## **ФРЕЙМ**

Ушбу тушунчалар ўзаро муносабатда, зеро, улардан бири амалга ошиши учун иккинчиси шаклланган бўлиши керак. Дарҳақиқат, билимни жамлаш ва сақлаш учун ўзлаштирилган билим когнитив қолипга биноан ихчамлаштирилиши зарур. Когнитив қолиплар (концепт, образ) бўйича билимни ихчамлаштириш учун шу концептуал тизим бирликлари (фрейм, скрипт, сценарий, гештальт кабилар) тусини олмоғи даркор. Инсоннинг ҳар қандай ахборотни эгаллаши бевосита унинг хотирасида сақланаётган олдинги тажрибаси ва билими доираси миқёсида амалга ошади. Ҳар бир инсон хотирасида маълум миқдордаги билимлар структураси захираси сақланади ва айнан шу захира ахборотни қабул қилиб идрок этиш воситаси ролини ўтайди. Бошқача айтганда, ҳар бир шахс онгидга «фреймлар тўри тўплами» мавжудким, ушбу тўплам билим ва идрок фаолиятини маълум кўринишдаги «андоза»лар асосида амалга ошишини таъминлади. Марвин

Минский фреймни «андозали воқелик ҳолатини акс эттирувчи ахборот структураси» деб таърифлайди (Минский 1975: 212; Минский 1979). «Фрейм» тушунчасини тилшуносликка биринчилардан бўлиб Ч.Филмор тадбик этди. Тилшунос Ч.Филмор талқинида «фрейм» тушунчаси анча тор маъно касб этади. Унинг талқинича, фрейм тажрибани андозага солувчи когнитив тузилма бўлиб, ушбу тузилма лисоний бирликлар воситасида шаклланади ҳамда концептнинг негизини ташкил қиласи. Чарльз Филмор

фрейм тушунчасини изоҳлаш учун келтирган айрим мисолларга мурожаат қиласиз. Бинобарин, «соммерсиал эвент» (савдо воқеаси) деб ном олган фреймни олайлик. Ушбу фреймда акс этадиган воқеа инглизча буй «харид қилмоқ» фрейми қўлланиши билан тасвирланади. Дастреб «А» шахснинг пули бор, бошқа бир шахс «В» да сотиладиган мол (товар) бор. Нарх келишилгандан сўнг «А» пулни «В» га тўлайди ва керакли молни сотиб олади. Воқеанинг якунида «А» харид қилинган товарнинг эгасига айланади. «В» эса – пулнинг эгаси. Айрим йўл-йўлакай учрайдиган ҳолатларни четлаб айтиш мумкинки, БУЙ «харид қилмоқ» категорияси камида яна тўрт категория билан боғланади. Булар БУЙЕР «харидор», СЕЛЛЕР «сотувчи», ГООДС «товар, мол» ва МОНЕЙ «пул». Айнан шу категориялар боғликлigi БУЙ «харид қилмоқ» фреймини ташкил этади. Тилшунослар томонидан «фрейм» тушунчасининг кенг маънода талқин қилинишида икки йўналиш пайдо бўлаётгани сезилмоқда. Булардан биринчисида тадқиқотчилар, ҳануз гап тузилиши доирасидан чиқиб кетишмаса-да, фрейм фақатгина мажбурий компонентлардан иборат бўлмасдан, унинг таркибига ихтиёрий, иккинчи даражали бўлаклар ҳам киритилишини таклиф қилишмоқда. Иккинчи йўналиш вакиллари, фреймнинг кечеётган воқеа-ходиса акси эканлигини унутмасдан, фрейм – биргалиқда ҳаракатга тушадиган ва бир-бирини «қўзғатадиган» мантиқий идрок элементларининг ўзаро муносабати асосида юзага келадиган тузилма эканлигини эътироф этишади. Натижада, фрейм кўп қисмли ва кўп табақали воқеа – тузилма (евент фраме) кўринишини олади.

**ГЕШТАЛЬТ** «гешталт» олмонча гесталт о(браз , структура, яхлит шакл) сўзидан олингандигини эътиборга олсан, ушбу тушунча руҳий тузилмалар, образларнинг ўзига хос яхлитликни таъминловчи белги ва хусусиятларининг умумлашмасини англатади. Гешталт назариясининг асосчиларидан бири Макс Верхаймер (1880 -1943) ушбу муаммони қуидагича баён қилган эди: «... мавжуд боғликлар асосида юзага келадиган яхлитлик (умумийлик) аввал алоҳида бўлаклар кўринишидаги элементларнинг кейинги жамланишидан иборат бўлмасдан, балки ушбу яхлитликнинг ички структурав(ий ) қонуниятлари билан белгиланади» (Верхаймер 1987: 6). Демак, воқеликни идрок этиш ва руҳан ҳис этиш яхлитликни «қўриш»дан бошланади. Бизнингча, билиш жараёнида яхлит ва унинг бўлаклари ўртасидаги жонли алоқани эътироф этиш гешталт назарияси тамойиллари ва таҳдил услубларини инкор қилмайди. Гешталтпсихология ҳам яхлитликнинг бўлакларни идрок этищдаги таъсир ролини алоҳида таъкидлайди ҳамда бўлакларнинг яхлитлик таркибида бириктирувчи факторларни топиш вазифасини қўяди.

Худди шу нарсани борлиқни идрок этишнинг «гешталт қонуниятлари» ёки «гешталт тамойиллари»да қўриш мумкин. Бу тамойилларининг айримларини эслатмоқчимиз:

- «яқинлик тамойили» - бир-бирига яқин жойлашган элементлар ўзаро боғлиқ ҳолда идрок этилади;

- «ўхашлик тамойили»: бир-бирига монанд элементлар ягона бир бўлак ёки қисм сифатида идрок қилинади;
- «ёпиқлик тамойили»: идрок ҳаракати берк (тугалланган) шаклга йўналтирилади;
- «давомийлик тамойили» (принципе оғ сонтинуатион): алоҳида элементлар ўртасидаги узилиш кам бўлса, улар яхлитлик сифатида идрок этиладилар.

Воқеликлардаги объектларни яхлитлиқда холистик идрок этилиши худди шу тамойилларга асосланган. Масалан, турли кўринишдаги уй бинолари суратини солиштиrsак, уларнинг барчасида умумий элементлар бор (дераза, эшик, девор, том ва ҳоказо). Биз бу суратларни биринчи кўрганимизда биноларни алоҳида қисмларга ажратмаймиз, аксинча, фақатгина бино сифатида кўрамиз. Бунда яхлитлик идроки, гешталтъ тамойиллари амал қиласи: Бинонинг барча қисмлари бир-бирига яқин, боғлиқ («яқинлик тамойили»); бинонинг эшиклари бир хил («ўхашлик тамойили»); бинонинг барча элементлари бир-бируни давом эттиради, ўзаро алоқада («давомийлик тамойили»). Гешталтъ тушунчасини тилшуносликда биринчилардан бўлиб тадбиқ этган Ж.Лакофф (1981: 360) ҳам уни лисоний, мантиқий, перцептуал (идрокий) ва бошқа турдаги жараёниларни акс эттирувчи структура сифатида таърифловчилар тарафдори. Ҳақиқатдан ҳам гешталтъ табиатан бир пайтнинг ўзида икки томонга, яъни тафаккур ва лисонга, интилевчи мантиқий структурадир. Бу структура яхлит тузилма сифатида матнни мазмуний қисмларга бўлиш ҳамда ушбу мазмун доирасида матн ва қисмларни кенгайтириш имконини беради.

Гешталтънинг когнитив тилшуносликдаги аҳамияти, айниқса, матн тузилишини ўрганишда муҳимдир. Шундай қилиб, фрейм, сценарий, скрипт, гешталтъ, прототип, пропозиция каби тушунчалар когнитологияда инсоннинг ташқи оламни идрок этиш амалиёти ва тажрибасини акс эттирувчи билим – тузилмаларни англатадилар. Бу намунавий тузилмалар, биринчидан, ташқи олам объектлари ҳақидаги билимни категориялаштириш учун хизмат қилишса, иккинчидан, ушбу билимни лисоний воқелантириш жараёнида «таянч нуқта» вазифасини ўтайдилар. Юқорида санаб ўтилган тузилмалар воситасида инсоннинг ижтимоий ва шахсий тажрибаси тартибга солинади ҳамда улар ёрдамида инсон воқелик ҳодисаларининг қандай таркиб топиши ва қай йўсинда фаолият кўрсатишини англаши мумкин. Ушбу ёндашувлар воқелик ва лисоннинг инсон онгида категориялашувини когнитив қолиллар ва ментал майдон назариялари доирасида ёритишга қаратилган. Когнитив фаолият бевосита лисоний мулоқот жараёни билан боғлиқ, зеро, бу жараёнда иштирокчилар ўзаро ахборот алмашадилар ва ўз билимини бойитиши имконига эга бўладилар.

### **Лисоний - когнитив фаолиятнинг миллий-маданий хусусиятлари**

«Барча халқлар ягона воқеликни турлича тасаввур ва тасвир қилишади». Г.Д.Гачевнинг бундан қарийб ўттиз йил олдин айтган бу фикри

тилшунослар ва бошқа фан соҳалари вакиллари учун янгилик эмас эди. Ўз пайтида И.Кант ҳеч қандай тажриба ўтказмасдан туриб ҳам (фактлар тўплаш шарт эмас) онг категорияларини ажратиш мумкинлиги ҳақида гапирган эди. Шундан буён файласуфлар, психологлар, этнографлар, когнитологлар (А.Я.Гуревич, Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, А.Р.Лурия, В.Ф.Петренко ва бошқалар) борлиқни идрок этиш турли билим структуралари орқали бажарилиши ва ушбу структураларда олдинги тажрибада тўпланган билим - ахборот тартиблашган, умумлашган ҳолда акс топишини қайд этиб келишмоқда. Маданият шаклланишида инсонлар ўртасидаги мулоқотдан ташқари, воқеликдаги обьектлар билан бўлган мулоқотнинг роли ҳам мухимдир. Маълумки, инсон ва воқелик муносабатида лисон ўзига хос боғловчи, воситачилик ролини ўйнайди. Лисон ўзида воқеликни акс эттиради, маданият эса ушбу воқеликнинг ажралмас қисмидир. Воқеликнинг ўзини ҳам миллий деб аташ мумкин ва бу миллийлик лисонда дунёни ўзига хос «қўриш», уни идрок этиш натижасида ўз аксини топади. Дарҳақиқат, ҳар бир шахснинг лисоний қобилияти ва мулоқот малакаси маълум маданият худудида, маданий мухитда шакл топади ва фаоллашади. Шундай экан, инсоннинг тафаккур ва лисоний фаолияти жараёнида юзага келадиган бирликларнинг структуравий ва мазмуний сатҳларида маданий элементларнинг акс топиши табиийdir. В.Хумбольдт турли миллат ва маданият вакилларининг воқелик ҳақида тасаввuri мос келмаслигини исботламоқчи бўлади. «Турли тиллар – ягона бир предметни турлича номланишидан кўра, ушбу предметни турлича кўриш, идрок этишdir» Когнитив стереотиплар, моделлар (фрейм, скрипт,

сценарий, гешталт ва ҳоказо) инсон тарбия топган маданий мухит билан боғлиқ, зеро, когнитив бирликлар маданиятда мавжуд бўлган воқелик идроки асосида шаклланади. Масалан, ўзбеклардаги от ўйини «кўпкари» Farb мамлакатлари халқлари учун ёт тушунча (худди «крикет» ўйини ўзбеклар учун нотаниш бўлганидек). Когнитив моделларнинг этномаданий хусусиятлари ҳақида гапираётиб, маданий моделларнинг вақт давомида ўзгариб туриши, бир маданиятдан иккинчисига кўчиши, ўзгача мазмун олиши мумкинлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Бир пайлар ўзбек маданияти учун маълум бўлган «томда ётмоқ» (ухламоқ) тушунчasi ҳозирги ёшлар учун

нотаниш бўлиб қолди ва архаик концептга айланди. Аммо маданиятда мавжуд бўлган когнитив бирликларнинг баъзилари лисоний воқеланиш жараёнидан четда қолиши, яъни лисоний ном (шакл) олмасдан қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Масалан, ёлғон сўзловчи шахс ўзбек тилида «ёлғончи», рус тилида «лгун», инглиз тилида «Лиар» номларини олади, аммо тўғри сўзловчи шахс фақатгина ўзбек тилида луғавий номга эга (ростгўй, тўғрисўз) бошқа қиёсланаётган тилларда эса ушбу концептни ифодаловчи алоҳида сўз йўқ. Лекин бундай «камчилик» русий ва инглиззабонлар онгидা ушбу концепт мавжуд эмаслигидан дарак бермайди, улар ёлғон сўзловчилар билан бир қаторда тўғрисўз ҳам борлигини биладилар ҳамда ушбу

концептуал тушунчани лозим бўлганда бошқа тил сатҳлари бирликлари воситасида (жумла, гап, матн) ифодалай оладилар.

### **Лисоний ҳодисаларнинг когнитив таҳлили**

Когнитив тилшуносликнинг асосий мақсади ҳам тил тизимининг билиш жараёнидаги иштироки ва улушкини аниқлашдир. Тил бирликларининг эгалланаётган билимнинг лисоний воқеланишдаги иштироки ҳамда лисоний фаолиятнинг ахборотни шакллантириш ва «қайта ишлаш»даги ролини аниқлаш когнитив таҳлилнинг кўринишларидан биридир. Воқеликнинг когнитив ва лисоний идроки жараёнида грамматик тизим бирликларининг ўрни алоҳида. Мавҳумлаштириш-умумлаштириш хусусиятига эга бўлган грамматик бирликлар фикрни шакллантириш ва уни ахборот ташувчи ҳолатига келтирилган нутқий тузилма сифатида адресатга етказишнинг муҳим воситасидир. Аммо бу бирликларнинг мазмун доирасини шакллантирувчи омиллар ҳамда ушбу мазмуннинг референт, яъни ифодаланаётган воқеликка муносабати масаласи анчагина мунозаралидир.

Одатда, тил бирлиги маъноси лисоний белги, когнитив тузилма ва референт ўртасидаги уч тарафлама муносабат узвийлигига таҳлил қилинади. Барчамизга «Тилшуносликка кириш» курсидан маълум бўлган Огден-Ричардс учбурчагини эслайлик: **белги референт тушунча**. Шаклнинг юқори қисмига жойлашган лисоний белги референт (воқелик) билан когнитив жараён маҳсали тушунча ёки концепт орқали боғланади. Буюк олмон мутафаккири Иоҳанн Гетфрид Гердер (1744- 1803) эътирофича, «лисон бизнинг онгимиз муҳриди, унинг шарофати билан онг воқеланди (воқеий сиймо олади) ва авлоддан-авлодга ўтади». Онг ва лисоннинг ҳамоҳанглиги ҳақиқатдир, уларни бир-биридан ажратиб тадқиқ қилиш инсофдан эмас ва бундай тадқиқот ҳеч қандай фалсафий-методологик асосга ҳам, қийматга ҳам эга бўлмайди.

### **Назорат саволлари**

1. Тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг юзага келиши ва шаклланиши.
2. Ўзбек тилида матнни когнитив-семантик тадқиқ этиш муаммолари
3. Ўзбек тилида концептнинг матн орқали ифодаланиши.
4. Антропоцентрик парадигма доирасида шаклланган тилшунослик йўналишлари.
5. Лисоний когнитив фаолиятнинг миллий-маданий хусусиятлари.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. – М.: Наследие, 1992.
2. Гумбольдт В.фон. Язык и философия культуры. – М., 1985.

3. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально – культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф.дисс.канд.филол.наук. – Ташкент, 2010.
4. Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб ... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. - № 5.
5. Нурмонов А. Оврупода умумий ва қиёсий тилшуносликнинг майдонга келиши // Нурмонов А. Танланган асарлар. 2-жилд. –Тошкент: Академнашр, 2012.
6. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально – культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 2010.
7. Худайберганова Д. Матнинг антропоцентрик тадқиқи. Монография. – Тошкент.: Фан, 2013.
8. Кенжаева С.Е. Ўзбек антропонимларининг семантик ва социолингвистик тадқиқи. ном...дисс. автореферати.-Тошкент , 2011.

### **З -мавзу. Ўзбек тилини прагматик йўналишда ўрганиш. нутқнинг коммуникатив-прагматик хусусиятлари**

**Режа:**

1. Нутқий акт билан контекст ўртасидаги ўзаро муносабат прагматиканинг асосий ўрганиш объекти
2. Тагмањно, пресуппозиция ва прагматика
3. Фонопрагматика. Лексопрагматика. Морфопрагматика.

Синтактик прагматика.

**Таянч тушунчалар:** нутқий акт, тагмањно, пресуппозиция ва прагматика, фонопрагматика, лексопрагматика, морфопрагматика, синтактик прагматика.

#### **Лингвистик прагматиканинг умумий масалалари**

Коммуникация жараёнининг кенгайиши муносабати билан уни тадқиқ этиш жараёни ҳам мураккаблаша борди. Бошқа предметларда бўлгани каби тилшуносликда ҳам янги тармоқ, янги тадқиқот объекти юзага кела бошлади. Олимлар жаҳон тилшунослигига кишилар ўртасидаги алоқа-аралашув жараёнини лингвистик хусусиятлар асосида икки гурухга ажратиб ўрганишни тавсия этадилар.

1. Товуш тили - эшитиш асосидаги мазмун ва шакл.
2. Имо-ишора - кўриш воситаси билан амалга ошириладиган тил.

Англаш тушунчаси билан боғлиқ ҳолда «хис қилт-ш» йўналиши ҳам лингвистика кўринишларидап бири ҳисобланади. «Форобий нарсанинг объективлигини, унинг мавжудлиги бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир этишини эътироф этади. Биз факат ўзимизни қуршаб турган оламдаги нарсаларни сезги аъзоларимиз орқали билиб оламиз. Ушлаш, қўл тегизиш йўли билан олинган билимга қувваи ломиса, кўриш орқали олинган билимга эса қувваи нигоҳий атамаларини қўллайди. Шу билан биргаликда эшитиш сезгиси орқали, нутқ воситасида ҳам билимга эга бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Бундай билим қувваи нотиқа саналади<sup>1</sup>.

Маълумки, алоқа-аралашув жараёни билиш, англаш, ифодалаш, сезиш, уқиши билан узвий алоқадор ифода формаларининг турли-туманлиги билан ажralиб туради. Ифода формаларининг қўллана бошланишининг ўзидаёқ

муносабат тушунчаси намоён бўла бошлайди. Шунинг учун ҳам буларга ҳос семантик, синтактик ва айниқса, прагматик хусусиятларни маълум лингвистик мезонлар воситасида ажратиш бугунги тилшуносликнинг асосий масалалариданdir.

Алоқа-аралашув жараёнига ҳос мана шу уч ифода турининг нейтрал ва аффектив хусусиятлари лингвистик прагматиканинг тадқиқий чегараси сифатида ажратилади.

Машхур тилшунос олим Т.В.Колшанскийнинг таъкидлашича, сўзловчи субъект ҳис-туйгуларига ҳос хусусият- белгилардан ажралган маълум бир ахборотни ифода этиш мумкин эмас. Нутқ мазмунига ҳамоҳанг ҳис-туйғу ва барча баҳолар конкрет тингловчига қаратилган бўлади. Ана шу тингловчи учун қаратилган субъект нутқига ҳос муносабат белгилари - нутқдаги барча бўёқлар яхлит тарзда прагматика деб номланади. Бу уларнинг прагматик тайинланиши деб қарадади.<sup>1</sup>

Прагматик ҳодисалар моҳиятини ўрганиш тилшуносдан мантиқий ва фалсафий мушоҳадаларни ҳам талаб қиласди. Шунинг учун ҳам лингвистик прагматика масалалари ҳодисани фақат лисоний таҳлил этибгина қолмасдан, балки унинг мантиқий, фалсафий ва социал хусусиятларини ҳам ўрганади.

Шу маънода Л.А.Киселеванинг прагмалингвистиканинг долзарб масалалари хусусидаги қарашлари диққатга сазовордир. Жумладан, прагмалингвистика а) нутқнинг юзага келиши билан боғлиқ сўз ва курилмаларнинг қўлланишига оид прагматик хусусиятларнигина эмас, балки турли сатҳдаги срдамчи сўз ва морфемалар, сўз бирикмаси, гапларга ҳос прагматик хусусиятлар; б) тил ва нутқнинг прагматик функционал қоиуниятлари; в) нолингвистик вазиятнинг типик шакллари; г) социал мақсад\*, вазифалар; д) нутқ субъекти, адресати, социал ва руҳий тип сифатида ва фақат мана шуларга асосланган ҳолда аниқ нолингвистик вазиятга мувофиқ равишда ис} одада шахснинг сухбатдошларга қаратган мақсад, вазифаларини ўрганади'. Бу ишда олим «речевого воздействия» атамаси - «таъсир этиш» тушунчаси остида лингвистик прагматикани назарда тутади. Умуман, сўзловчи ва тингловчи орасидаги вербал ифодада маълум

мақсад ҳамда вазифаларга асосланган ҳис-туйғуга таъсир этувчи (перлокутив) хусусий муносабат баёни бу ишнинг асосий мазмунини ташкил этади.

«Семантиканинг текшириш қўлами ғоят кенгайиб кетганлиги туфайли уни бир оз енгиллатишга, маънонинг контекст билан боғлиқ қисмидан халос қилишга тўғри келди<sup>1</sup>». Кейинги пайтларда амалга оширилган тадқиқотлар давомида шу нарса маълум бўлдики, баён қилинган ҳар бир ифода таркибидаги пропозицияда сўзловчи шахси билан узвий алоқадор мазманий структуралар ҳам акс этаётганлиги, буларнинг асосий белги ва хусусиятлари, моҳиятига оид тафсилотлар фанда ҳамон очик қолаётганлиги лингвистик прагматикага бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Прагматиканинг тадқиқот обьекти мураккаб бўлиб, бу соҳа ўрганадиган муаммоларни умумлаштирилган ҳолда тасниф этиш ва ўрганиш тилшунослик фанининг бош масаласидир.

Лингвистик прагматиканинг умумназарий масалалари қўйидагилардан иборат:

1. Жумланинг контекст билан алоқадор аспекти. Бунда жумла ичида дескриптив бўлмаган сўзлар иштирок этади. Бундай сўзларни тўғри кўллашда контекстуал вазият мухим саналади. Жумла орқали ифодаланган пропозициянинг тўғри апглапиши учун нутқ иштирокчиларининг барчаси контекстуал вазиятдан хабардор бўлишлари зарур. Шундагина нутқ субъекти томонидан баён қилинган жумла таркибидаги дескриптив бўлмаган сўзларнинг қандай нутқий актни юзага чиқариш учун хизмат қилаётганлиги

маълум бўлади. Дейктик элементларни тасниф қилишда уларни бошқа тўлиқ маъно ифода этувчи сўзларга қиёе қилинади, сўнгра уларнинг контекстдаги бажараётган вазифаси таҳлил қилинади. Тўлиқ маъно ифода этувчи сўзлар жумладаги прэпозициянинг асосини ташкил қиласа, унда иштирок этган дейктик элементлар эса жумла пропозицияси ичида ҳаракат қилиб, нутқ субъектининг яширин мақсадлари ҳакида хабар бериш функциясини бажаради. «Дейктик ифодаларнинг характерли жиҳати шундаки, бу элементлар контекст таркибида аралаш кўрсатиш функциясини ҳам

бажаради: Хонадон мезбони сўради: У киши қани? Бу жумла билан мезбонни эмас, балки у ўтирган жой ва дастурхондаги нарсаларни қўрсатди. Дейктик ифодадаги референт билан қўрсатилувчи обьект ўзаро мос келмайди. Буни аралаш қўрсатиш деб юритилади».<sup>1</sup> Дейктик элементларнинг нутқдаги қўлланиши пропозиция таркибини кучайтириш, муаллифнинг ички мақсади билан боғлиқ бирор ахборотга ишора қилиш функциясини бажаришдан иборатdir. Дескриптив бўлмаган элементларнинг асосий хусусияти улар ифода этаётган ахборот асосий пропозициядан ташқари қўшимча ахборот кўринишининг мавжудлигига ишора қилишdir. *Сен, мен, ҳатто, фақат, сингари* каби сўзлар дейктик дескриптив бўлмаган сўзлар саналади. Мана шундай сўзлар иштирок этган контекстлар таҳлили билан лингвистик прагматика шуғулланади.

2. Кишилар ўртасидаги муносабатни ифода этувчи нутқий этикет кўринишлари, нутқнинг социал хосланиши лингвистик прагматиканинг ўрганиш соҳаси саналади. Нутқий аралашув жараёнидаги сухбатнинг мақсад ва йўналишига кўра П.Грайс

куйидаги тўрт принципни кўрсатиб ўтади: а) ахборотнинг тўлиқлиги; б) ахборотнинг сифати (тўғри сўзлаш); в) ахборот йўналишидан четга чиқмаслик; г) сўзлаш манераси (аниқ ва қисқа)<sup>1</sup>. Бу йўналишга хос ишлар ўзбек тилшунослигига ҳам амалга оширилган. Жумладан, Ҳ.Абдураҳмонов, Н.Махмудов<sup>2</sup>, Б.Ўринбоев, С.Мўминовларнинг нутқ маданияти ва коммуникатив х.улқ йўналишидаги ишлари, П.Грайс таъкидлаганидек, лингвистик прагматиканинг умуммасалаларидан ҳисобланади. Бундай тадқиқотларнинг юзага келиши лингвистик прагматика назариясининг тўлдирилишида муҳим ўрин тутади. Коммуникация жараёни учун ахборотнинг бундай белгиларининг бўлиши табиий, бироқ нутқий этикет кўринишларининг бундай ижтимоий ахлоқ меъёрлари лингвистик прагматиканинг назарий жиҳатларига алоқадор йўналишларни очиш учун хизмат қилмайди деган холосага келмаслик зарур. Прагматика назарияси нима учун шундай? каби саволларнинг асосланиши билан ўз моҳиятига эга бўлади. Жумладан, катталарнинг кичикларга муносабати миннатдорчилик туйғусини

«Баракалло» сўзи билан ифодалаши нутқий этикет кўринишларидан биридир, буни меъёрий ҳолат деб қаралади. Бироқ бунинг акси бўлган ҳолатларда лингвистик прагматика назариясиф эҳтиёжнинг туғилиши кучайди, чунки бундай ҳолларда «Нима учун шундай?» тарзидаги савол кўп ^илшуносларнинг диққатини жалб қиласи. Кичикларнинг катталарга миннатдорлик туйғуси ёшлар нутқи учун характерли бўлган ижтимоий-перформатив формулалар ёрдамида ўз ифодасини топмаса, бундай ифодалар лингвопрагматик изоҳга муҳтоҷ бўлади.

Маълумки, тил ва нутқ бирликларининг хар қандай кўриниши функционал қўлланишига кўра ўз ўрнига эга бўлади. Агар ана шу бирликлар, нутқ субъектининг ёшига кўра, қўлланиш ўрни ҳамда услубий четга чиқишига кўра ўзгарса, бу жараёнда, албатта, прагматик таҳлилга эҳтиёж ортади.

3. Ифоданинг субъектив модал аспектига алоқадор кириш, баҳо билдирувчи сўз ва воситаларни лингвистик прагматика ўрганади. Матнда кириш ва баҳо билдирувчи сўзларнинг қўлланиши муаллифнинг объектив оламга ва ўзи ифода этаётган ахборотга муносабатини белгилашда муҳим ўрин тутади.

4. Инсоннинг ички субъектив руҳиятини ифода этувчи дискурс назарияси ҳам прагматиканинг ўрганиш обьекти ҳисобланади.<sup>1</sup>

5. Лингвистик прагматиканинг асосий муаммоларидан яна бири пресуппозициядир. Пресуппозицияни гапнинг мазманий компоненти бўлган нутқий актлардан фарқлаш лозим. Масалан, «Эшикни ёп» жумласида «эшикнинг очиқлиги» ҳақидаги семантик мазмун пресуппозициядир. «Нутқий коммуникацияннинг тўғри ва реал амалга ошиши учун коммуникантлар нутқ моментига қадар муайян фактлар билан таниш бўлиши, умумий вазият билан боғлиқ муайян билим - хабардорликка эга бўлишлари лозим. Ана шу фактлар, билимлар тишлиносликда пресуппозиция номи билан умумлаштирилади»<sup>2</sup>. ■ Таъкидлаб ўтилган фактлар, билимлар тишлиносликда социал контекст тушунчасини англашиб, у ўз моҳияти билан нутқ вазиятини ифодалашига кўра лингвистик

прагматиканинг асосий масалалари доирасига киритилади. Умуман, пресуппозиция ҳодисаси прагматика муаммоси сифатида мантиқий-фалсафий категория тушунчаси билан узвий боғланади.

Ўзбек тилининг назарий грамматикасида ҳам лингвистик прагматиканинг умумназарий масалалари алоҳида қайд этилади.

### **Лингвистик прагматиканинг хусусий масалалари**

Лингвистик прагматиканинг хусусий масалалари айнан нутқ иштирокчилари ва нутқий вазият тушунчаси билан боғланади. Бизга маълумки сўзловчи ўз мақсадини ифода этиши учун оламда мавжуд бўлган нарса, предмет, ҳодисаларнинг номини билиши ҳамда маълум грамматик қонун-қоидалар билан таниш бўлишининг ўзи кифоя қилмайди. Сўзловчи булардан ташқари нутқий вазият тушунчаси моҳиятини ҳам билиши керакки, бу, албатта, сўзловчи баён қилмоқчи бўлган коммуникатив ниятни тўғри ифодаланишида муҳим амалий қиммат касб этади. Сўзловчи нутқига хос коммуникатив ниятни аниқ ва тўғри ифодаланиши учун яна миллий урф-одатлар билан боғлиқ ижтимоий қонун-қоидаларни билиш ҳам талаб қилинади. Шу жиҳатлар тўлиқ қамраб олингандагина нутқ иштирокчиларининг ўзаро муроқот жараёни тўғри амалга оширилади. Лингвистик прагматиканинг хусусий масалалари нутқ субъекти, нутқ обьекти, нутқ вазияти билан боғлиқ равишда юзага келади.

I. Лингвистик прагматика нутқ субъекти билан боғлиқ тарзда қуйидаги хусусий масалаларни ўрганади.

1. Нутқ субъекти коммуникатив ниятининг ифодаланиш даражасига кўра ифоданинг ошкора ва яширин шакллари. Сўзловчи нутқига хос ифоданинг ошкора ёки яширин шакллари ўз навбатида коммуникатив стратегия учун йўл очади.

2. Коммуникатив ниятни ифодалаш стратегияси лингвистик прагматиканинг бош масаласи ҳисобланади. Сўзловчи бунда ўз ички мақсадини тингловчига баён қилиш учун у ёки бу ифода усулини танлайди. Танлаш жараёни бевосита тилшуносликнинг стилистика йўналиши билан узвий боғланади. Лингвистик прагматика айнан мана шу нуқтада услубшунослик билан ҳамкорлик қиласи. Маълум ҳодисани турли жиҳатига кўра таҳлил

қилади. Йирик тилшунос олим F.Абдураҳмоновнинг услубшунослик хусусидаги қарашлари ҳам фикримизни тасдиқлайди. «Услуб - сўзловчининг ёзувчининг ифодаланаётган фикрга, хабарга, воқеа, ҳодисага, шахс ёки предметга шахсий ёки бошқа бир шахснинг муносабати, жумладан, ифодаланган қўшимча субъектив фикрдир. Шунинг учун ҳам услуб муаммолари ҳақида тил фанининг ҳамма соҳалари бўйича маълумот берилгандан кейин алоҳида фан сифатида ёки грамматиканинг бир бўлими сифатида фикр юритилади. Шунинг учун машҳур филолог олимлар таърифлаганидек, «Услуб - филология фанининг тожи, тилшунослик ва адабиётшунослик фанларининг юқори босқичи» (А.В.Степанов), «... ҳар бир тараққий этган фағнииг қалби» (Р.А.Будагов), «Услуб бу - талант» (В.Г.Белинский), «Агарда бирор нарсани аниқ ифодалай олмас эканмиз, бунда тилимиздан эмас, балки уқувсиз маҳоратимиздан гина ' қилишимиз. керак»<sup>1</sup>. Фикр ифодалашнинг бундай усул ва услуги сўзловчининг коммўникатив стратегиясини белгилайди. Факат семантик ва грамматик илмларни билиш билангина эмас, балки ҳаётий қонун-қоидаларни билиш ва унга амал қилиш натижасида коммуникатив стратегия маҳоратига эга бўлиш мумкин. Сўзловчи нутқига хос бир ифода актида турлича мазмундаги коммуникатив ниятнинг ифодаланиши коммуникатив тактика тушунчасини намоён этади. Коммуникатив тактика, коммуникатив стратегия тушунчалари моҳияти таъсирида лингвистик прагматиканинг хусусий муаммоларидан яна бири тагмањно юзага келади.

3. Тагмањно лингвистик прагматиканинг хусусий масалаларидан биридир. Тагмањно тушунчасининг юзага келиши унинг умумий ва хусусий кўринишлари ҳақида, унинг жаҳон тилшунослик тарихида ишланиш даражаси, шунингдек, тагмањононинг пресуппозициядан фарқланиш хусусиятларини лингвистик прагматиканинг долзарб муаммолари қаторига қўшади.

4. Сўзловчининг объектив олами ҳис қилиш даражаси ва ифода плани. Объектив оламдаги воқеа, ҳодиса ва предмет ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш ва уни қайта акс эттириш даражаси сўзловчининг олам ҳақидаги билимлари билан узвий боғланади. Сўзловчининг ўз фикрини аниқ, лўнда ва

тўғри ифодалashi учун унинг олам ҳақидаги билимлари мукаммал бўлиши лозим. Сўзловчининг нутқи унинг ўзлиги ҳақида тўлиқ маълумот берадгз;.. Лингвистик прагматика нутққа хос мана шу хусусиятларига кўра психолингвистика билан узвий боғланади. Шу нутқтаи назардан прагматик тўсиқ лингвистик прагматиканинг хусусий IV асалаларидан бири сифатида диссертациянинг тадқиқот обьекти бўлади.

II. Нутқ адресати билан боғлиқ равища лингвистик прагматика куйидаги масалаларни ўрганади.

1. Нутқ интерпретацияси. Бунга кўра контекст билан боғлиқ одисалар, прагматик вазият ва пресуппозиция, шунингдек, сўзловчининг онгли равища мулоқот қонун-қоидаларидан чекланиши каби масалаларни прагматика ўрганади. 2. Перлокутив акт тушунчаси тингловчининг ҳис-уйғуларига таъсир этувчи коммуникатив акт сифатида прагматика масалалари қаторига киритилади.

III. Коммуникация иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабат билан боғлиқ равища:

1.Нутқий аралашув шакллари (хабар мазмунидаги диалог, дўстона сухбат, мунозара ва бошқа мазмуний муносабатлар).

2. Нутқнинг ижтимоий-этикет шакллари (мурожаат шакллари, аралашув услуби).

3. Коммуникация иштирокчилари ўртасидаги муносабатни ифода этувчи нутқий акт кўринишлари (илтимос ёки буйруқнинг лингво-ижтимоий моҳияти).

IV. Аралашув вазияти билан боғлиқ равища дейктик белгилар интерпретацияси<sup>1</sup> ўрганилади.

Ўзбек тилшунослигига лингвистик прагматика йўналишини ўрганишга туртки бўлган қуйидаги ишларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Маълумки, 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида тилшунослик фанида матн лингвистикасига бағишлиланган қатор тадқиқотлар юзага келди. Улардан баъзиларигина<sup>2</sup> фақат лингвистик прагматиканинг марказий масалаларига оид бўлиб, булар прагматик пресуппозицияни ўрганиш учун имконият яратди.

Бошқа тадқиқотларда эса асосан «жумла», «матн», «нутқ» муаммолари билан боғлиқ ҳодисалар устида иш олиб борилди<sup>1</sup>. Контекст масалалари хусусидаги бундай тадқиқотларнинг юзага келиши лингвистик прагматикани ўрганишга йўл очди. Лингвистик прагматикага бўлган қизиқишнинг кучайиши, асосан, тилшуносликда мазмуний синтаксис муаммолари билан боғлиқ янги назарий адабиётларнинг нашр қилиниши натижасидир<sup>2</sup>. Бундай ишларнинг амалга оширилиши семантик синтаксис масалаларини янада мураккаблаштиради ва прагматик тадқиқотлар учун йўл очади.

Умуман олганда, лингвистик прагматика тилшунослик фанининг янги тармоғи сифатида психолингвистика, социолингвистика, матн тилшунослиги, коммуникатив лингвистика, стилистика каби йўналиш муаммоларини умумлаштирувчи белгиларга эга эканлиги билан характерланади. Семантика ҳамда синтактика масалаларининг ўзи хусусидагина эмас, балки буларга лингвистик прагматика муаммоларининг ҳам қўшиб талқин этиш соғ маънодаги лингвистик тадқиқотни юзага келтиради.

Рус тилшунослигига лингвистик прагматика йўналишига оид илк маълумотлар 80-йилларнинг бошларига тўғри келади. Бироқ бунга қадар А.С.Ахманова, И.М.Магидоваларнинг «прагмалингвистика» атамаси хусусидаги мулоҳазалари билан чегараланган мақоласи нашр қилинган эди.

Уларнинг таъкидлашича, прагмалингвистига атамаси ифодаланган тушунча моҳиятини ойдинлаштириш учун инглиз тили фонетикасини ўқитиши билан алоқадор методик усул - талаффузни лингафон аппарати орқали ўргатилиши эътиборга олиниши лозим. Лингафондан фойдаланиш жараёнида инглиз тили фонетик бирликларининг оптималь вариантдаги талаффуз шакллари эшиттирилади. Аслида инглиз тили нутқида бундай талаффуз вариант учрамайди. Талаффузнинг бундай оптималь вариант мутахассиснинг тил ўргатиш маҳорати билан боғлиқ ниятни юзага чиқариш учун қўлланган. Талаффузнинг бундай «прагматик» услуги маълум мақсадга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Бу асосий услуг хабар функциясини ҳам, таъсир этиш функциясини ҳам бажармайди. Бу услуг интеллектуал ахборот бериш учун ҳам, тингловчига экспрессив-эмоционал таъсир этиш учун ҳам қўлланмайди.

Унинг ягона мақсади инглиз тилини ўрганувчилар учун инглиз талаффуз намунасини бериш ҳамда уни максимал даражада «тушунтириш»га эришишдан иборатдир<sup>1</sup>.

Лингвопрагматика атамаси ифодалаган тушунча моҳиятининг тўғри англаниши учун баен қилинган нутқ субъективининг талаффуз меъёрлари хусусидаги концепция гўёки оддий талқиндек туюлади. Бироқ лингвистик прагматика масалалари билан шуғулланаётган, ҳар қандай тадқиқотчи О.С.Ахманова ва И.М.Магидовларнинг лингвистик прагматика хусусидаги қарашлари примитив белгилардан иборат эмаслигини дарҳол тушунади.

Лингвистик прагматиканинг юқоридаги талқинидан келиб чиқадиган бўлса, бу ўринда дастлаб талаффуз шаклларига хос прагматик ҳодисанинг икки кўринишини ажратиб олиш мумкин бўлади.

1. Маълум тилга хос талаффузнинг ягона ва тўғри шакли.
2. Маълум тилга хос талаффузнинг ноанъанавий нотўғри шакли.

Бунда талаффуз шаклининг аномал вариантининг юзага келиши нутқ субъективининг артикуляцион имкониятлари (дудук ёки баъзи товушларни талаффуз қила олмаслик жиҳатлари) таъсирида ёки нутқ субъективининг миллий тил талаффуз шаклларидан узокдалиги (миллати ўзбек бўлса-да, бошқа регионда истиқомат қилиши ва бошқа ижтимоий тил муҳитида тилининг шаклланганлиги) ёки бутунлай бошқа миллат бўла туриб, ўзбек тилига хос талаффуз шаклларини баён қилиши таъсирида унинг нутқида прагматик имкониятлари кўринади.

Сўзловчининг талаффуз имкониятлари билан алоқадор прагматик ҳодисанинг учинчи белгиси талаффуз шакчларида нутқ субъективининг ниятини у ёки бу кутб йўналишида ифодаланиши масаласидир. Нутқ субъективининг талаффуз имкониятлари таъсирида лингвистик прагматиканинг асосий бошланғич муаммолари юзага чиқади. Кўринадики, нутқ товушларига хос талаффузнинг анъанавий - тўғри, ноанъанавий (нотўғри) шаклларининг ўзи лингвистик прагматика учун дастлабки долзарб масала сифатида намоён бўлади. Демак, миллий ва диалектал талаффузнинг тўғри ва нотўғри шакллари лингвистик прагматика учун бошланғич масала деб қаралади.

Прагматиканинг бундан кейинги муаммоси эса нутқий вазият ва контекстуал мазмун талаблари натижасида тўғри ва нотўғри талаффуз шакллари ёнига нутқ субъекти томонидан бошқарилувчи оҳанг тушунчасининг келиб кўшилишидир. Нутқ субъекти назарда тутган ягона ниятнинг тўғри ва аниқ ифодаланиши учун меъёрий талаффуз шаклларига юқори ва қути оҳанг кўринишлари ҳам кўшилади. «Хар қандай синтактик қурилма гап бўлиши учун маълум пропозицияни ифодалашдан ташқари, коммуникатив мақсадни ҳам ифода этиши керак... Жумлани ташкил қилган синтактик элементлар маълум синтактик вазифани бажариш билан бирга, сўзловчининг коммуникатив ниятини ифодалаб коммуникатив вазифа бажариш учун ҳам хизмат қилади»<sup>1</sup>. Коммуникатив ниятни тўғри баёни оҳанг кўринишларини юзага чиқарувчи урғу турлари билан узвий боғлиқ бўлади. Буни эса албатта, актуал бўлиниш бошқаради. «Актуал бўлиниш фақат шу контекст учун ёки шу вазият учун хос бўлган бўлинишдир. Карим Москвага кетди жумласининг уч хил бўлиниши шуни қўрсатадики, алоқа-аралашувнинг конкрет вазиятига қараб сўзловчи ўз олдига тури хил коммуникатив вазифани қўяди»<sup>2</sup>. Олимларнинг тўғри таъкидлашича, актуаллашиш тушунчаси конкрет нутқий вазиятнинг талабига мослашиши ҳисобланади. Актуаллашиш жумлага вазият шарт-шароити талаби билан шу жумла орқали ифодаланадиган мазмуннинг коммуникатив ниятига мувофиқ келадиган шакл беради<sup>1</sup>. Нутқ вазияти билан боғлиқ равища сўзловчи коммуникатив нияти акс этган матн элементлари маҳсус оҳанг таъсирида актуаллашади. Матнда коммуникатив мақсаднинг ифодаланиш даражаси актуаллаштирувчи воситалар таъсири билан белгиланади. Айниқса, сўз тартиби, мантикий ва эмфатик эмоционал урғу каби актуаллаштирувчи воситалар сўзловчи коммуникатив ниятига хос прагматик босқичнинг намоён бўлишида муҳим ўрин тутади.

Алоҳида талаффуз акти (акцентирование) ходисасини И.И.Сушинский коммуникатив-прагматик категория сифатида таҳлил қилиб жуда тўғри йўл танлайди. Чунки «акцентирование» атамаси ифодалаган тушунчанинг ўзида сўзловчининг нутқий жараёндаги фаолияти ҳамда унинг ифода таркибидаги бирор элементнинг алоҳида оҳанг билан талаффуз қилиши қўшимча яширин

ахборотни ҳосил қиласи ва унга тингловчи диққатини жалб қилиш ҳолати сезилиб туради. Демак, сўзловчи нутқий фаолиятида матн элементларининг қайсиdir қисмини прагматик талаффузи бу ҳодисани ҳам бевосита лингвистик прагматикага тааллуқли эканлигини кўрсатади. «Ифода таркибидаги бирор элементнинг алоҳида ургу билан талаффуз қилиниши фақат сўз, сўз\_ биримаси учунгина эмас, балки гап, абзац, ҳатто яхлит матнлар учун ҳам хос»<sup>2</sup> деб таъкидланади. Нутқ субъектининг коммуникатив ниятига хос талаффуз акти бу маҳсус воситалар (фонетик, морфологик, синтактик, лексик ва график) ёрдамида ажратилувчи нутқнинг у ёки бу элементидир. Сўзловчининг нутқ элементини бундай ажратишдан мақсади унга тингловчи диққатини жалб қилиш асосида таъсир этишнинг маълум коммуникатив шаклини намоён этишдир. Ифода семантик тузилишида ахборот кўринишларидан бирини маълум мақсадга кўра кучайтирилган тарзда ёки алоҳида оҳанг воситасидаги талаффузи эмфатик усул деб номланади.

Лингвистик адабиётларда таъкидланишича, жумла таркибидаги бирор бўлакни мазмуний аҳамиятли бўлакка айлантириш учун мантиқий ва эмфатик урғудан фойдаланилади. Агар бирорта бўлак мазмуний жиҳатдан ажратиб кўрсатилмоқчи бўлса, сўзловчи уни мантиқий ургу билан ажратади. Бунда гап бўлакларининг тартиби ўзгартирилмай, улардан бири мазмуний аҳамиятли бўлакка айлантирилади. Мантиқий урғуни характерлайдиган биринчи омил -бу семантик ёки актуал омиллардир<sup>1</sup>. Мантиқий ургу одатдаги урғудан баланд ёки паст талаффузи билан фарқланади. Мантиқий ургу ҳам, эмфатик ургу ҳам сўзловчининг коммуникатив ниятини юзага чиқариш учун хизмат киласи.

Сушинский И.И. тўғри таъкидлаганидек, «Эмфатик усул гап урғусидан фақат акустик жиҳатдан эмас, балки функционал ва позицион муносабатига кўра ҳам фарқ қиласи»<sup>2</sup>. Талаффуз акти ҳодисасининг лингвистик прагматикага алоқадорлиги унда функционал ва позицион белгиларнинг мавжудлигидир. Булар сўзловчи ҳамда тингловчи ўртасидаги нутқий актларнинг

ифодаланиши ва англанишида муҳим ўрин тутади. Эмфатик урғу моҳияти сўзловчининг маълум нутқий вазиятдаги ўз тингловчиси диққатини маълум ифодага жалб қилиш ниятида ифода элементларидан бирини узоқ ва юқори тон билан талаффуз қилишдан иборат. Мантиқий урғу эса доимий тарзда синтактик бирликдаги янги ахборотни қамраб олиб, у доим рема ёки хабар фокусини ташкил этади. Эмфатик урғунинг мантиқий урғудан асосий фарқи ҳам ана шундадир. Агар синтактик бирлик таркибида мантиқий урғу ҳам эмфатик урғу ҳам мавжуд бўлса, мантиқий урғу доим ремани қамраб олиши билан характерланади. Эмфатик урғу унга нисбатан кучлироқ оҳанг асосида талаффуз қилиниши билан фарқланади. А.Нурмоновнинг таъкидлашича, мантиқий урғу жумланинг мазмуний томонига оид бўлса, эмфатик урғу ҳиссий томонига оид бўлади.<sup>1</sup> Мантиқий урғу жумла ёки матн таркибидаги қайсиdir бўлак ёки ахборот кўринишини мазмуний аҳамиятли ахборотга айлантиради ва нутқ субъектидининг коммуникатив мақсадини юзага чиқариш учун хизмат қиласди. Эмфатик урғуда эса талаффузнинг ҳиссий томонга оидлиги назарий адабиётларда таъкидланганидек, фақат унли ёки ундош товушларни чўзиш орқалигина амалга оширилмайди. Эмфатик урғу ёрдамида сўзловчи унли ва ундошни чўзиб талаффуз қилишдан ташқари талаффуз актининг ўзида самимилик ёки носамийлик ҳисларини ҳам ифода этади. Талаффуз оҳангига сўзловчининг мақсади ҳам қўшилади. Талаффуз актига сўзловчининг самимиий ният асосидаги оҳангнинг қўшилиши ахборотнинг ички тузилишини кенгайтиради ҳамда бу ахборотдаги тасдиқ актига тингловчи тасаввурнида ҳосил бўлган семантик билимлар асосидаги ишонч даражасининг қўшилиши фикр таъсиранлигини кучайтириш учун хизмат қиласди. Масалан:

*Марзилонга шом вақтида кирган эдим, қўзлаган жойимни тополмай адаилдим...*

- Қани бўлмаса, журинг бизникига меҳмон, - айткучининг сўз оҳангидан ўртоқлик бўйи келиб Отабекнинг димозига урилди... (А.Қодирий). Бу матнда нутқ субъектига хос самимий ҳис эмфатик урғу сифатида коммуникатив ниятни юзага чиқариш учун хизмат қиласди. Юқоридагилардан кўринадики, талаффуз акти жараёнида мантиқий урғу мазмуний ва эмфатик

урғу ҳиссий томонга оид бўлса-да, бироқ бу ■ икки урғу вазифаси нуқтаи назаридан сўзловчининг талаффуз жараёнидаги коммуникатив ниятини юзага чиқариши билан лингвистик прагматика масалалари қаторидан ўрин олади. Урғулар актуаллаштирувчи восита сифатида матнда сўзловчи ниятини юзага чиқариш билан прагматик функция бажаради. Фонетик бирликларнинг матндаги прагматик вазифасига кўра лингвистик прагматиканинг фонопрагматик аспекти сифатида ажратилади. Фонопрагматиканинг назарий масалалари хусусида сўз юритиш билан бирга социофонетика, фоносемантика ҳамда фоностилистика каби соҳалар билан алоқадор умумий ва дифференциал жиҳатларини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Бу соҳаларнинг барчаси нутқ субъективининг ички руҳий ҳолати билан боғлиқ ҳолда лингвистик прагматика доирасига алоқадор бўлади.

Нутқда товуш ҳамда оҳангларни маълум яширин (иллокутив) мақсад билан қўлланиши натижасида муаллиф муносабатининг ифодаланиши фонопрагматик таҳлил обьекти ҳисобланади. Лексема семасида прагматик семанинг ҳосил бўлишида фонетик процесслар

алоҳида аҳамиятга эга. Бу товуш ўзгариши, товуш орттирилиши, товуш тушиши, товуш иккиланиши ҳодисалари билан юзага чиқади. Лингвистик бирликлар таркибидағи товушларнинг ўзгариши натижасида ҳосил бўлувчи маъноларни фонопрагматика тадқиқ этади.

1. Товуш ўзгариши билан. Бунга кўра сўзда товуш ўзгариши билан лексема семасида прагматик маъно юзага чиқади. Масалан: «*Айланай, ўжими қизимдан!*» (сўзлашувдан). Бунда «*ўзим*>>, «*қизим*» сўзларидағи товуш ўзгариши билан эркалаш, суйиш маънолари юзага чиқади. Бу мисолда яширин мақсадли (иллокутив) вазифа асосидаги муносабатнинг ифодаланиши фонопрагматикага, нутқдаги талаффуз меъёри асосида социал мавқени тушуниб олиш социофонетикага, талаффуздаги tenglaniш ёрдамида «тил топишиш» каби маънолар, яъни имитация усули билан маълум бир образли маъно ифодалаш фоносемантикага тааллукли бўлади. Нутқ муаллифининг нутқ обьектига нисбатан ёш нуқтаи назардан катта эканлиги бир томондан, лисоний бирликларнинг мантиқли таҳлил асосида аниқланса, иккинчи томондан,

талаффуздаги оҳанг ёрдамида уқиб олинади, бевосита мана шу жиҳатлар социофонетикага алоқадордир. «Социофонетика нутқ фаолиятига ижтимоий омилларнинг таъсирини, ҳар хил ижтимоий гурӯҳларнинг талаффузини ўрганувчи усуулари билан ижтимоий лингвистиканинг бир тармоғи хисобланади. Тилшуносликнинг қўпгина йўналиш ва тармоқлари орасидаги алоқадор нутқ фаолиятининг психо-физиологик ва акустик хусусиятлари, жамиятнинг ижтимоий табакалари орасидаги талаффуз меъёрлари, кишининг ҳар хил руҳий ҳиссиётларини уйғотиш, нутқ ва мусиқанинг боғланиши каби масалаларни ўз ичига олади»<sup>1</sup>. Масалан, «Мен ўричча билмайман» (Сайд Аҳмад). Мана шу ўринда персонаж нутқидаги «ўрисча» сўзининг <<ўричча» тарзида талаффуз этилиши билан (айнан талаффуз асосида) уни «садда», «қишлоқ қизи» эканлиги каби маънолар англаб олинади.

2. Товуш туширилиши билан. Нутқда товуш туширилиши ҳодисаси салбий ва ижобий хусусий муносабатни ифода этади, бу ҳолатлар нутқий вазият билан алоқадор бўлиб, нутқ субъектига хос прагматик маъно компонентларини ифода этади. Масалан, «Қаернинг ҳандалаги амак? - деди у олифтагарчилик қилиб». (С.Аҳмад). Бу нутқда «амаки» сўзидаги «и» товушининг атайлаб туширилиши (баъзи диалектларда бундай товуш туширилиши табиий ҳисобланади, бироқ адабий тил нуқтаи назаридан қаралганда, бу ҳолатлар ҳам муаллиф муносабатини ифодалашда катта аҳамият касб этади) билан «менсимаслик», «ўзини катта олиш» каби прагматик маънолар юзага чиқади.

3. Товуш алмашиниши билан. Товуш алмашиниши ҳодисаси асосида маъно ҳосил бўлиб, бу нутқ муаллифининг адресатга нисбатан салбий ёки ижобий муносабати билан боғлиқ бўлади. Масалан, «Келиннинг исми Олимбой акага Ханка эмас, Ханги бўлиб эшиштилди, шекилли, бир сакраб туиди». (С.Аҳмад). Бу ўринда товуш ўзгартирилиши билан прагматик сема - «бефаросат», «бақироқ» маънолари ҳосил бўлган.

Фонопрагматик йўналишда сўзловчи ўзи ният қилган фикрни матн орқали ифодалар экан, унда матн структурасидаги сўзларнинг баъзи товушларини маълум ички мақсад асосида алмаштиради. Сўз

таркибидаги товушлардан бирини бошқасига алмаштириш жараёнининг қайсиdir мақсад учун хизмат қилишини фонопрагматик аспект тадқиқ этади.

- *Зойиржон ака дейман, бу дўппию каллапўшиям зўридан топибдилар-ку!*

- *Астазфурло денг! - деди Зойирбой жаҳл билан.*

— *Каллапўши...*

- *Гуллапўшии денг-э!*

*Баширжон ва тўпланганлар завқ билан кулишиди. Чунки Зойирбой тузма кал бўлганлиги учун ҳам «кал» ўзаги билан бошланувчи барча сўзларни «гул» қўшиб айтар эди. (Н.Аминов. «Ёлғончи фаришталар».)*

4. Товуш орттирилиши билан. Нутқда товуш орттирилиши- билан прагматик семанинг юзага келиши фоностилистик сатҳ билан боғлиқ бўлади. «... алоҳида тил босқичи бўлган лингвостилистика ўзининг аниқ бирликларига эга бўлмай, тил бирликларига у ёки бу экспрессив маъно бериш билан чегараланади... Одатда, тилдаги бирор стилистик хусусият лексик ёки грамматик жиҳатдан тўла намоён бўлмаса, уни фонетик жиҳатдан шакллантириш натижасида тўлдирилади».

Фоностилистик томондан товуш орттирилиши нутқий оҳангдошликни ҳосил қилган бўлса, прагматик жиҳатдан эса муносабатни юзага чиқарувчи маънолар таҳлили назарда тутилади.

5. Товуш иккилантириш билан. Товуш иккилантириш билан нутқда «тавқид», «пичинг» каби прагматик маънолар юзага чиқади. Масалан, *Неъмат ўрнидан туриб кетди*.

— *Бас қилинг, ўртоқ Хўжжайип, гап тамом.*

- *Хўп, кечирасиз ўртоқ Баббаев, -- дедим. (С.Аҳмад).*

Прагматика ва унинг фонопрагматик йўналишини ўрганиш ўзбек тилшунослигида муҳим аҳамият касб этади. «Сўз тартиби, урғу, тиниш белгилари, феълнинг замон шакллари, ошкора харакат (перформатив) ифодаси

формулалари коммуникатив ният (иллокутив)нинг кўрсаткич (индикатор)лари саналади.

Коммуникатив ният кўрсаткичларининг коррект қўлланиши учун мувофиқ шароитнинг ўзаро фарқи қуидагича: 1.Нормал шароитда мақсадли сўзлаш ва англашни амалга ошириш. 2. Пропозиционал мазмун шартлари. 3. Шартнинг киритилиши. 4. Коммуникатив ният актининг мувофиқлик табиати»<sup>1</sup>.

Матннинг пропозиционал мазмуни ва коммуникатив ният актининг ифодаланишида фонетик бирликларнинг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Бундан ташқари феълнинг замон шакллари ҳам нутқ субъективнинг ошкора ва яширин коммуникатив ниятини юзага чиқарувчи морфологик (индикатор) кўрсаткичлари сифатида намоен бўлади. Сўзловчи коммуникатив ниятини ифода этадиган бундай шахс-сон, замон ва келишик қўшимчаларининг синтактик характердаги аффикслар бўлгани ва уларнинг матндаги прагматик функция бажариши нуқтаи назарига кўра синтактик кўрсаткичлар сифатида баҳоланади.

Кўринадики, ҳар қандай прагматик функция бажарувчи бирликлар ўзининг аниқ сатхига хос тушунчалар билан баён қилинади. Шу маънода фонетик сатхга оид бирликларнинг нутқдаги прагматик функцияси фонопрагматик аспект доирасида таҳлил қилинади.

### **Назорат саволлари**

1. Лингвистик прагматика муаммосининг ўрганилиши.
2. Пресуппозиция ва прагматика
3. Фонопрагматика.Лексопрагматика. Прагматик семалар.
4. Синтактик бирликларда прагматика
5. Нутқий акт ва прагматика.
6. Лингвистик прагматиканинг бирликлари

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. – М.: Наследие, 1992.

2. Гумбольдт В.фон. Язык и философия культуры. – М., 1985.
3. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально – культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф.дисс.канд.филол.наук. – Ташкент, 2010.
4. Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб ... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. - № 5.
5. Нурмонов А. Оврупода умумий ва қиёсий тилшуносликнинг майдонга келиши // Нурмонов А. Танланган асарлар. 2-жилд. –Тошкент: Академнашр, 2012.
6. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально – культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 2010.
7. Худайберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. Монография. – Тошкент.: Фан, 2013.
8. Кенжаева С.Е. Ўзбек антропонимларининг семантик ва социолингвистик тадқиқи. ном...дисс. автореферати.-Тошкент , 2011.

## **4-мавзу. Лингвокультурологиянинг умумназарий масалалари**

### **Режа:**

1. Лингвокультурологиянинг объекти, асосий вазифалари, компонентлари.
2. Ўзбек тилшунослигида лингвокультурологиянинг илмий асосланиши ва ўрганилиши
3. Лингвомаданий бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни.
4. Социолингвистика

**Таянч тушунчалар:** Лингвокультурология, тил ва маданият, тил ва тафаккур, тил ва жамият, социолингвистика.

Хозирги кун тилшунослик илмида янги-янги соҳаларнинг юзга келиши, матн муаммосининг ўрганилиши билан боғлиқ ишлар жадал ривожланмоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда матн таҳлилида тадқиқотчилар грамматика, семантика, когнитология, психолингвистика, лингвокультурология каби қатор йўналишлар қўлга киритган ютуқларга таяниб иш қўрмоқдалар. Бундан мақсад – нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи шахс омилиниң лисоний фаолиятда қандай ўрин тувишини аниқлаш бўлса, иккинчи томондан, матннинг семантик, лингвокультурологик хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганишdir. Шундай масала сифатида ҳозирги кунда тилшунослик илмида барчанинг эътиборини тортаётган тил ва маданият тушунчаси билан боғлиқ бўлган лингвокультурология масалалари кўпчилик тилшунос олимлар томонидан тадқиқ этилаётган бўлса-да, бироқ тўлоқонли ўз ечимини топган эмас.

Тил ва маданиятнинг боғлиқлиги, маданиятнинг тилда акс этиш муаммоси билан боғлиқ масалаларнинг методологик асоси яқин йиллардангина бошланди. Уларнинг асоси сифатида В.В.Воробёв, В.М.Шаклеин, В.Н.Телия, В.А.Масловаларнинг ишларини қайд этиш мумкин.

Ўзбек тилшунослик илмида ҳам бу йўналишда қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўзбек тилшунослигига лингвокультурологиянинг илмий асосланиши, маданиятнинг тилда акс этиши каби қатор масалаларга қаратилган дастлабки ишлар сифатида А.Нурмоновнинг “Ўзбек тилида лингвокультурологик йўналиш”, Н.Маҳмудовнинг “Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб”, Н.Сайдирахимованинг “Лингвокултурологиянинг илмий асосланишига доир айрим мулоҳазалар”, “Лингвокултурологиянинг компонентлари” номли мақолаларини, Д.Худойберганованинг “Матнинг атропотцентрик тадқиқи” мавзусидаги монографиясини белгилаш мумкин. Мазкур ишларда лингвокультурология фанининг моҳияти, предмети ва обекти масалалари ўрганилган.

Ҳар бир миллат ўзида маълум бир миллий анъаналарни акс эттиради. Яъни ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўз миллий анъаналари, урф-одатлари мавжуд. Бу маънода ҳар бир инсон ана шу миллийликни ўзида акс эттирувчи муайян маданият, тил, тарих, адабиётга алоқадор бўлади. Маълумки, тил ижтимоий ҳодиса бўлиш билан биргаликда маданият билан ҳам узвий боғлиқдир. Бугунги кунда инсонлар, халқлар, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, маданий ҳамда илмий алоқалар, халқаро-маданий коммуникатив жараёнлар тилшунослик соҳасида тилларнинг ўзаро муносабати ва тил маданияти ҳамда тилнинг миллий ўзига хос кўриниши каби қатор ва маданиятшунослик ўртасидаги алоҳида спетсифик йўналиши ва предметига эга бўлган янги соҳа - лингвокультурологиянинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Натижада XX аср охиrlарига келиб, тил ва маданият муаммосини ўрганишни мақсад қилган – тилшуносликнинг янги соҳаси **лингвокультурология** жадал ривожланди.

Лингвокултурология – “тил ва маданият”нинг узвий алоқадорлигини, унинг шаклланиши ва ривожланишини ўзида акс эттирган ҳодисалар – тил-маданиятни биргаликда ўрганадиган алоҳида илмий соҳа саналади. У маданиятшунослик ва тилшунослик фанлари ўртасида юзага келган умумлашма фан бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлиги, бу

боғлиқликнинг шаклланиши ҳамда яхлит бир система сифатида тил ва тилдан ташқарида акс этиши каби ҳодисаларни ўрганиш билан шуғулланади. Бир томондан лингвокультурология инсониятнинг маданий тил факторидаги ўрни, иккинчи томондан эса, тил факторидаги инсоннинг ўрнини ўрганади.

Лингвокультурология ўрганиш обектига кўра маданиятшунослик ва тилшунослик фанларига бирмунча яқин, бироқ мазмун-моҳияти, ўрганиш обектига бўлган ёндошувига кўра фарқли деб айтиш мумкин. Унинг чегараланувчи мақоми шундан иборатки, у халқ маданиятининг тилда намоён бўлиши ҳамда ифодаланиши, тил менталитети, миллийлиги, тил руҳияти билан боғлиқ равишда нутқий мулоқотни ташқил этишдаги миллий-маданий спетсифик қоидаларни ўрганади ҳамда миллат маданиятининг тилда акс этган ўзига хос миллий тил хусусиятларини аниқлаш, тадқиқ этиш билан шуғулланади.

### **1.1. Лингвокультурологиянинг тадқиқот обекти**

Лингвокультурологиянинг асосий обекти маданият ва тилнинг фаолият жараёнида ўзаро боғланиши, ўзаро таъсири ва бу ўзаро таъсири шарҳини тил маълумотлари асосида бир бутун тизимли яхлитлик сифатида ўрганишдан иборатдир. Тилшуносликнинг асосий мавзуси тил бўлиб, у эса ўз навбатида маданиятнинг шарти, асоси ва маҳсулидир. Лингвокультурология предмети сифатида тил бирликлари, нутқ фаолияти элементлари ва инсоннинг нутқий хулқи иштирок этади. Лингвокультурология тадқиқотларининг мақсади жонли миллий тилда мужассамлашган моддий маданият ва менталитет ҳамда тил жараёнларида намоён бўладиган, уларнинг икки тарафлама тил ва этнос маданияти билан бўлган изчиллигини ўрганишдан иборатдир. В.В.Красныхнинг ёзиича, “Лингвокультурология – бу маданиятни намоён бўлиши, акс этиши ва қайд этилишидир”<sup>2</sup>. У бевосита жаҳоннинг миллий манзараси, тил онгги ва ментал-лингвал мажмуанинг хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқдир. Лингвокультурологиянинг асосий обекти маданият

<sup>2</sup> Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология. – М.: Курс лекций. ИТДГК, Гнозис, 2002. С.12.

ва тилни фаолият жараёнида ўзаро боғланиши, ўзаро таъсири ва бу ўзаро таъсир шархини тил маълумотлари асосида бир бутун тизимли яхлитлик сифатида ўрганишдан иборатдир. Биз тадқиқотимизнинг иккинчи бобида киёсий лингвокультурологияга мурожаат қиласиз ва инглиз ҳамда ўзбек топишмоқларининг киёсий таҳлилини келтирамиз. Киёсий лингвокультурологиянинг предмети бўлиб икки ва ундан ортиқроқ маданиятларнинг асосий қарама-қарши турган барча архетипик (азалдан аввалдан қолган, ўзига хос) тасаввурлари, эталонлар, символик тасаввурлари (инсон онггининг натижалари сифатида афсоналар, расм-руслар, эртаклар, фолклор ва тил бирликларида, инсон нутқий фаолиятининг элементларида ўз аксини топган), шунингдек ушбу элементлар ва бирликларининг хусусиятлари хизмат қиласиз.

Киёсий лингвокультурологияда қуидаги тушунчалар асосий деб қабул қилинади: оламнинг миллий тил (лисоний) манзараси, лисоний шахс, лингвокултуртема, моддий-маиший лингвокултуртема, феъл-автор лингвокултуртемаси, аксиологик лингвокултуртема, маданиятнинг асосий оппозициялари;

“Оlamning миллий лисоний манзараси” терминига О.А.Корнилов шундай таъриф беради: “Тиллар қанча кўп бўлса, оламнинг шунча миллий лисоний манзараси мавжуд, бу тилларнинг ҳар бири жамоавий этник онгининг коинотдаги инсон мавжудлигини англаш ва категориялаштириш борасидаги кўп асрлик фаолиятининг ноёб натижаларини акс эттиради”<sup>3</sup>.

Лингвокултуртема – лингвокультурологиянинг асосий тушунчаси ва асосий бирлигидир. Унинг энг умумий таърифи – бу тил белгисидирки, ўзининг таркибига маданий компонентларни киритиб олгандир. Лингвокултуртема атамаси В.В.Воробев томонидан киритилган бўлиб, бу мажмуавий даражалараро бирлиkdir, лингвистик ва экстралингвистик мазмуннинг диалектик бирлигини акс эттиради. В.В.Воробев тушунчаси

<sup>3</sup> Корнилов О.А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. - М.: ЧеРо, 2003. С.140.

бўйича лингвокултуртема тил белгисининг шакли, унинг мазмуни ва бу белгининг ҳамроҳи бўлган маданий маъносининг мажмуидир. Лингвокултуртемани тушуниш учун Воробев унинг таркибида потенсиал равишда ҳозир бўлган таркибий элементнинг чуқур маъносига катта аҳамият беради.

Ҳар қандай тилнинг ўзига хос хусусиятлари авваламбор ҳалқ оғзаки ижодида намоён бўлади. Ҳалқ оғзаки ижоди тилини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Чунки ҳалқ поетик ижодида тилнинг ранг-баранг бойлиги ўзининг бадиий ифодасини топган. Ҳалқ оғзаки нутқида пайдо бўлган жозибадор нарсаларни ҳалқ поэзияси танлайди, ардоқлаб сақлайди ва тараққий эттиради. Ҳалқ оғзаки ижодининг тили кишилик жамиятининг энг биринчи даврларидан бошлабоқ шу ўрганилаётган тилнинг тарихий тараққиётида муҳим рўл ўйнайди. Шу сабабли ҳалқ оғзаки ижоди нутқи кўп маротаба тадқиқот обекти сифатида тилшунослар эътиборини жалб қилган. Лекин бугунги кунгача ўрганилган илмий-тадқиқот ишларида фолклор намуналари соф лингвистик жиҳатдан ўрганилаган бўлса, бизнинг тадқиқотимизда топишмоқлар тили уни яратувчи ҳалқ билан биргаликда “тил-маданият-инсон” учлиги доирасида ўрганилиб, асосий эътибор топишмоқлар тилидаги маданият элементларига қаратилади.

Д.Худойберганова “Матннинг антропоцентрик тадқиқи” монографиясида лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш обектларидан бири претседент бирликлар эканлигини қайд этади<sup>4</sup>. Претседент термини тилшуносликда биринчи марта Й.Н.Караулов томонидан қўлланган. Рус тилшунослигига муайян тил эгаларига яхши таниш бўлган ва уларнинг лисоний хотирасида сақланадиган, нутқий фаолиятда қайта-қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор сўз бирикмалари, жумлалар ҳамда матнлар претседент бирликлар сифатида қайд этилади. Ҳамда бундай бирликларнинг претседент номлар, претседент жумлалар, претседент

<sup>4</sup> Xudoyberganova D.Yuqoridaq manba. – 87 b.

матнлар каби турлари ажратилади. Шу билан биргаликда метафоралар ҳам тилнинг асосий лингвомаданий бирликларидан бири ҳисобланади.

Прецедентлик интертекстуаллик тушунчаси билан боғлиқ, аникроғи, унинг ичига киравчи ҳодисадир<sup>5</sup>. Бадий матн таркибиға киритилган турли хил мазмун ва шакл (жанр) даги матнлар ёки уларнинг қисмлари интертекстуалликни юзага келтиради.

Маълумки, маданият тушунчалар системаси, муайян халқнинг ҳаёт образи, миллий характер, миллий менталитет сифатида кенг этнографик мазмун касб этади. Н.С.Трубецкийнинг ёзишича: “Маданий коннотатсияларсиз бирор сўз бўлиши мумкин эмас, яъни қиёсда, солиштиришда қандайдир умумий қисмлар бўлиши шарт”<sup>6</sup>. Тил ва маданиятнинг ана шундай ўзаро яқинлиги ва алоқадорлиги уларни ягона методологик асосда ўрганиш имконини берди. Яъни, тил ва маданият.

“Тил ва маданият” муаммосининг ўрганилишида бир қанча ёндошувларни белгилаш мумкин: биринчи ёндошув файласуф олимлар (С.А.Атановский, Г.А.Брутян, Э.С.Маркарян)лар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда маданиятнинг тилга бир томонлама таъсиридан борлиқнинг ўзгариши натижасида миллий-маданий типиклаштириш ва тилда ўзгариш юз беради, деган ғоя ётади<sup>7</sup>.

Иккинчи ёндошувда эса бу таъсирининг акс томони, яъни ҳозирги кунгача очиқ қолиб келаётган ва мунозарали масала – тилнинг маданиятга таъсири масаласини ўрганиш мақсад қилинади. Тилни руҳий қувват сифатида тушуниш бу ёндошувнинг асосий ғояси саналади. Тилни руҳий қувват сифатида тушуниш (В.Гумболдт, А.А.Потебня) асосида Сепир-Уорфнинг лингвистик алоқадорлик гипотезаси, яъни ҳар бир халқ борлиқни ўз она тилиси орқали кўради, ҳис этади, ҳис этганини белгилайди, деган ғоя

<sup>5</sup> Xudoyberanova D. Yuqoridaq manba. – 89 b.

<sup>6</sup> Трубецкий Н.С. Поведения и мышления к языку. в кн.:НЛ.в.1.М.,1960.

<sup>7</sup> Bu haqda qarang: Сепир Э. Отношение норм. Поведения и мышления к языку в кн.: НЛ.в.1.М.,1960.

ётади<sup>8</sup>. Бу ғоя кейинчалик, И.Л.Вайсгербернинг тилни “Ўткинчи дунё”, яъни “борлиқни англаш”, муайян “мавжудлик ва тафаккур” сифатида қаралувчи ғояларида илгари сурилган. Унинг бу гипотезаси кўпчилик олимлар томонидан инкор этилган бўлса-да, бироқ улар бошқа усувлар билан тушунтирилиши мураккаб бўлган ҳодисаларни англашга ёрдам берди. Хусусан, Н.И.Толстнинг этнолингвистик мактаби вакилларининг ишлари, Э.Барминский ва издошларининг лингвоантропологик йўналишдаги ишлари бунинг исботидир<sup>9</sup>.

Учинчи ёндошув тўғридан-тўғри тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири ва алоқадорлиги ғояларига асосланади. Тил миллий менталитетнинг спетсифик қирраларини ўзида намоён этади. Бошқа томондан “маданият тилда“ жойлашган, яъни у матнда тўлалигича ўз ифодасини топади.

“Лингвокултурология” атамаси дастлаб фразеологик мактаб асосчиси В.Н.Телия ва В.В.Воробёв, В.А.Маслова ва бошқаларнинг ишларида кўринди. Лингвокултурологиянинг шаклланиши ҳақида гапирилганда, деярли барча тадқиқотчилар бу назариянинг илдизи В.Ф.Гумболдтга бориб тақалишини таъкидлайдилар<sup>10</sup>. Ушбу адабиётларда бу соҳанинг ривожланишида А.А.Потебня, Л.Вайсгербер, Х.Глинс, Х.Холс, Д.Уитни, Д.У.Пауелл, Ф.Боас, Э.Сепир, Б.Л.Уорф, Г.Брутян, А.Вежбиская, Д.Хаймз каби тилшуносларнинг фикрлари мухим рол ўйнаганлиги таъкидланади<sup>11</sup>. Бу каби қарашлар лингвистика соҳасида XX аср охирларида атоқли рус олимлари қаторида чет эл олимлари томонидан ҳам тан олинди. Бундай қаршларга кўра, тил нафақат маданият билан боғлиқ, балки у ўзида

<sup>8</sup> Nurmonov A.Sepir-Uorfning lingvistik nisbiylik nazariyasi haqida mulohazalar / O’zbek tilshunosligining dolzARB masalalari.—Toshkent, 2011.-№5.

<sup>9</sup> Маслова В.В. Лингвокультурология в системе гуманитарного знания / Критика и семиотика.- М.,1987.

<sup>10</sup> V.Gumboldtning til va shaxs haqidagi fikrlari to’g’risida qarang: Nurmonov A. Ovrupoda umumiy va qiyosiy tilshunoslikning maydonga kelishi.Nurmonov A.Tanlangan asarlar.2- jildlik.-Toshkent: Akademnashr, 2012. - B.23-40.

<sup>11</sup> Маслова В.В. Лингвокультурология в системе гуманитарного знания / Критика и семиотика. – М.,1987.

маданиятнинг ўсишини ҳам ифодалайди. Тил бир вақтнинг ўзида яратиш қуроли, маданиятнинг ривожланиши ва сақланишини таъминловчи унинг бир қисмидир, шунинг учун тил ёрдамида маънавий маданият ҳамда борликдаги ишлаб чиқариш, материаллари реал яратилади.

Ана шу ғоялар асосида минг йилларда чет элда янги фан – лингвокультурология вужудга келди ва XX асрнинг 90-йилларида маҳсус соҳа сифатида шаклланди.

Лингвокультурология бугунги кунда бир неча йўналишларда намоён бўлади:

1. **Лингвокультурология** ёрқин маданий алоқаларни, лингвомаданий ҳолатларни, аниқ илмий изланишларни ўз ичига оладиган алоҳида сотсиал гурух.

2. **Диахроник лингвокультурология**. Лингвомаданиятнинг этнос ҳолатидаги аниқ ўтиш вақтининг ўзгаришларини ўрганади.

3. **Қиёсий лингвокультурология**. Лингвомаданиятда пайдо бўладиган турли хил этносларнинг икки томонлама қиёслаш билан шуғулланди.

4. **Тавсифий лингвокультурология**. Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар бармоқ билан санаарли. Улар орасида М.К.Голованисканинг “Рус тилида сўзлашувчилар нуқтаи назарида франсуз менталитети” номли иши катта аҳамиятга эга. Ишнинг обекти сифатида рус ва франсуз тилларидағи абстракт тушунчалар: тақдир, хавф, омад, қалб, онг, тафаккур, ғоя ва бошқалар олинган.

5. **Лингвокультурологик лексикография**. Лингвоўлкашунослик луғатларини тузиш билан шуғулланади<sup>12</sup>. Лингвокультурологиянинг бу

<sup>12</sup> см.: Amerikana. Англо-русский лингвострановедческий словарь / Под ред. Н.В.Чернова. -- Смоленск, 1996; Рума.Р.У. Великобритания: Лингвострановедческий словарь. -- М., 1999; Мальцева Д. Г. Германия: страна и язык: Лингвострановедческий словарь. -- М., 1998; Муравлева Н.В. Австрия: Лингвострановедческий словарь. -- М., 1997; Николау Н.Г. Греция: Лингвострановедческий словарь. -- М., 1995; Страны Соединенного Королевства: Лингвострановедческий справочник / Сост. Г.Д.Томахин. -- М., 1999; Томахин Т.Д. США: Лингвострановедческий словарь. -- М., 1999; Франция: Лингвострановедческий словарь / Под ред. Л. Г. Ведениной. -- М., 1997.

йўналиши ҳозирги кунда бошқа йўналишларга қараганда жадал ривожланиб бормоқда. Фикримизнинг далили сифатида Д.Г.Малтсеванинг лингвоўлкашунослик лугатини келтиришимиз мумкин. Бу лугат 25 бобдан иборат. Унда Германия реалияларида ифодаланувчи тил бирликлари, иқлим хусусиятлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, мамлакатлар тарихи, қадимий урф-одатлар, анъаналар; қадимий афсоналар, сон ва рангни ифодаловчи символлар; тўй, маросимлар, байрамлар; диний маросимлар; валюта тизимининг ривожланиши; узунлик, оғирлик, ҳажм, юза; савдо-сотик ишлари, фан, техника, тиббиёт; почта хизмати, шаҳарлар қурилиши ва архитектура тарихи кабилар обект сифатида олинган. Шунингдек, лугатда берилган маълумотлар ичидан тил, китобатчилик, ҳаттотлик санъати, талаба ва талабалар ҳаёти, мактаб, миллий кийим-кечак спетсифик элементлари, миллий таомлар, миллий ўйинлар, миллий рақслар, анъанавий кўришиш усуллари ва тилаклар, этикетга хос жумлалар, шахсий исм ва фамилиялар, миллий имо-ишоралар, бадиий ижод намуналари, афоризм, миллий характер касб этувчи олмон қўшиқлари жой олган.

Юқоридагилардан хulosса қилиб айтишимиз мумкини, бундай лингвоўлкашунослик луғатларини яратишида тил ва маданият муносабати характерини тўғри белгилаш ўта муҳим саналади.

## **МОСКВА ЛИНГВОКУЛТУРОЛОГИК МАКТАБЛАРИ**

### **ХУСУСИДА**

Ҳозирги кунда лингвокультурология тилшуносликнинг энг ривожланган соҳаларидан бири экан, у ўзининг муайян ривожланиш босқичларига эга. Лингвокультурология соҳасида жиддий тадқиқотлар яратган В.В.Маслова ушбу соҳанинг ривожини З босқичга ажратади:

- 1) фан шаклланишига сабаб бўлган дастлабки тадқиқотларнинг яратилиши (В.фон Гумболдт, Э.Бенвенист, Л.Вайсгербер, А.А.Потебня, А.Сепир каби тилшуносларнинг ишлари);
- 2) лингвокультурологиянинг алоҳида соҳа сифатида ажратилиши;

3) лингвокультурологиянинг ривожланиш босқичи<sup>13</sup>.

Лингвокультурологиянинг ривожида Москва лингвокультурологик мактаблари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, Москва лингвокультурологик мактаблари XX аср охирларида пайдо бўлди. Бу борада рус тилшуносларидан Ю.С.Степанов, Н.Д.Аритюнова, В.Н.Телия, В.А.Воробёвлар асос солган бир қанча мактаблар юзага келди:

**Ю.С.Степанов лингвокультурологик мактаби.** Бу мактаб методология бўйича Э.Бенвенист консепсиясига яқин бўлиб, ўзида маданиятни акс эттирувчи тил бирликларининг диахроник аспектини текшириш билан шуғулланган. Улар ўз мақсадларини турли даврларга оид матнларини солиштириш орқали амалга оширишган.

**Н.Д.Арутюнов мактаби** турли давр ва халқларга оид матнлардан олинган универсал маданий терминларни ўрганиш билан шуғулланган.

**В.Н.Телия мактаби** эса, фразеологизмларни лингвокультурологик анализ қилувчи Москва мактаби сифатида Россия ва чет давлатларда таниқлидир. Телия ва унинг шогирдлари тил ва унинг ҳақиқий моҳиятини семантик маданият нигоҳида, уни ҳам тилшунослик ҳам маданият субекти сифатида ўрганди. Унинг консепсияси А.Вежбитской позитсиясига яқин (лингуга – менталис – ментал лингвистика).

**В.В.Воробёв ва В.М.Шаклеин ва бошқалар** Россия халқлар дўстлиги университетида ташкил этган лингвокультурологик мактабида В.М.Верешагин, В.Г.Костомаров консепсияси ривожланди.

Шундай қилиб, **лингвокультурология** – ўз ичига олган жонли миллий тилни ва тилда пайдо бўладиган ўзгаришларни ижтимоий-маданий протессесда ўрганувчи гуманитар соҳа саналади. У тилнинг фундаментал функцияларидан бири бўлиб, тилнинг ривожланиши, сақланиши маданий транслятсиясини ўз ичига олади.

---

<sup>13</sup> Маслова В.А. Лингвокультурология. -М.:Академия,2001.

Тил ва маданиятнинг ўзаро яқинлиги, яъни алоқадорлиги уларни ягона методологик асосда ўрганишга имкон беради.

Қиёслаймиз:

1. Тил ва маданият инсон ва халқнинг дунёқарашини акс эттирувчи тафаккур шаклидир.
2. Тил ва маданият ўзаро диологда мавжуд: нутқ субекти ва унинг адресати ҳамма вақт маданият субекти саналади (етикет шакллари: саломлашиш, урф-одат билан боғлиқ расм-русум ва ҳоказолар).
3. Ҳар иккала шакл индивидуал ёки умумий мавжудлик шаклига эга, яъни тил ва маданият субекти – ҳамма вақт индивидуал ёки ижтимоий, шахс ёки жамият саналади.
4. Тил ва маданият учун умумий белги бу умумийликдир.
5. Тарихийлик – “тил ва маданият” учун (“динамика” (ўзгарувчанлик) ёки “статика” (тургунлик)) энг асосий хусусият саналади.
6. Маданият халқнинг ўзига хос тарихий хотирасидир. Тил эса ўзининг кумулятив (тўлдирувчи) хусусиятига кўра ўзида ўтмиш хотирасини сақлайди ва тўлдириб боради, шу каби қатор хусусиятлари уларни ягона методологик асосда ўрганиш имконини берди.

Айни дамда инсон ва жамият ўртасида қуйидаги фарқлар кўзга ташланади:

1. Комуникация воситаси сифатида тил халқ маданиятида ва тараққиётда юз берган ўзгаришларни озми-қўпми акс эттиради.
2. Маданиятнинг белги системасига ўтиши тилдан фарқли равища мустақил шаклланиш хусусиятига эга эмас.
3. Тил ва маданият бошқа-бошқа (семиотик) белги тизимиdir. Бундай қиёслаш тадқиқотчиларни тилга озоморф эмас, балки “гамоморф”, яъни алоқадор эканлигини исботлайди.

Лингвокультурологиянинг вазифаси тил бирликларининг маданий аҳамиятини нутқий вазият бирликлари – фразеологизмлар ёки бошқа экстролингвистик тил бирликлари, маданиятнинг маълум “кодларини” ифода

этувчи символик белгиларни солишириш асосида иш юритишдан иборатдир.

Лингвокультурология учун тараққиётга нисбатан маданиятни ўрганиш муҳимроқ саналади, чунки тараққиёт моддий, маданият эса рамзийдир. Миф, урф-одатлар, маросимлар маданиятга хос, улар халқнинг турмуши ва маросимлари шаклида тил бирликлари ва ифодаларида жо бўлади. Шу сабабли, улардаги тил бирликлари лингвокултурорологиянинг обекти сирасига киради.

XX аср бошларига келиб лингвокультурология жаҳон тилшунослигидаги етакчи йўналишлардан бирига айланиб улгурди. Кўплаб тадқиқотларда таъкидланганидек, лингвокультурология тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлган тил ва маданият унинг предметини ташкил этади. Жумладан, В.Н.Телия бу ҳақда шундай ёзади: “Лингвокултурология инсоний, аникроғи, шахс ва маданий омилларни узвийликда тадқиқ этувчи фандир”<sup>14</sup>. Г.Г.Слишкиннинг фикрига кўра, ”Лингвокултурология инсон омилига, аникроғи, инсондаги маданият омилига йўналтирилган. Лингвокултурологиянинг маркази маданият феноменидан иборат бўлиши инсон ҳақидаги фаннинг антропологик парадигмага тегишли ҳодиса эканлигидан далолат беради”<sup>15</sup>.

Профессор А.Нурмоновнинг “Сепир-Уорфнинг нисбийлик назрияси ҳақида мулоҳазалар” номли мақоласида келтирлишича, Б.Уорф тил билан маданият ўртасида тўғридан-тўғри мувофиқлик мавжудлигини таъкидлаш билан бирга, маданият ҳодисалари тил шаклларининг тўғридан-тўғри таъсирида майдонга келишини баён қиласи. Лекин бунга Б.Уорф ҳеч қандай далил келтирмайди.

---

<sup>14</sup> Телия В.Н. Русская фразеология. – М.:1982. – С. 20-25.

<sup>15</sup> Bu haqda qarang:Маслова В.А. Лингвокультурология. -М.:Академия,2001.

Дарҳақиқат, тил билан маданият ўртасида маълум боғлиқлик мавжуд. Аслида маданий тил халқ маданиятининг бир қисми. Лекин тил билан маданият ўртасида детерминизм, сабаб-натижага муносабати йўқ. Бунинг далили сифатида шуни кўрсатиш мумкинки, баъзи ҳолларда маълум халқ ўз маданиятини сақлаган ҳолда, тилини ўзгартириши мумкин. Тил шакли билан маданият шакли бир-бирига мувофиқ келмаган ҳолатлар ҳам учрайди. Хусусан, бир-бирига яққол қариндош бўлган *хута* ва *навахо* тилларида гаплашувчи қабилалар бутунлай бошқа-бошқа маданиятга эга. Аксинча, *пueblo* ва *плейи* хинду қабилалари жуда яқин маданиятга эга бўлиб, тамомила бошқа-бошқа тиллардан фойдаланишади. Ёки Марказий Осиёда ўзбек ва тожик халқлари тамомила бошқа-бошқа системадаги тилларга мансуб бўлсалар-да, бир-бирига жуда яқин маданиятга эга.

Бу эса шуни кўрсатадики, маданият ҳодисалари билан тил структураси ўртасида тўғридан-тўғри сабабий тобелилик ва тўғридан-тўғри мувофиқлик йўқ. Шундай бўлса ҳам, улар ўртасида умумий боғлиқлик мавжуд. Чунки, маданиятдаги ўзгариш тилда акс этади. Шу маънода маданиятнинг тилга таъсири ҳақида гапириш мумкин, лекин шунда ҳам тилнинг маданиятга таъсири ҳақида эмас. Аммо бу ҳар икки тушунча, таъкидлаб ўтганимиздек, бир-бирига узвий боғлиқ ва бир-бирини тақазо этади.

## **ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАНИШИ ВА ЎРГАНИЛИШИ**

Юқорида тилга олганимиздек, хозирги вақтда лингвокультурология жаҳон, хусусан, рус тилшунослигига ҳам энг ривожланган йўналишлардан бири бўлиб, бу борада бир қанча ўқув қўлланмалар яратилган. Тилшуносларнинг эътироф этишича, уларнинг орасида энг машҳури В.А.Маслова томонидан яратилган ўқув қўлланма ҳисобланади. Шунингдек, лингвокультурологик ёндошувдаги тадқиқотлар ўзбек тилшунослигига ҳам охирги ўн йилликларда пайдо бўла бошлади. Масалан, З.И.Салиеванинг

номзодлик иши ўзбек ва франсуз тилларидаги сентенсия, яъни ахлоқий-таълимий ҳарактердаги матнларнинг миллий-маданий хусусиятларига бағишенгандан<sup>16</sup>. Р.С.Иброгимованинг номзодлик диссертасиясида эса *аёл* концептининг ўзбек ва франсуз тилларида ифодаланиш йўллари тадқиқ этилган<sup>17</sup>.

Професор Н.Махмудовнинг “Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб...” номли мақоласида лингвокультурология, умуман, антропоцентрик парадигманинг моҳияти ва бу борадаги муаммолар чуқур ва асосли ёритиб берилди. Ушбу мақолани ўзбек тилшунослигига лингвокультурология ҳақида жиддий мулоҳазалар баён қилинган биринчи асар сифатида баҳолаш мумкин<sup>18</sup>.

Мақолада лингвокультурологик назариянинг шаклланиши учун хизмат қилган омиллар, ундаги асосий тушунчалар, уларнинг талқинидаги ҳар хилликлар ҳақида жуда асосли мулоҳазалар айтилган. Хусусан, Н.Махмудов айни соҳанинг энг асосий тушунчаларидан бўлган тил ва маданият ҳақида қўйидагиларни ёзади: “Тил ва маданият деганда, кўпинча, “нутқ маданияти” дейиладиган муаммо ассотсиатив ҳолда эсга тушса-да, бу икки ўриндаги маданиятнинг айнанлигини асло кўрсатмайди. Тил ва маданият деганда, одатда, (тўғриси ҳам шу) тил орқали у ёки бу маданиятни ёки аксинча, маданиятни ўрганиш орқали у ёки бу тилни тушунириш назарда тутилади, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, лингвокультурологиядаги маданиятнинг маъноси “ақлий-маънавий ёки хўжалик фаолиятида эришилган даража, савия (нутқ маданияти)” эмас, балки “кишилий жамиятининг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий-маърифий

<sup>16</sup> Салиева З.И. Концептуальная значимости национально – культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 2010. – С. 25.

<sup>17</sup> Mahmudov N. Tilning mukammal tadqiqi yo'llarini izlab ...// O'zbek tili va adabiyoti.–Toshkent,2012. - № 5. – В. 10.

<sup>18</sup> Mahmudov N. Tilning mukammal tadqiqi yo'llarini izlab...// O'zbek tili va adabiyoti.–Toshkent,2012. - № 5. – В. 3 - 16

ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи (маданият тарихи, ўзбек маданияти)” демакдир. Шундай бўлгач, нутқ маданиятининг ўрганиш муаммолари бошқа, лингвокультурологиянинг ўрганиш обекти тамоман бошқадир”<sup>19</sup>.

Шунингдек, тилшунос олима Д.Худойберганова бу борада ўзининг “Матннинг антропоцентрик тадқиқи” монографиясини яратди<sup>20</sup>. У ўзбек тилидаги матнларнинг лингвокултурологик хусусиятларини ўрганиш очин берди. Унда претседент бирликлар ва лингвомаданий бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни, ўхшатиш мазмунли матнлар, метафораларнинг матн яратилишидаги ўрни, жонлантириш асосида матнларнинг лингвокультурологик хусусиятларига алоҳида эътибор берилди.

Мана шундай жараёнларда юзага келган миллий тил ҳодисалари – **лингвокултуремалар** эса ўз навбатида ҳозирги кун тилшунослигида ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири саналади.

### **Лингвомаданий бирликларнинг матн яратишдаги ўрни**

Маълумки, лингвокультурология фанининг обектини халқ маданиятининг тилда ёрқин ифодасини ўзида намоён этувчи ноеквивалент лексика ва лакунлар, тилнинг стилистик жамланмаси, тил бирликларнинг мифлашган кўринишлари: архитип ва мифлар (асотир ва ривоятлар), тилда ўз аксини топган расм-руссум ва одатлар, тилнинг паремиологик фонди, тил эталонлари, имо-ишора ва рамзлар, тилдаги ўхшатиш ва метафоралар ҳамда ўзбек нутқ одатлари ва нутқий этикет шакллари ташкил этади.

### **Метафораларнинг лингвомаданий бирлик сифатидаги аҳамияти**

Кейинги ўн йилликлар давомида метафоранинг пайдо бўлиш тарихи ва унинг маданиятни тилда намоён этишдаги ўрнини яъни лингвокультурологик аҳамиятини тадқиқ этиш кўпгина тилшунос

<sup>19</sup> Mahmudov N. Tilning mukammal tadqiqi yo'llarini izlab ... // O'zbek tili va adabiyoti. – Toshkent, 2012. - № 5. – B. 10.

<sup>20</sup> Xudayberganova D. Matnning antroposentrik tadqiqi. Monografiya. – Toshkent: Fan.. 2013.

олимларнинг диққат марказида бўлди. Гарчи метафора муаммоси икки минг йилдан буён олимларнинг диққат марказида бўлса ҳам, бугунги кунгача ё стилистик восита сифатида, ё бадиий услуб сифатида тадқиқ этиб келинар эди. Фақатгина охирги ўн йилликлар давомида тилшуносалар ва файласуфлар диққати метафоранинг онтологиясини тадқиқ этишга қўчди(Н.Д.Арутюнова, В.Н.Телия, Б.Блек, Ж.Лакофф, М.Жонсон ва бошқалар).

Фразеологик бирликлар ва метафора мазмунининг режаси ҳамда уларга бириктирилган маданий коннотатсиялар туфайли маданий белгиларнинг экспонентларига айландилар<sup>21</sup> . Метафорани ушбу нуқтаи назардан кўриб чиқамиз.

XX асрнинг охирларида метафора олдингилардан кўра мураккаброқ ва муҳимроқ ҳодиса сифатида намоён бўла бошлади. Метафоранинг келиб чиқиш тарихи ҳақида тилшуносалар турли хил қарашларни илгари суришади. Маслова метафоранинг келиб чиқшини инсоннинг генезиси билан ва тегишли равища инсон маданияти билан боғлайди. Ва энг қадимий тил , қадимий ибтидоий алоқалар метафорик бўлганлигини таъкидлайди. М.Мюллер фикрига кўра эса метафора қадимий тил лексик қашшоқлиги сабабли вужудга келган. Сўз заҳираси кам бўлган ва инсон ҳар хил предметлар ва ҳодисаларга бир хил сўзларни ишлатишга мажбур бўлган.

Бизнинг фикримизча, метафора қадимий тилнинг лексик қашшоқлиги ёки сўз заҳирасининг камлиги туфайли вужудга келмаган. Бу борада биз А.Н.Афанасевнинг фикрларига таянамиз. Унинг ёзишича, метафора ўхшаш тасаввурларни уйғотадиган предметларни ўзаро яқинлашиши натижасида пайдо бўлган. Метафора мутлақо озод, бой манбадан олинган, зарурат, эҳтиёж ёки тилнинг қашшоқлигидан пайдо бўлмаган<sup>22</sup>.

Метафора тилдаги универсал ҳодиса бўлиб, у ҳамма тилларга хосдир. Унинг универсаллиги макон ва замонда, тилнинг структурасида ва фаолиятида намоён бўлади. Метафора фан учун маҳсулдор тушунчадир.

<sup>21</sup> Маслова В.А Yuqoridağı manba – 88 b.

<sup>22</sup> Афанасьев А. Н. Происхождение мифа. – М., 1996. С.35.

М.М.Батхин “хронотоп” деган атамани фанга деярли метафора каби киритганини таъкидлайди. Аксарият энг қулай илмий атамалар метафоралардир: “ички шакл”, “маданий коннотатасия”, “тирик сув” ва бошқалар. Метафора бу тилнинг энг сирли воқеаларидан биридир. Метафора таърифининг хилма-хиллигига қарамай деярли ҳаммалари Аристотел таърифига бориб тақалади: “Метафора бу ғайри оддий номни бир турдан бошқа хилга, ёки хилдан турга, ёки хилдан хилга, ёки ўхшашдан ўхшашга кўчиришдир”<sup>23</sup>.

М.Минскийнинг фикрича нутқий ё фикрий ҳодисада икки тушунчани боғланиши бир тизим бўлиб, бошқа маънолар ўрнига ўтади, чунки метафора номи йўқ нарсани аён қилувчи восита сифатида хизмат қиласди. Метафоранинг пайдо бўлиши тил эгаларининг концептуал тизими, уларнинг дунё ҳақидаги стандарт тасаввурлари, баҳолаш тизими билан боғлиқдир. Метафоранинг ижод қилиш механизми қўйидагича: ҳар хил мантикий синфлардан икки турли предмет олинади ҳамда улар умумий аломатлар ва хусусиятлар асосида бир-бирига тенглаштирилади.

Инсон метафорани вужудга келтираётганида гўё сифатлар ва хусусиятлар оламида, мантикий синфларда ва уларнинг субстансиялари (ўринбосарлари) оламида яшагандай бўлади<sup>24</sup>. Метафора абстракт маънодаги белги, аломат ва сифатларни ажратиб чиқармайди, балки предметнинг мазмун моҳиятининг маъно тимсолини аниқлади. О.Мандештам роялни “ақлли ва ёқимли уй ҳайвони” деб айтганда, у предметларни соддагина қилиб турли мантикий синфлардан олмайди. Бу ерда гап реал предметлар ҳақида эмас, балки онгда пайдо бўлган предметларнинг тимсоллари ҳақида боради. Шундай қилиб бир бутуннинг моҳияти вужудга келади. Ш.Балли ёзади: “Биз абстракт тушунчаларни хиссиёт олами предметларига қиёслаймиз(ўхшатамиз), чунки бу биз учун ягона уларни англаш усули ва

<sup>23</sup> Аристотель. Поэтика. – Л., 1927. С.39.

<sup>24</sup> Маслова В.А Yuqoridaq manba –89 b.

бошқаларни улар билан таништириш йўлидир. Метафоранинг келиб чиқиши шундайдир. Метафора бу қиёслашдан бошқа нарса эмас, унда идрок абстракт тушунчани ва муайян предметни яқинлаштириш тамойили таъсирида битта сўзда ҳар иккисини мужассамлаштиради”.

Метафора ўзида асосий маданий қадриятларни акс эттиради, чунки метафора маданий-миллий дунёқарашга асосланган.

### **Назорат саволлари**

1. Матннинг лингвокультурологик таҳлили муаммоларини аникланг.
2. Лингвомаданий бирликларнинг матн яратилишидаги ўрнини айтиб беринг.
3. Матннинг психолингвистик хусусиятларини айтиб беринг.
4. Ўзбек тилидаги мантларнинг лингвокультурологик хусусиятлари.
5. Когнитив тилшуносликнинг предмети ва вазифалари.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. – М.: Наследие, 1992.
2. Гумбольдт В.фон. Язык и философия культуры. – М., 1985.
3. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально – культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф.дисс.канд.филол.наук. – Ташкент, 2010.
4. Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб ... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. - № 5.
5. Нурмонов А. Оврупода умумий ва қиёсий тилшуносликнинг майдонга келиши // Нурмонов А. Танланган асарлар. 2-жилд. –Тошкент: Академнашр, 2012.
6. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально – культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 2010.
7. Худайберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. Монография. – Тошкент.: Фан, 2013.
8. Кенжаева С.Е. Ўзбек антропонимларининг семантик ва социолингвистик тадқиқи. ном...дисс. автореферати.-Тошкент , 2011.

## **5-мавзу. Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари.**

**Режа:**

1. Жаҳон адабий-назарий тафаккури тадрижига муносабатнинг янгиланиш жараёни.
2. Адабий-эстетик концепцияларо муштаракликини таъмин этувчи асослар.
3. Адабиётшуносликда концепциялар янгиланиши, ёндашувлар кенгайиши.
4. Долзарб масала, муаммолар кўлами ва уларга муносабат ҳолатлари
5. Адабиётшуносликда методология тақозоси.

**Таянч тушунчалар:** Адабиётшунослик, адабий – эстетик концепция, поэтик тафаккур, адабий – назарий тафаккур, европацентристик қарап, илоҳий асаослар, тасаввуфий талқин, ёндашув методлари (биографик, социологик, формал, структурал, психологик, лингвистик, қиёсий – тарихий, герменевтический), адабий – назарий методология.

Турли соҳаларда бўлгани сингари бадиий ижод ва адабиёт масалаларини талқин, тадқиқ этувчи илмий, таълимий соҳаларда ҳам ягона бўлган дунёни асосан икки улкан ҳудудга – Ғарб ва Шарққа бўлиб қарап, кўп ҳолларда улардан бирини бошқасидан устун қўйиб қарап, муайян масалалар ечимларида ғолибликни талашиш кайфияти ҳукм суриб келганлиги бор гап. Ғарб ва Шарқ адабий – эстетик тажрибалари, поетик илмий тафаккури тарихида фарқли жиҳатлар доимо кўп бўлиши баробарида умумий томонлар ҳам ҳамиша мавжудлигини, ўзаро алоқадорлик ҳам узлуксиз давом этиб келган ва келадиган жараён эканлигини алсо инкор этиб бўлмайди.

Бугунги дунёнинг бу йўналишдаги илғор қарапашлари бошқача. Соҳада дунёни иккига бўлиб идроклов сабаблари ҳамда оқибатлари танқидий таҳлилланмоқда, баҳоланмоқда. Турлисҳа ботил ғоялар, тенденциозликлар, ғаразли назариялар, чунончи, европацентристик метод, методологиялар яксон бўлмоқда.

Дунё адабиётшунослигига XX асрнинг ўрталаридан бошлаб инсониятнинг фалсафий-естетик, адабий -назарий тафаккури тарихига, уларнинг тадрижий тараққиётига нисбатан қарапашлар ўзгара бошлади. Махдуд тасаввурлар ўрнини кенг миқёсли идроклар, муайян ҳукмрон таълимот, назариялар ўрнини Шарқ-у Ғарбга хос янада қадимий манбалар ишғол этиб илмий тафаккур уфқлари кенгая бошлади.

Ибтидоси кўпроқ антик даврга нисбат берилган адабий – эстетик тафаккур тарихи, кўплаб янги-янги тадқиқотларнинг инсониятга ҳавола

етиалиши натижасида, жуда қадимги Миср, Хитой, Хиндистон, Марказий Осиёга мансуб дурдоналарга бориб тақалишини намоён этди. Бу жараён замирида кўплаб ҳикматлар мужассам. Жумладан:

1. Барча умумбашарий маънавий ҳодисалар сингари эстетик тафаккур тарихи ҳам инсониятнинг ўзи қадар қадрлидир.

2. Қайси бир давр, ҳудудга, миллат, элат ёхуд шахсга мансуб бўлишидан қатий назар, яратилган назарий – эстетик ҳодисалар умуминсоний тафаккур ҳосиласидир.

3. Уларнинг барчасидаги қарашлар, концепциялар инсон соғ фитратининг тақозоларига, маънавий эҳтиёжларига муносиблик, мувофиқлик доирасидагина муштараклик касб этади, умумбашарий қимматга эга бўлади...

Бугунги жаҳон адабиётшунослигида қизғин давом этаётган бу жараённинг талқин, эътироф, ифодаларини қуидаги манбалар мутолааси орқали ҳам ҳис этиш мумкин:

1.История всемирной литературы. В 9-ти томах.-М.: Наука, 1983-1985

2.Болтабоев Ҳ., Махмудов М. Адабий – эстетик тафаккут тарихи.-Т.: МУМТОЗ Сўз, 2013

Умуминсоний моҳият, қадр-қиммат касб этган барча нарсалар, жумладан, ижодий, илмий ҳодисалар инсон зотининг яратилишида унга жо этилган сифатлар, хоссаларга бориб тақалади. Жаҳон илғор адабиётшунослиги Ғарб ва Шарқнинг адабий – эстетик тафаккури тарихининг энг мақбул, барқарор саналган тажрибаларини ўзида жам этган. Собит адабий – назарий қоида, қонуниятлар ҳам шу асосда шаклланган ва улар ҳам бевосита инсон моҳияти, тоқатидаги илоҳий омиллар туфайлидир.

Шу нуқтайи назардан масаланинг икки жиҳатини тафаккур қилиш мақсадга мувофиқ:

1. *Ижодий салоҳиятлилик.* Ижода илоҳий ижозат берилган. Бунинг далили Қуръони Каримнинг дастлаб нозил бўлган сураларидан бири, 227 оятли “Шуаро” сурасидадир. Сураи Кариманинг 224,225,226,227- оятлари шу ҳақдадир. Ижодкорлик салоҳияти неъматини тўғри тасарруф этиш ёки уни исрофга, зоеликка бошлаш хукмлари ҳам бутун Шарқ мумтоз адабиётида шундай исломий таълимотлар асосида кечган...

2. *Илмий салоҳиятлилик.* Илм ҳам, олимлик шарт, қоидалари ҳам илоҳий кўрсатмалар асосида бўлгандагина тўғридир. Исломдаги ҳақиқатларнинг ҳаммаси илмга доҳил ҳақиқатлар бўлиб, илм нуфузи бекиёс улуғланади. Адабий – эстетик илмларнинг асл қоида, одоблари ҳам ҳақ таълимотга даҳлдорлик, мувофиқлик даражаси билан белгиланади...

Ғарбда ҳам энг етук истедод соҳиблари бадий ижод ва адабий – эстетик, илмий- назарий тафаккурда факат илоҳий асосларга таяниб фаолият юритишган. Гёте шахсияти ва ижодини буюклаштирган ягона омил ислом эканини ўзи тинимсиз таъкидлаган. Улут рус адиби Лев Толстой ҳар қандай

сўз санъати намунасининг қимматини унинг инсон эътиқодий онгини қанчалик бойитиши билан белгилайди, баҳолайди...

Жаҳон адабиётшунослигида концепциялар янгиланиши, аввало, қадим манбаларга атрофлича, қайта мурожаатлар билан боғлиқ. Бунинг замирида аввал ўрганилган классик ижодларни янгича нуқтаи назарлардан туриб ўрганиш жараёни ҳам бор.

Ўзбек адабиётшунослигида илгари ҳам асосларга эга бўлган бир қатор ёндашув тамойиллари (жумладан, биографик, социологик, формал, структурал, психологик, лингвистик, қиёсий – тарихий, герменевтик – шарҳли -таҳлилий) ўз имкониятларини кенгайтириб, илмий кузатишларни қатиyllаштириб келмоқда.

Адабиётшуносликнинг долзарб миллий масалаларини умуминсоний адабий – эстетик тафаккур тараққиётидан ажралган, айрича ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Мустақиллик йилларидағи мумтоз адабиётга муносабатнинг ҳаққонийлашуви, тасаввуфий таҳлил ва талқинлаш, яқин тарихдаги ўзбек адабиётини қайта баҳолаш, бугунги адабий жараён тавсифи, таҳлил, танқидий ва бошқа йўналишлардаги адабий – назарий ҳаракатларнинг ҳаммаси жуда кўп жиҳатларига кўра жаҳон адабиёт назариясининг илфор, инновацион ёндашувларига хос тадқиқий жараён деб қаралиши мақсадга мувофик.

Адабиётшунослик ўзининг глобал масалалари, қоида, қонуниятларини истифода этувчи методологик тадқиқот, қўлланма, манбаларга муҳтоҷ ҳолдадир. Мавжуд адабиёт назарияси манбаларининг кечаётган янгича жараёнлардан орқада эканлигини идроклаш қийин эмас. Барча далиллари ҳақ таълимотлардан бўлган методолик асосларини яратиш бугунги дунё адабиётшунослигининг муҳим вазифаларидан биридир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
3. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. –М., 1979.
4. Бореев Ю. Искусство интерпретации и оценки. –М.:1981.
5. Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий – эстетик тафаккур тарихи. – Т.: МУМТОЗ Сўз, 2013.
6. История всемирной литературы. В 9-ти томах. Т.И.–М.: Наука, 1983.
7. Жаҳон адиллари адабиёт ҳақида. –Тошкент: Маънавият, 2010.

## **6-мавзу. Мумтоз адабиёт ва халқ оғзаки ижоди.**

### **Режа:**

1. Бугунги фольклоршуносликдаги янги талқинлар хусусида.
2. Фольклор тилининг рамзий ва мажозийлиги.
3. Халқ қўшиқларининг жанр хусусиятлари.
4. Халқ достонлари, уларнинг маъно қатламлари.
5. Алпомиш достонини маъно қатламлари асосида ўрганиш муаммолари: майший қатlam, социал қатlam, эзотерик қатlam. Эпос ва этнос.
6. Фольклор асарларини ўрганишда инновацион ёндашувлар самарадорлиги.

**Таянч тушунчалар:** Фольклор, рамзийлик, халқ қўшиқлари, халқ достонлари, маъно қатламлари, эпос, этнос, инновацион ёндашув.

Фольклоршунослигидаги янги талқинлар. Халқ қўшиқларини тимсолларнинг рамзий-мажозий хусусиятларини янги талқинлар ва таҳлил ёрдамида аниқлаш.

Халқ достонлари маъно қатламларини аниқлаш. Алпомиш достонини маъно қатламлари асосида ўрганиш. Майший қатlam, социал қатlam, эзотерик қатlam. Эпос ва этнос масаласининг халқ достонларини ўрганишда муҳимлиги. Фольклор асарларини ўрганишда инновацион ёндашувлар.

Фольклор барча санъатнинг бошланиши, сарчашмаси, шу сабабли ҳам бошқа кўпгина санъатлар билан уйғунликка эга, шунинг билан бирга ҳеч бирига ўхшамаган ўзига хослиги билан ажralиб турувчи алоҳида санъат туридир. Бу соҳа ўз ичига мусиқа, рақс, ҳунармандчилик, тасвирий, бадиий ва бошқа санъатлар билан боғлиқ тасаввурларни қамраб олади. Бошқача айтганда, оғзаки ижод халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида ифода этувчи, унинг тақдирни билан чамбарчас боғлиқ ижодий жараёндир. Шунинг учун ҳам алломаларимиз уни эл адабиёти деб атаган. Бирор бир халқнинг қандай халқ эканлигини билиш учун даставвал унинг фольклорига назар солиш лозим бўлади.

Халқ ижоди бу чинакам маънодаги доимий ўзгариш, доимий ҳаракатдаги санъатдир. Яъни, халқ ижоди намуналари ҳар галги ижрода анъаналарнинг давомийлигини сақлаган ҳолда муттасил янгиланиб, ўзгариб, мукаммаллашиб бораверади. Шунинг учун ҳам халқ ижоди намуналари кўплаб вариантлиликка эга. Ана шу вариантлилик халқ оғзаки ижодининг ўзига хослигини таъминлаб берувчи энг муҳим жиҳатлардан биридир.

Халқ оғзаки ижоди намунаси бор-йўғи оғзаки ижро этилгани учунгина эмас, балки оғзаки ўзлаштирилиб, оғзаки ижро этилиб, оғзаки тарзда мерос қолдирилиши, бошқача айтганда, ҳар галги ижро жараёнида қайта яралиши

билан фарқланиб туради. Фольклоршунос олимлар таъкидлаганидек фольклорда қўшиқ йўқ, балки қўшиқнинг ижро ҳолати, ижро жараёни мавжуд. Бу фикрни халқ ижодининг бошқа жанрларига ҳам татбиқ этиш мумкин.

Гурур билан айтишимиз мумкинки, бизда дунё фольклори намуналари билан бемалол беллаша оладиган достон, эртак, мақол-мatal, қўшиқ, афсона ва ривоятлар бор. Бугунги кунгача ёзиб олинган достонлар сонининг ўзи 400 тадан ошиб кетади. Бошқа жанр намуналари вариантлари эса кўплаб жилдларни ташкил этади. Бу ростакамига чинакам улкан хазинадир. Бундай бебаҳо мерос ҳамма халққа ҳам насиб этган эмас. Шундай улкан оғзаки меросга эга халқнинг ёзма адабиёти қандай бўлишини тасаввур қиласеринг.

Хар қандай санъатнинг боши фольклорда деган гап бугун пайдо бўлган эмас. У узоқ йиллик ҳаётий кузатиш, илмий тажрибанинг ҳосиласи. Ҳакиқатдан ҳам тасвирий, хунармандчилик, мусиқа, рақс, бадиий ва ҳоказо санъатларнинг аввали-боши, юзага келиши бевосита халқ оғзаки ижодига, халқнинг илк тасаввур ва ишончларига бориб тақалади.

Фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири масалалари Алишер Навоий замонида қандай долзарб аҳамиятга эга бўлса, бугун ҳам худди шундай. Алишер Навоийнинг барча асарларида биз фольклорга ижодий ёндашувни, миллийликка суюниб, умумбашарий қадриятлар улуғланганини кузатамиз. Бу анъана Навоий, Бобур замонидан сўнг Абдулла Қодирийдан то бугунги кунда ижод этаётган адибларимизгача, Чўлпондан то замонамиз шоирларининг изланишларида ҳам у ёки бу даражада давом этаяпти. Фақат бизда эмас, дунё адабиётида фольклорга қайта юзланиш даври бошланди. Жойс, Борхес, Маркес, Кафка, Кавабата каби адиблар ижоди бунинг мисолидир. XXI асрда дунё мифларига қайтадан мурожаат, янгича талқин қилиш даври, неомифологизм даври бошланди.

Фольклор хар бир ижодкорга ўз йўли, услуби, ўзлигини, ўқ томир илдизини топишга ёрдам беради.

Лотин Америкалик улуг адиблардан бири Хорхе Луис Борхес: «Адабиёт миф билан бошланиб, миф билан тугайди», – дейди. Буни бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай санъат, жумладан, бадиий сўз санъати ҳам фолклор билан бошланиб, фолклор билан бирга тараққий этади.

Фольклор ва тарих чиндан ҳам долзарб мавзу. Зоро, эпос, яъни оғзаки ижод намунаси бўлган достонлар шунчаки бадиий асар эмас, балки халқнинг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналари, тафаккур тарзини ўзида мужассам этган миллий қомус ҳамдир.

Биргина «Алпомиши» достонини олиб қарайлик. Мазкур достон нафақат ўзбек, балки дунё достончилигига алоҳида мавқега эга, тарихий асослари қадимий, бадиий жиҳатдан юксак эпик ижод намунаси хисобланади.

Бу достон кўп ва хўп ўрганилди. Бироқ ҳали бу достоннинг жаҳон фольклоршунослигидаги ўрни, мифологик асослари, бадий қатламлари такрор ва такрор ўрганилишни талаб этади.

Достоннинг бошламасидаги илк жумлага эътибор берайлик. Достон: «Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруг Кўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тағи икки ўғил пайдо бўлди: каттаконининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсари қўйди. Бойбўри билан Бойсари – иккови катта бўлди. Бойсари бой эди, Бойбўри эса шой эди, бул иккови ҳам фарзандсиз бўлди». – деб бошланади.

«Бурунги ўтган замон» бу мифологик тушунчага кўра ибтидонинг бошланиши, хаоснинг космосга айланишидир. Шунинг учун эртакларимиз ҳам «Бир бор экан, бир йўқ экан, бурун ўтган замонда», деб бошланади. Бу ҳар қандай миллатнинг рақамлардан холи, соғ, бадий тарихидир. Гап бу ерда нореаллик, ҳаётий асосга эга бўлмаган бадий тўқима ҳақида кетмаяпти. Балки ярми афсона, ярми ҳақиқат, мифологик қобиққа ўралган ўтмиш, тарих ҳақида ҳикоя қиласяпти. Эртакдан фарқли ўлароқ достонни ижро этувчи баҳши ҳам, тингловчи ҳам ундаги воқеалар чин ҳақиқат эканига ишонади. Қолаверса, достон аждодларнинг муқаддас хотираси, шонли тарихи ҳақида. Бу шонли воқеалар бир неча авлодлар томонидан куйланиб келинган, авлодларга етказилган ва ижро этилаётган замонда ҳам давом этмоқда.

«Ўн олти уруг Кўнғирот эли» юқоридаги ўтмиш тарихига янада ҳаётийлик бағишлайди. Бу тарих маълум бир уруг, айни бир пайтда бутун бошли элат ўтмиши билан алоқадор эканини таъкидламоқда.

«Добонбий» сўзи довон, юксаклик маъносида келади. Бу исм шунчаки танланмаган. Ҳаётда катта ишларни амалга оширган, юксак мэрраларга эришган қаҳрамоннинг рамзий тимсолий образидир. Достонда бу образ чизгилари гўё мукаммал эмасдек, достон бошламасида эсланиб, кейин унутилиб кетадиган исмдек туюлади. Бироқ, бу образга кейинги жумлалар, кейинги воқеалар ойдинлик киритади. Алпинбийдек Алпнинг дунёга келиши ўз-ўзидан бўлмаган. Унга Добонбий чеккан заҳмат, эришган донишмандлик сабаб бўлган.

Бойбўри билан Бойсари исмларидағи «Бой» олд қўшимчаси уларнинг шажараси кимлардан эканини қўрсатиб турибди. Бироқ эътибор қилсак, Добонбий, Алпинбий саналиб, кейин икки жуфт исм саналаяпти. Бу бежизгами?

Фольклорда эгизаклар тушунчаси мавжуд. Ҳар иккала исм ана шу эгизаклар ҳақидаги тушунчанинг маълум даражадаги бадий талқинидир. Одатда эгизаклар ҳақидаги мифологик тасаввурда эгизакларнинг бири катта, иккинчиси кичик бўлади. Она уруғчилик билан боғлиқ тасаввурлар устивор қонуният қашф этилаётган даврда ургу қўпроқ кенжага берилиб, кўп ҳолатларда бевосита она билан боғланади. «Кенжа ботир», «Учинчи ўғил» каби эртаклар, «Алибек билан Болибек» достонлари бунинг ёрқин мисолидир.

Фақат бу ерда урғу Бойсарига эмас, аксинча Бойбўрига қаратилган. Алпомишнинг ҳам Бойбўрининг фарзанди экани бежизга эмас. Демак, бу достонда ота уруғчилик билан боғлиқ тасаввурлар бўй кўрсата бошлаганидан далолат беради. Бироқ достоннинг бошқа, жумладан, Барчин, Қалдирғоч, Сурхайил кампир, Товка ойим образлари талқини шуни кўрсатадики, достонда она уруғчилиги билан боғлиқ тасаввурлар ҳам ҳали барқарор турибди.

Алп – қаҳрамон туғилишидан олдин ота-онасининг фарзандсизлиги аслида рамзий маънога эга бўлиб, гап бу ерда салтанатни мустаҳкамлайдиган, пароканда элни яна бирлаштирадиган янги авлод – Алпнинг туғилиши ҳақидадир.

«Алпомиш» достонида миллатнинг бўлиниши, парокандалиги Бойсарининг қалмоқ элига кўчиши орқали ифодаланади. Зеро, туркий халқлар тарихнинг маълум бир даврларида улкан салтанат, ҳокимият ва чексиз ҳукмронликка эга бўлган. Ўзаро бўлинишлар, урушлар ва бошқа сабаблар туфайли бу буюк салтанатга путур етган. Сўнгра халқни, миллатни бирлаштира олган Алпомишга ўхшаш янги авлод – Алплар туғилиб, туркий халқларнинг тарих сахнасидаги олдинги юксак мавқеи яна қўлга киритилган. Худди шу воқеаларнинг бадиий ифодаси «Алпомиш»нинг асл моҳиятини ташкил этади.

Эътибор қилсақ, «Алпомиш»да Алпинбийдан қолган, кўлда занг босиб ётган камонни фақат Ҳакимбек ота олади. Алплик камонининг кўлда занг босиб ётиши ундан олдинги авлод ўз вазифасини охиригача бажара олмаганидан далолат беради. Бундай вазифани янги авлод – Алпларгина охирига етказади.

Эпик ижоддаги алплик тизимига турлича ёндашув мавжуд. Хорижлик олимлар Лорд Раглен, Карл Райхл ва Ожал Ўғзу ўз тадқиқотларида «Қаҳрамонлик қолипи», ўзбек фолклоршунослари эса «алплик тизими» деган атамани ишлатади. Яъни фолклордаги қаҳрамон шунчаки қаҳрамон эмас, балки унинг жасорати, мардлиги, қаҳрамонлигини бўрттириб турадиган жиҳатлар мавжуд. Бу жиҳатлар достонларда эпик қолип шаклида келади. Яъни қаҳрамонлар маълум бир тизимга амал қилишади. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Достоннинг илк жумласидаёқ аждодларимизнинг шонли ўтмиши билан боғлиқ тасаввурлар мустаҳкам ўрин олган. Демак, мазкур ҳолат достоннинг мифологик қатлами, юзага келиш даврига ҳам маълум даражада аниқликлар киритади. Бошқача айтадиган бўлсак, халқнинг кўп минг йиллик тарихи, тафаккур тарзи ҳақида жуда бой ва қимматли маълумотлар беради.

Бугун миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни халқ оғзаки ижодисиз тасаввур эта олмаймиз. Фольклор миллий анъаналаримизнинг ўзагини ташкил этади. Бу анъана ва қадриятлар биринчи навбатда оғзаки ижодда куйланиб, улуғланиб келган. Фактларга мурожаат қилайлик: ҳеч бир эпосда халқимизнинг майший ҳаёти, миллий қадрият ва урф-одатлари «Алпомиш» достоничалик кенг кўламда ўзининг бадиий ифодасини

топмаган. Фарзанднинг туғилишидан олдин овга чиқмоқ, суюнчи олмоқ, фарзанднинг туғилиши, фарзандга исм қўймоқ, этагига солмоқ, бешик тўй, тўй маслаҳати, жарчи қўймоқ, чуфуррон тўй, тўёна бермоқ, аташтириб бешиккери қилмоқ, иккинчи исм қўймоқ, аташтириб рўмол ўрамоқ, қаллиққа бормоқ, совчи қўймоқ, шартлашиш (кураш, кўпкари, пойга) куёв навкар, тўққиз товоқ, куёв товоқ, ўтни айланмоқ, қиз яшириди, вакил ота, вакилини бермоқ, чимилдиқ тутмоқ, ит ириллар, ойна кўрсатар, соч сийпатар, қўл ушлатар, куёв улок, юз очди, бақан ташламоқ, солим бермоқ, ўлан айтмоқ, ёр-ёр, келин салом каби турли хил одат ва маросимларнинг «Алпомиш» эпосидан жой олиши мухим аҳамиятга эга. Бу мавзу алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, эпосда маросим ҳеч қачон батафсил тасвиrlанмайди, балки унинг мухим нуқталари ўз аксини топган бўлади. Энг эътиборли жиҳати, маросим эпос тизимида сюжетни юзага келтириб, эпик характер қасб этади. «Алпомиш» достонидаги Ҳакимбекка иккинчи исм берилиши билан боғлиқ ҳалқа олиб ташланса, достон мазмунига жиддий путур етади. Демак, маросим, миллий қадрият ва урф-одатлар маълум маънода эпос сюжет ҳалқасининг юзага келишига замин бўлиши билан бирга бевосита эстетик функция бажариб келади.

Жеймс Жойс ярми ҳазил, ярми чин аралаш мабодо Дублин шахри ер юзидан йўқолиб кетса, менинг «Улисс» романимга қараб уни қайта тиклаш мумкин, деган гапни айтган. Худди шундай бизда қадимий урф-одат ва аъаналаримизнинг унтутилган узвларини «Алпомиш»га ўхшаш эпос матнига қараб тиклаб олиш имконияти мавжуд.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Наврўз байрами ҳалқимиз ҳаётида нечоғлик мухим ўрин тутишини яхши биламиз. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бу байрам тамомила янгича мазмун ва моҳият қасб этди. Ҳар гал уни нишонлаганимизда қадимда унут бўлган қайсиdir узви қайта тикланиб, янгича талқин этилганига гувоҳ бўламиз. Ана шу узвларнинг қайта тикланишига ҳалқ ижоди намуналари – достон, эртак, қўшиқ, мақол-мatalлар, ҳалқ ўйинлари асос бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ҳалқ достонлари энг аввало оила totuvлиги, ишқ-муҳабbat, ёрга садоқат, шахс тарбияси, юрга муҳабbat ҳақидадир. Достонларда ишқ-муҳабbat, инсоний муносабатлар, оила мавзуси мухим ўрин тутади. «Алпомиш» достонида бир оила тарихи асосида бутун бир урғнинг, миллатнинг тарихи ҳикоя қилинади. Турли хил сабаблар туфайли парчаланиб кетган миллат оғир синовлардан сўнг яна қайта бирлашиши, оила баҳти, миллатнинг, юртнинг ор-номуси, шону шавкати учун кураш қаҳрамонлик эпосининг бош ғоясини ташкил этади.

Маълумки, шўро тузуми даврида бизга Шарқда ҳамиша аёлларни тутқунликда сақлаб келишган, уларнинг оилада ҳам, жамиятда ҳам ҳеч қандай ўрни бўлмаган ва ҳоказо дея уқтириб келишди. Археологик

топилмалар, қадимги битиклар, халқ достонлари эса бунинг аксини урғулайды.

Европада этрусклар маданияти устида иш олиб борган олимлар қизиқ бир фактга дуч келишади. Ҳали Ғарбда демократия деган тушунча бўлмаган, аёллар ҳеч қандай хукуқка эга бўлмай, уйда эрларининг қули бўлиб турган бир пайтда, ғарбликлар наздида Европага бегона ва ёввойи халқ деб ҳисобланган этрускларнинг саройларида кўплаб қадимий деворларда юксак мавқега эга бўлган аёл суратлари тасвириланган. Бу суратларни таҳлил қилган археолог ва тарихчилар этруск маданиятида аёлнинг ўрни оиласда ҳам, жамиятда ҳам эркаклар билан баравар бўлган, кўпгина давлат ишларини бевосита аёллар бошқарган деган холосага келишган. Гарчанд баҳсли бўлсада, этрускларнинг келиб чиқишини, Европага бориб қолишини туркий халқлар тарихи билан боғлашади.

Юртимизда топилган археологик топилмаларда ҳам айнан аёл тасвириланган санамлар кўплаб учрайди. Халқимизнинг куй-қўшифи, мақоматали, алқовида аёл нечоғлик улуғланганини ким билмайди дейсиз? «Алпомиши» достонининг бир ўрнида Барчин:

– Хотин бўлмасмикан эрнинг вазири, дейди.

Бир қараашда бахшининг шунчаки бадиҳагўйлигидек кўринган ушбу бир мисра, халқимизнинг тафаккуридаги эврилишларга ойдинлик киритади. Қадимги битикларда ҳам «хотун» сўзига алоҳида ургу берилади, хурмат ва иззат билан тилга олинади:

«Отам Ҳоқон ўлганда, иним Култегин етти ёшида Умайдай онам хотун бахтига, иним Култегин эр деган ном топди» ёхуд «Отам Элтариш ҳоқонни, онам Эл билга хотунни Тангри ўз мартабасида тутиб, юқори кўтарган экан», дейилади Култегин битигида.

Эътибор қилсак, битикда ҳам, достонларимизда ҳам она (аёл) ва хотун сўзлари ёнма-ён қўлланилади.

Хотун сўзи туркий халқлар эпосида бир титул, бир унвон маъносида келадики, шунинг учун у ҳамиша «алп», «бек», «хон», «тўра» каби сўзлар билан баравар қўлланилади. Бу эса «хотун» оддий бир калима эмас, юксак бир унвон, улкан мартабани ифодалашидан дарак беради.

Халқ достонлари асрлар давомида авлоддан-авлодларга мерос қолиб келаётган санъат. Унинг қат-қатида ибтидоий даврлар билан бир қаторда, анимистик, шомонлик, ислом маданияти ва шунинг билан бир қаторда достон ижро этилаётган даврдаги тасаввурлар ҳам қоришиқ ҳолда келишини кузатамиз. Достонларимиз шу даражада серқатламки, унда тарихнинг истаган бир даврига оид у ёки бу маълумотларга дуч келасиз. Замон эврилишлари, халқимизнинг тафаккур тарзидаги ўзгаришлар босқичмабосқич, бетакрор метафора ва тимсолларда ўзининг бадиий ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

Бизга маълумки, санъат ва мифнинг тили битта – рамзларга асосланади. Ҳар иккаласини ҳам рамзларни шарҳлаб ўрганиш мумкин.

Момоқалдириқни найза дея тушуниш бу мифларни яратган ибтидой аждодларимиз учун ташбех әмас, шундай тушунилган, қабул қилинганды. Халқ оғзаки ижодини тадқиқ этувчи бундай метод мифларни, рамзларни шарҳлашни инсон рухиятини тадқиқ қилиш билан бирга қўша олди. Гарчи ушбу метод ягона бўлсада, мифлардаги рамзларни шарҳлашда ҳар хил қараашлар дунёга келди.

Миф - инсоннинг фақат ўтмиши, аждодларнинг хаёлпаратлиги әмас, балки уларнинг кайфияти ва ўзи англаб етмаган, бироқ мияда сингиб ётган кечинма ва таассуротлари дидир. Мифга аждодларнинг жўн хомхаёллари ёки чўпчаклари сифатида әмас, инсон рухиятининг инъикоси сифатида қарааш зарур, шу сабабли ҳам миф ўтмиш садоси әмас, у кеча, бугун ва эртанинг мужассами, инсон рухиятининг манзарасидир. Миф одам билан бирга яшайди, одам яшар экан у ўзича миф яратади. Бироқ ҳамма ҳам ўз мияси яратган мифни “ўқийвермайди”.

Америкалик олим Эрих Фромм ҳамма билиши шарт бўлган умумий тил – рамзлар тили миф, умуман бадииятни шарҳлашда энг зарур ва ягона воситалардан бири дидир, дея таъкидлайди.

Бугун ибтидой давр деб баҳо бериладиган пайтларда аждодларимиз бизга қараганда юз карра шоирроқ бўлганлар. Минглаб йиллар аввал аждодларимизнинг тафаккур тарзи “поэтик мушоҳада” тарзида эди: улар ҳаётлари ва табиатдаги ҳар бир нарсани тасаввур қилган тушунчаларининг рамзи сифатида қабул қиласидилар. У пайтлар осмон, сув, кўкат, куёш, ой, ёруғлик ва зулматнинг жони бор деб тушунилган; кундуз ўрнини тун эгалларкан, эзгулик ва ёвузлик кураши кетаяпти деб ўйлашган.

Адабиётда мифологик тасвирга эҳтиёж ҳеч қайси замонда пасаймаган. Алишер Навоий асарларининг асоси мифга қурилган. Буюк шоир мифга ўз ғояларини, инсон ҳақидаги тадқиқот ва таълимотини сингдирди.

Миф ва адабиёт мавзуси ёзма ижод пайдо бўлгандан буён файласуфлар, олимлар, шоирларнинг энг қизғин мунозара майдони бўлиб келган. Мифнинг адабиётга таъсирини аниқловчи, таҳлил қилувчи турли-туман оқимлар пайдо бўлди; бу оқимларнинг бир қисми адабиётни реал ҳаётга, реал тасаввурларга яқинлаштириш, ундан мифологик тасаввурларни суриб чиқариш тарафдори бўлса, бир қисми адабиётни мифга яқинлаштириш масаласини кўтардилар. Инсоният ақли мифдан, мифологик оламдан, аждодларнинг илк ҳаёлий дунёсидан қанчалик узоқлашиб ва тараққиёт зиналаридан кўтарилиган сайин бу мавзу яна ҳам қизғироқ тус олди. Юксак техника тараққиёти асли бўлган XX асрда ҳам физика ва химиянинг ютуқларига қарамай мифология яна адабиётнинг асосий мавзусига айланди. Дунё адабиётининг дурдоналари ҳисобланган «Улис», «Ёлғизликнинг юз иили», «Кўргон», «Юсуф ва унинг биродарлари», «Педро Парамо», «Газаб ва Шовқин» каби асарлар буни тасдиқлайди. XVIII-XIX асрдаги танқидий, романтик реализмларни ўзлаштирган, инсонни ўрганишда ўзигача бўлган бой тажрибадан унумли фойдаланган XX аср адабиёти инсон дунёси ва рухиятини таҳлил қиласиди.

инсон рухияти ва қалбига кўпроқ яқинлашар, уни тадқиқ этар экан, ана шу рухият ва қалбда илк инсонлар дунёси каби мифологик тимсолларга дуч келди. Шундагина мифни фақат ифода усули, бадиийлаштириш воситаси сифатида эмас, балки инсонни таҳлил ва тадқиқ қилувчи поэтик тил сифатида қабул қилиш бошланди. Шу сабабли бугун миф ва адабиёт алоқаси ҳақида гап кетганда, бу алоқани фақат сюжетлаштириш ва тасвир усули, бадиийлик воситаси сифатида эмас, инсон рухиятини акс эттирувчи поэтик тил сифатидаги ўрнига катта аҳамият бериш керак. Зеро, Томас Манн, Франц Кафка, Жойс каби адиблар асарларида биз илгари кўниккан параллел мифик сюжетлар эмас, балки ички ва ташки оламдаги мифологик жараён моделининг яратилишига ургу берилган.

Умуман, XX аср адабиёти мифологияга янги муносабатни шакллантириди. Бу мифологияни тушуниш учун мифологияни талқин қилишда янги назарияни яратган психоаналитикларнинг инсон ва ижод жараёнлари ҳақидаги қарашларининг ўзиёқ мифологияни адабиётга, санъатга яқинлаштиради.

Шу сабабли ҳам бизнинг асримизда адабиётда мифлар маълум маънода янгиланди ва инсон рухиятига кириб борилган, унинг онг қатламлари кашф этилган, адабиёт ҳақиқий инсоншуносликка айланган сайин цивилизация янги бир чўпчак деб қараган мифга эҳтиёж шунчалик кучайди.

Миф, айтиш мумкинки, бадиий ижодда услуб имкониятларини кенгайтириди, поэтик мушоҳадага эркинлик берди, уни фалсафий кўлам билан тўлдириди. Маълумки, миф оламнинг яралиши, хаоснинг космосга айланиши, тартибсизликларга тартиб берилиши, умуман, дунё ва инсоннинг яратилиши ҳақидаги тасаввурлар йиғиндисидир. Хўш, бу тасаввурларнинг поэтик тасаввурга, асар поэтикасига қандай алоқаси бор?! Бу шу билан ифодаланадики, асарда ҳам мифдаги дунё каби ёзувчи дунёси яралади; яъни кенг олам ҳақида асарда фақат шу ёзувчига хос маълум ғоя сингдирилган ва шу ғоя ифода этилган дунё яралади. Ана шу кичик олам ёзувчининг катта олам ҳақидаги мифологик мушоҳадасининг маҳсулӣ ўлароқ пайдо бўлади. Мифни шунчаки қайтариш, баён қилиш – бу ҳали ижод эмас. Гарбда ҳам илғор адабиёт туғилишидан илгари мифларни шунчаки қайтариб ёки озгина ўзгартиришлар киритиб, мифологик руҳдаги асарлар эълон қилган ёзувчилар кўп бўлган, бироқ бу юксак бадиий адабиётнинг илк босқичи эди. Унинг юқори босқичи ёзувчи асарида, у яратган дунё моделида акс этади. Қадимги одамнинг дунёнинг яралиши, илоҳиёт, атрофни ўраб турган кучларнинг таъсирида туғилган тасаввuri билан ёзувчи яратган дунё тасаввури ўртасидаги мантиқий боғлиқлик мифологияни поэтикага айлантиришдаги энг муҳим жиҳатдир. Мифлар инсоннинг коинотдаги ўрнига маълум маънода жавоб берган, жавоб топган. Адабиёт эса ҳалигача бу масалага тугал ойдинлик киритганича йўқ. Бугунги адабиёт ҳам инсоннинг ўрнини ва вазифасини (миссиясини) аниқлашга уринар экан, табиий равишда мифлар билан уйғунлашади ва мифологик тафаккур қонуниятларига амал қиласди.

Сиз айтаётгандек адабиётдаги синтезлашув жараёни ҳеч бир даврда тўхтаган эмас, ҳали юқорида таъкидлаганимдек, у бир даврда чуқур ёки юзаки, паст ёхуд баланд бўлиши мумкин холос. Бугунги шеъриятда ҳам, насрда ҳам биз бу ўзгаришларни, ижодий ўзлаштиришларни кўриб турибмиз. Бу жараён, албатта, ҳар бир ижодкорда ўз имконияти, қобилиятига яраша амалга оширилмоқда.

Ҳар қандай ижодкор, ҳатто фольклор ҳақида тушунчага эга эмасман деб ўйлаган тақдирида ҳам онги, шуурида фолклорий анъаналар яшайди. Ўз ижоди давомида айримлари билиб, айримлари билмай ҳам шу анъаналарга суюнади. Яъни бадиий ижод жараёнини биз фольклордан айро ҳолда тасаввур эта олмаймиз.

Шу ўринда мен бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Ҳақиқатдан ҳам Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», «Асрга татигулик кун» каби асарларини ҳаммамиз севиб ўқиймиз. Айниқса, «Оқ кема» энг юксак мақомдаги бадиий асар билан бемалол беллаша оладиган, дунё адабиётининг энг нодир дурдоналаридан биридир. Мен ҳар гал бу асарни ўқиганимда, ёзувчининг маҳоратига тан бераман. Қирғиз халқи тарихи, тафаккури, тақдири билан боғлиқ асотирларга шу даражада чиройли сайқал берилганки, ундаги ҳар бир жумла, ҳар бир тимсол сизнинг руҳиятингизга таъсир этмай қолмайди. Бироқ ёзувчи кейинги асарларида ўз халқининг эмас, балки бошқа халқларнинг мифларига бадиий сайқал беришга уринди. Аммо кейинги уринишлари (бу албатта менинг шахсий кузатишим) олдингидай муваффақият олиб келмади. Бунинг сабаблари кўп, лекин энг муҳимларидан бири шуки, ижодкор қайси халқнинг вакили бўлса, унинг руҳиятида, шуурида, тафаккурида, бошқача айтадиган бўлсақ, онг ости кечинмаларида ўша халқнинг урф-одат, анъана, қадриятлари, бадиий тимсоллари тайёр кодлар шаклида турган бўлади. Чунки у ўша муҳитда ўсган, тарбия олган, шу тилда тили чиққан, «ғайб олами» билан ҳам шу тилда «гаплаша» олади. Ўз муҳитингиздан узоқлашсангиз, билингки, сизни кўк билан кўринмас иплар билан боғлаб турувчи макондан узоқлашган бўласиз. Кейин минг уринманг, сиз уни қайтиб топмайсиз, бошқа бегона муҳит эса сизни барибир ўзидан итариб тураверади. Ижодкорлик ўша йўқотилган, бой берилган, яширинган, бошқалар кўролмаган кодларни – миллий тимсолларни топиш ва бугун учун ҳикматга айлантира олишда кўринади. Ижодкор қандай жанрда ижод қилишидан қатъий назар, у қайси заминда, қанда маънавий маконда турганини, нимадан руҳий қувват олаётганини, тепиб турган юрак қони қандай аждодларга бориб туташишини унутишга асло ҳаққи йўқ.

Миллий фольклор тарғиботи борасида ҳеч ҳам нолийдиган жойимиз йўқ, айниқса, ўзбек фолклорини дунёга танитиш борасида. «Алномиши» достонининг ўзи мустақилликдан кейин рус, инглиз, немис, турк, уйғур тилларига таржима қилинди, Германия, Туркия, Хитой, Финландияда нашр этилди. Анқарада ўндан ошик ўзбек достонлари ўзбек ва турк тилларида чоп этилди, яна қирққа яқин достон нашр жараёнини кутмоқда. У ерда ўзбек эртак, достон, афсона ва ривоят, кўшиқ, мақол-мatalлари борасидаги

ҳамкорликдаги изланишлар давом этмоқда. Бу тадқиқотлар чоп этилиб, илм ахлиниңг эътироф ва ҳавасига сабаб бўлаяпти. Ўзбек фольклоршунослари дунёниң кўплаб мамлакатларида анжуманларда иштирок этиб, долзарб мавзуларда маъruzалар ўқиб келмоқда. Кечагина биз бирор-бир хорижлик олим билан танишишни ўзимизга шараф деб билган бўлсақ, бугун хорижлик мутахассислар ўзбек фольклоршуносларининг илмий қарашларига суюниб тадқиқотлар олиб бораяпти, уларнинг фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлаяпти. Фольклор асарлари асосида мултфильм, кинолар ишланаяпти, мунтазам телекўрсатувлар ташкил этилган.

«Ўзбек фольклори ёдгорликлари»нинг юз жилдлигини чоп этиш борасидаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Бу улкан мероснинг яхлит ҳолда чоп этилиши, ўйлайманки, республикамиз маънавий ҳаётида эришилаётган энг улкан ютуқлардан бири бўлади. Тўғри, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Бироқ бунга аста-секинлик билан эришилади. Ҳар ишнинг ўз вақти-соати бор.

Айбни болалардан эмас, катталарнинг ўзларидан излаш керак. Агар катталарнинг ўзи эртаклардан узоклашмаган бўлса, болаларнинг келажагидан хавотирланишга ўрин йўқ: олманинг тагига барибир олма тушади. От айланиб яна қозифини топади. Гап фақат ўша қоқилган қозикнинг нечоғлик мустаҳкамлигига.

Китобнинг қандай шаклда ўқилиши эмас, балки уни ўқишига, ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги муҳим. Бир пайтлар ҳамма нарса оғзаки тарзда бўлган. Юқорида айтганимдек, эртак ҳам, достон ва қўшиқлар ҳам оғзаки тарзда ижро этилган. Оғзаки ижод намуналарининг нашр этилиши ўз вақтида бу санъатни тамоман сўндиради деб қаралган. Бироқ китоб ҳолида чоп этиш жараёни қайсиdir даражада ҳалқ ижодининг янада оммалashiшига, яшаб қолишига ҳам хизмат қилмоқда.

Бугунги замоннинг шиддати тез, шунга яраша талаб ва имкониятлар ҳам кенгаймоқда. Бугун фарзандларимиз ўз ҳаётларини замонавий технологияларсиз тасаввур қила олмаётган экан, уларнинг талабларини ҳам инобатга олишимиз зарур бўлади. Қани эди юзлаб эртакларимиз, ўнлаб достонларимиз асосида ишланган мультфильм, кинолар, компьютер ва уяли телефон ўйинлари, электрон дастурлар ишлаб чиқилса! Ҳалқ ўйинларидан тортиб, эпос ижросигача барча оғзаки ижро жараёнининг аудио, видео тасвирларини истаган дўкондан харид қилиш имконияти бўлса! Бу бугун эҳтимол бир оз хом ҳаёлга ўхшаб туюлар, бироқ албатта, шунга келамиз. Чунки ҳалқ бўлишнинг, буюк бўлишнинг, глобаллашувнинг шафқатсиз талотумида ўз исми ва руҳи билан яшаб қолишининг талаби шу. Бунинг учун бизга ҳамиша фольклор ёрдамга келади, фольклор қутқаради.

«Алпомиш», «Гўрўғли» каби ҳалқ достонларини ўқитиши масаласига келсак, бир томондан эришган ва эришаётган ютуқлардан фақат қувониши мумкин, бошқа томондан олганда биз ҳали ҳам достонларни чўпчаклар сифатида талқин қилишда, шундай сабоқ беришда давом этаяпмиз. Усулни ва

услубни янгилаш керак, фолклордан чўпчак эмас, фикр ва ҳикмат излаш керак. Чунки у азал ва абад ҳақидаги энг буюк ҳикматдир.

Ютуқларга эришиш борасига келсак, ҳали қойил қиласиган, ғуурланадиган бирон нарсани дўйндирганимизча йўқ, деб ўйлайман. Бор-йўғи, фольклор деб аталган сирли, мафтункор олам сари юзланиб турибмиз, холос. Мен англаган нарса шуки, биз оёқ қўйиб турган тупроқ заррасидан тортиб, таъбир жоиз бўлса нафас олаётган ҳавомизгача, фарзанднинг туғилишидан то инсонлар ёшини яшаб, ошини ошаб вафот этгунга қадар бўлган барча жараёнлар, маросимлар, яшаш тарзимиз, онгимиз, фикримиз, тилимиз, куйимизу қўшиғимизгача барчаси айтилган-айтилмаган, тўқилган-тўқилмаган, ёзилган-ёзилмаган фольклор. Бизни фольклор ўраб турибди, заминимиз ҳам фольклор, осмонимиз ҳам. Олам ва ҳаётнинг ўзи фольклор. Фақат уни бахшилар ва ижодкорларга ўхшаб ўқий олишимиз керак. Дунёвий билимлар, адабиёт, умуман ҳар қандай санъат эшигига йўл мана шу миллий бойликни англашдан, ўзингга, рухиятингга сингдиришдан бошланади. Халқимизнинг ўзидай содда, ўзидай дошишманд, улуғ ва боқий бу мерос ўзбек деган номни ҳар ерда ва ҳар доим улуғлаб тураверади. Чунки фольклор деб аталган мерос халқнинг ҳамиша уйғоқ ва боқий тарихидир.

### **Назорат саволлари**

1. Фольклоршуносликдаги янги талқинлар ҳақида гапиринг.
2. Халқ қўшиқларидағи тимсолларнинг рамзий-мажозий хусусиятлари.
  3. Халқ достонларининг маъно қатламлари.
  4. Достонда майший маъно қатламишнинг эпик тизимдаги аҳамияти.
  5. “Алпомиш” достонини ижтимоий ва эзотерик маъно қатламлари асосида тушуниринг.
  6. Халқ достонларини ўрганишда эпос ва этнос масаласи.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ж. Эшонқул. Фольклор – миллатнинг боқий тарихи:// “Ёшлик” журнали, 2014 йил, 8-сон.
2. Турдимов Ш. Этнос ва эпос. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
3. Турдимов Ш. “Гўрўғли” достонининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Т.: Фан, 2011.

## **7-мавзу. Мумтоз адабиётни ўрганишнинг асосий муаммолари. Режа**

1. Мумтоз адабиёт бугуннинг нигоҳида.
2. Ўзбек адабиёт тарихини даврлаштириш тамойиллари.
3. Бадиий матн ва таҳлил муаммолари.

**Таянч тушунчалар:** мумтоз адабиёт, адабиётшунослик муаммолари, матншунослиқ, манбашунослиқ, даврлаштириш, бадиий матн, шарҳ, таҳлил ва талқин, ирфон, маънолар уйғунлиги.

Мумтоз адабиёт бугуннинг нигоҳида. Мумтоз адабий меросимизни ўрганиш бўйича олиб борилаётган изланиш ва тадқиқотлар натижаси, асосан, илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган мақолалар, монография ва рисолаларда ўз аксини топган. Улар хусусида фикр юритар эканмиз, кўнгилдан, аввало, шу давр мобайнида назарий жиҳатдан бақувват, янгиликка эга бўлган тадқиқотлар чоп этилдими? Адабиётта қандай янги топилдиқлар олиб кирилди? Чоп этилган илмий ишларнинг кўлами қандай, улар тадқиқот-тарғибот хусусиятига эгами ёхуд бир жойда депсиниб туришдан нарига ўтмаяптими, деган саволлар ўтади.

Масалага шу нуқтаи назардан бирқадар ойдинроқ ёндашилса, назарда туваётганимиз – ўтган йилги адабиётшунослик манзараси намоён бўлади.

Ўзбек мумтоз адабиётини тадқиқ этиш борасидаги энг муҳим тадқиқотлар, мақола ва тақризлар, асосан, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Шарқ юлдизи”, “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлиқ” журналларида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ҳамда илмий тўплам ва илмий конференциялар материаллари саҳифаларида ўз аксини топган. Шу ўринда “Маърифат” газетасидаги айрим мақолаларнинг илмий қимматини эътироф этиш муҳим. Чунки уларда чоп этилаётган мақолаларнинг савияси ва илмийлик даражаси журнал мақолаларидан қолишмайди.

Таъкидланган манбаларнинг ўзида юзга яқин мақола, мақола-тақриз, ахборот-мақолалар чоп этилган. Ўнга яқин китоблар нашрдан чиқкан. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, мазкур йилда чоп этилган монографиялар сони ўтган йиллардагига қараганда камроқ. (Буни ушбу йилда номзодлик, кўпроқ докторлик диссертациялари ёқланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.) Нашрдан чиқкан монографияларга таништирувлар, айниқса, таҳлилий тақризларга тез-тез кўзингиз тушади. Бу ҳам мумтоз адабиётшуносликка оид муайян бир йўналишнинг жонланганлигидан далолат.

“Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг илк сони Иброҳим Ҳаққулнинг “Навоий ва юонон адабиёти” мақоласи билан бошланади. Шарқ шеъриятида юонон адабиёти ва тарихига алоқадор образларга муносабат билдирилган бу мақола айрим мавҳум масалаларга ойдинлик киритади. Шунингдек, Нусратилла Жумахўжа, Дилором Салоҳий, Ҳасан Қудратиллаев каби олимларнинг мақолалари бу йилги адабиётшуносликда, айниқса, навоийшунослик ва бобуршуносликда алоҳида аҳамиятга эга. Шу ўринда

филология фанлари номзоди Қодиржон Эргашевнинг илмий ишларига тўхтаб ўтиш ўринли. Унинг масалага холис ёндашиши, қатъий илмий далилларга риоя қилиши, изчил тадқиқотлар олиб бориши эътиборни тортади. Жумладан, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналидаги “XVI асрнинг биринчи ярмида тарихий наср хусусиятлари”, “Янглиш талқинлар” деб номланган – илмда Навоий биографиясини ёритишда йўл қўйилган айрим чалкашликлар ҳақидаги мақолалари тадқиқот характерига эга. Ҳар икки мақолада ҳам муаллиф ўз хulosаларини ифодалаш учун кўплаб манбаларни қиёслаб ўрганган, ишонарли далиллар келтирган ва тўғри хulosалар чиқарган.

Кейинги йиллари изчил фаолият кўрсатаётган Иқболой Адизованинг мақолалари, асосли фикрлари билан муаммоларни тўғри англаб, ечимини тақдим этишга уринаётган Абдурасул Эшонбобоевнинг изланишларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. И.Адизованинг Фузулий, Увайсий, Нодира ижодий меросига оид мақолаларида янги талқинларга ўтиши бу борадаги ишлар кўламининг кенгайишига имкон беради. Тадқиқотчи А. Эшонбобоевнинг “Ўзбек иншо санъати” номли тақризи ёки “Навоий асарларининг илмий-танқидий нашри ҳақида”ги мақоласида бугунги куннинг энг оғриқли нуқтаси ҳақида тўхталиб, бу муаммони ўрганиш ва ҳал этишга даъват этилган. Бироқ сўнгги йилларда бир адабиётшунос кўтарган муаммога бошқаларнинг бефарқ бўлиши адабиётшунослигимизнинг бир ерда узок депсиниб туришига сабаб бўлмоқда. Масалан, 2012 йили бир илмий тўпламда профессор Ҳамидулла Болтабоевнинг “Ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш тамоиллари” деб номланган мақоласи чоп этилди. Конференцияда қизиқиш билан тингланган маъruzada бугунги адабиётшуносликнинг энг долзарб ва баҳсталаб муаммоси кўтарилди. Бироқ ҳанузгача унга акс-садо йўқ. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундай баҳсни давом эттириш, у ҳақда ўйлаш, аслида, ҳар бир адабиётшуноснинг иши. Баҳсталаб мақолалар керак бўлгани каби, уларга жавоблар бериш, муносабат билдириш пайти ҳам келди.

Яна бошқа бир мақолага эътибор қаратайлик. Адабиётшунос Рустам Тожибоев “ЎЗАС” газетасида чоп этилган “Вазн талаби ёхуд ғазалдаги ғализликлар хусусида” мақоласида матншунос ва манбашунослар зиммасидаги масъулият, мумтоз асарларнинг бугунги нашрларидаги муаммоларни ўринли ўртага ташлайди. Мақола муаллифи, матнни нашрга тайёрлаётган мутахассис ҳар бир шеър вазнини аниқлаб олиши ва уларнинг жорий ёзувдаги нашрда тўғри берилишига жиддий эътибор қилиши лозим. Қолаверса, вазнга эътиборсизлик оқибатида кўпол хатолар юзага келиши мумкинлигини матншунос доим ёдда тутиши зарур, деб, Комёб ва Ҳувайдо “Девон”лари нашрига оид камчиликларни кўрсатиб берган.

Тадқиқотчи Бобомурод Эралиевни жиддий изланишлар натижаси бўлган мақолалари – “Фарҳоднинг ташрифи”, “Тўрт қаср тарҳи” мақолалари тадқиқот характерига эга. Уларда масаланинг моҳияти ишонарли очиб берилган. Айниқса, ўртага ташланган масаланинг Румий асарларига боғлаб тушунтирилиши ёки Сизиф тимсоли ёрдамида қизиқарли ва қиёсий талқин

етилиши, қайсиdir жиҳатлари билан устоз Нажмиддин Комилов бошлаган йўлни давом эттираётганлиги кишида умид уйғотади.

Таҳлилий мақолалар ҳақида сўз кетганда, Олимжон Давлатовнинг “Навоий девонларида ишора санъати”, “Ажаб йўқ одамилиғни унутсанг” каби Навоий ижодий ниятини илмий, диний-тасаввуфий манбаларга боғлаб очиб берадиган мақолалари ҳам эътиборни тортади. Уларни тадқиқотчидан Навоий ижодини жиддий ўрганиш қанча кўп билим талаб этилишини кўрсатадиган яхши мақолалар қаторига қўйиш мумкин.

“Маърифат” газетасида чоп этилган Полвон Отабекнинг “Навоий ҳақидаги ҳакиқатлар” мақоласи ҳам жиддий таҳлилий мақолалардан. Унда Шуҳрат Сирожиддиновнинг кўпчилик эътиборини тортган “Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили” монографияси ўрганилиб, унинг бугунги навоийшуносликдаги ўрни ва аҳамияти хусусида фикр юритилган.

Тадқиқотчи Бурҳон Абулхайров эса “Миён Бузрукнинг ўзбек адабиётида тасаввуф масаласига оид қарашлари” мақоласида 20-30-йилларда ўзбек мумтоз адабиётини тадқиқ этиш билан жиддий шуғулланган адабиётшунос олимнинг ўзбек мумтоз адабиётига, хусусан, тасаввуф адабиётига муносабатини ўрганади, тадқиқ этади ва баҳолайди. Тадқиқотчининг бу йўналишдаги яна бир хизмати ишида кўринади. журналининг 5-сонида Е.Э.Бертельснинг “Бедил ҳақида мулоҳазалар” мақоласини нашрга тайёрлаб, чоп эттирганида кўринади.

Журналларимиз саҳифаларида қисман бўлса-да, танқидий руҳдаги мақолалар чоп этилаётганлиги хусусида юқорида ҳам таъкидлаган эдик. “Шарқ юлдузи” журналининг “Меросимизни ўрганамиз” рукнидаги Валижон Қодирова Ақрамjon Ваҳобовнинг “Бобурнома”даги таърих – муаммолар муаммоси” мақоласида “Бобурнома”нинг табдил – транслитерация қилинган нашрларида таърих санъати орқали ифодаланган саналарнинг бузилиши ҳақидаги фикрлар асосли кўрсатиб берилган. Унда матншуносликдаги жиддий камчиликлар очиб берилади. Бу борада иш олиб бораётган ноширларни ҳам, тадқиқотчиларни сергаклантиради, янги мақолаларни – изланишларни талаб этади. Бироқ, мақола муаллифлари ўртага ташланган муаммони 1989 йили чоп этилган “Бобурнома”га асосланиб ўргангандар. Бундай тадқиқотлар мукаммалроқ ва охирги нашрларга, жумладан, “Бобурнома”нинг 2002 йили Эйжи Мано танқидий матни асосида яратилган янги нашрига таяниб ўрганилганда, унинг илмий қиммати яна ҳам ошарди.

Мақола аввалида, бу йил адабиётшунослигимизга қандай янги топилдиқлар – манбалар олиб кирилди? – деган савол қўйилган эди. Бу масалада Афтондил Эркиновнинг “Навоийнинг муҳлислари томонидан тузилган яна бир девони” ва “Амир Умархон тухфаси”, афғонистонлик тадқиқотчи Ҳалим Ёрқиннинг “Низомий Ганжавийнинг туркий девони” мақолаларида янги топилган манбалар ҳақида маълумотлар берилади. Дунёнинг турли кутубхоналаридан ўзлари излаб топган бу манбаларга илмий баҳо берган мазкур олимларнинг ишлари таҳсинга сазовор.

Ўтган йили чоп этилган монография, рисолалар жумласига Нодирхон Ҳасаннинг “Яссавийликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат” монографияси, устоз Нажмиддин Комиловнинг “Маънолар оламига сафар, Ҳамиджон Ҳомидийнинг “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти”, турк олими Мустафо Эсоннинг “Тазкирадан биографияга”, озарбойжонлик Гулшан Алиева-Кангарлининг “Фузулийшунослик тарихи ва назарияси” монографиялари 2012 йили мумтоз адабиётимиздаги энг муҳим ва илмий қимматга эга китоблар деган фикрдамиз.

Айниқса, сўнгги икки тадқиқот нафақат янги манбалар билан бизни танишитиради, балки янги тадқиқ усууларининг ҳам кириб келишига йўл очади. Умуман, чет эллик олимларнинг ўз тадқиқотлари билан ўзбек матбуоти саҳифаларида қатнашаётганлиги ижобий ҳодиса. Жумладан, Республикаизга келиб, тадқиқот олиб бораётган Жанубий Корея давлати Сеул шаҳри, Донгдок хотин-қизлар университети профессори, Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси Инкёнг О,нинг мақолалари ҳам кўпчилик эътиборини тортди. “Ёшлиқ” журналида чоп этилган “Ўзини яратган қаҳрамон” мақоласида у “Жумўнг” ва “Алпомиш” достонлари орасидаги ўхшашликка эътиборни қаратгани бизнинг адабиётшунослик учун ҳам янгилик бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган йил чоп этилган мақолалар, китоблар ва бошқа тадқиқотлар мумтоз адабиётимизни ўрганиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги намойиш қиласида ва, айни пайтда, бу адабиётшунослик олдида турган, келгусида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

### **Ўзбек адабиёт тарихини даврлаштириш тамойиллари.**

Адабиёт тарихи инсоният тарихининг бир қисми сифатида тушунилади. Инсоният тарихи эса бир неча турларга: фуқаролик тарихи, давлатчилик тарихи, маданий тарих ва бошқаларга ажralади. Сўнгиси, яъни маданият тарихи санъат тарихи, шаҳарсозлик тарихи каби қисмларга бўлинади. Маданият тарихининг энг унумли соҳаларидан бири – санъат тарихидир. Бу тарих, ўз навбатида, санъатнинг турларидан келиб чиқиб: мусиқа тарихи, рассомчилик тарихи, ҳайкалтарошлиқ тарихи, рақс тарихи... қаторида *Бадиий адабиёт* (санъатнинг тури сифатида), яъни Адабиёт тарихига алоҳида эътибор берилади. Демак, у халқ маданий тарихининг ҳаракатдаги муайян бир қисми сифатида англашилади. Адабиёт тарихи илк бадиий асарлар(дастлабки оғзаки шаклда мифик тафаккур асосида яратилган)дан тортиб ҳозирга қадар ўтган адабий-бадиий асарларга, яъни адабий (кенгроқ маънода) маънавий меросга нисбатан қўлланилади.

Адабий асарлар якка шахслар томонидан яратилган бўлса ҳам ёзув ҳали шаклланмаган дастлабки даврда жамоавий характерга эга бўлган. Яъни бир истеъодод томонидан яратилган бадиият намуналари оғиздан-оғизга ўтиши билан бойиган, сайқалланган ва анонимлашган, натижада жамоавий характер касб этган. Шундай экан, адабий асарнинг яратувчиси бир шахс

бўлиши мумкин, лекин бадиий адабиётнинг яратувчиси бир киши бўлолмайди. Адабиёт халқ томонидан яратилади. Қайси халқ вакиллари истеъдодлироқ бўлса, улар ўз истеъдодига яраша кучлироқ (бадиий жиҳатдан) асарларни эртароқ яратганлар. Адабиёт тарихи, демак, жамият тарихи таркибида тушунилади.

Адабиёт тарихини ўрганишни енгиллаштириш, ҳар бир тарихий даврнинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш ва ўша замонда яшаган адаблар ижодини тўлароқ англаш мақсадида даврлаштириш тушунчасига мурожаат этилади, унинг истилоҳлари ва тамойиллари ишлаб чиқилади.

“Даврлаштириш” тушунчаси ёки бу тушунчани ташиган истилоҳ умумий тарихнинг бошқа соҳаларига нисбатан қўлланилгани каби адабиёт тарихига нисбатан ҳам қўпроқ қўлланиллади. Шунинг учун “даврлаштириш” дейилганда, унинг предикати сифатида (нимани?) миллий адабиёт тарихини (умуман, бадиий адабиётни эмас) даврлаштириш деб ишлатилади. Адабиёт тарихини даврлаштириш учун дастлаб адабий истилоҳларни белгилаб олиш, сўнгра эса даврлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқроқдир.

Маълумки, “даврлаштириш” тушунчаси асосида “давр” истилоҳи ётади. Биз “давр” деб атаган сўз “замон”, “вақт”, “муддат”, “фурсат”, “давомлилик” каби маъноларни англатади. Бироқ биз адабиётшунослар даврлаштиришга муносабатда “давр” атамасини фаол қўллаймиз, гўёки бошқа сўзлар атама даражасида илмий таомилга кириб келмаган. Хориждан ўзлашган сўзлар асосида рус тилида давр тушунчаси “период”, “эпоха”, “стадия” сўзлари орқали ифодаланибгина қолмай, бу ҳар бир сўз муайян маъно қамровидан келиб чиқиб, алоҳида атамага айланган. Мас., “период” нисбатан “кичикроқ даврлар”га нисбатан қўлланилиб, у қўпроқ йиллар, ўн йилликлар ва асрларга нисбатан ишлатилади. “Эпоха” ундан кенгроқ тушунча бўлиб, ўз таркибига бир неча асрларни (мас., эпоха средних веков – ўрта асрлар (яъни, бир неча аср маъносида) бирлаштирган. Ўзбек тилида эса бу тушунчани, яъни бир неча асрларни қамраб олувчи “эпоха”ни ҳам “давр” сўзи орқали англатамиз. Адабиётшуносликда «стадия» (айрим илмий асарларда «стадиальная общность») тушунчаси бор. Умумжаҳон адабиёти тарихининг муайян “даври”га нисбатан қўлланилиб, унинг доирасига античность (қадимги давр), средневековье (ўрта асрлар), Ренессанс–Возрождение –Ўйғониш (айрим тарихий манбаларда Интибоҳ) ва бошқа тушунчаларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Биз ўзбек тилида уни ҳам “давр” деб атаемиз: *анттик давр, ўрта асрлар, Ўйғониш (ёки интибоҳ) даври* каби. Демак, биз ўзбек тилидаги адабиётшунослик масалаларига муносабатда ҳар уч тушунчани бир сўз, яъни “давр” сўзи орқали англатамиз ва юқоридаги каби йилларга нисбатан ҳам (20-йиллар адабиёти), асрларга нисбатан ҳам (XX аср даври адабиёти) ҳамда “даврий умумлашма” (“стадиальная общность”ни мен шундай таржима қилдим, агар қабул қилинса, адабий истилоҳга айланар, қабул қилинмаса, ундан-да ишончлироқ бошқа калима топилар)га нисбатан ҳам биргина “давр” сўзидан фойдаланамиз.

Адабиёт тарихи даврлаштирилаётганда “давр” сўзи зиммасидаги ана шу истилохий “юк”ларнинг айирмасини белгилаб олмай туриб, даврлаштириш тамойилларини излаганда хатоликларга ёки камида чалкашликларга дуч келаверамиз. Албатта, ўзбек (кенгроқ маънода турк) тили бой тил, ҳар бир тушунчани аниқ ифодалай оладиган ўз сўзларимиз бор. Бироқ адабиётшунослигимизда ҳозирча *давр* фаолроқ қўлланилиб турибди. Пайти келиб, юқоридаги уч маънодан бири “замон” орқали, бошқаси “муддат” (ёки фурсат, он в.б.) орқали ўз ечимини топиши мумкинdir. Бироқ мен, умуман, адабиёт тарихини, хусусан, ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш тамойиллари ишлаб чиқилаётганда юқоридаги уч жихат ҳисобга олинишининг тарафдориман. Чунки ўзбек адабиёти тарихи ўзининг бой мероси билан нафақат туркий халқлар ёки Осиё, балки умумжаҳон адабиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шундай экан, умумжаҳон адабиёти тарихини даврлаштиришдаги сўнгги тамойилларга суюниб иш тутсак, ҳар ҳолда жаҳон адабиётшунослигидан кетда (ҳатто четда ҳам) қолиб кетмаган бўламиз. Демак, даврлаштириш тамойилларига ўтишдан аввал “давр” тушунчаси зиммасидаги бир неча маънолар (эпоха, стадия)ни ҳам ўзбек адабиёти тарихига нисбатан фаол қўллаш мумкин бўлишига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Чунки адабиётимиз тарихи қадимийлиги жиҳатидан ҳам, бойлиги ва истиқболи жиҳатидан ҳам бошқа халқлар адабиётидан қолишмайди.

*Давр (вақт жиҳатидан) чегараланиш.* Ўзбек адабиёти тарихининг даврий чегараларини аниқлашда бирор сиёсий воқеа ёки машҳур ҳукмдорнинг давлат тепасига келиши, инқилобий ҳодисалар асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқ эмас (бу борада ўнлаб тажрибалар қилинган, бу ўринда уларнинг барчасини келтириб, танқидий муносабат билдириб, сўнгра ўз қарашларимни ифода қилишдан тийиламан).

Ўзбек (турк) адабиёти тарихини даврлаштириш борасида Фуод Кўпрулу, Абдурауф Фитрат, Миёнбузрук Солиҳов, Воҳид Зоҳидов, Натан Маллаев, Холиқ Кўрўғли, Азиз Қаюмов, Бегали Қосимов ва бошқа устозларнинг бу борадаги таснифларини инобатга олган ҳолда, менимча, бадиий адабиёт тарихий даврларининг чегаралари ҳам *адабий ҳодисалар* асосига қурилади. Адабий ҳодисани юзага чиқарувчи объект адабий асар бўлса, унинг яратувчиси адабий сиймо ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай адабий давр мана шу икки тушунча билан боғлиқ ҳолда истифода этилишини назарда туриб, айрим *адабий асар* (мас., “Авесто” ёки “Кутадғу билиг”) ёки *адабий сиймо* (мас., Алишер Навоий даври илмий истилоҳда бор) давр тушунчасини белгилашда муайян рол ўйнайди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, адабиётимиз тарихининг дастлабки катта даврий умумлашмаси (европача айтганда, стадиальная общность) мумтоз адабиёт шакллангунга қадар (Ф.Кўпрулуга кўра, исломга қадар) кечган адабий ҳодисалар алоҳида ўрганилиши керак. Бунда энг қадимги даврлардан тортиб Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарига

кирган улуғ туркшунос олимга замондош бўлган адибларнинг асарларигача қамраб олиниш лозим.

Иккинчи даврий умумлашма сифатида *мумтоз адабиётнинг шакланиши ва тараққиёти* олинади, бу “Кутадғу билиг”нинг яратилиш давридан XX аср бошларигача, тўғрироги, “Падаркуш” драмасининг саҳнага чиқишига қадар давом этади.

Учинчи даврий умумлашма жадид (янги) адабиёти билан бошланиб (бошлангич асар номи юқорида тилга олинди) XX аср адабиётини тўла қамраб олган ҳолда, Истиқлол даври адабиётини ҳам ўз таркибига олиб ҳозирги кунга қадар давом этади. Бу *Янги адабиёт* умумий истилоҳи билан ўрганилади. Бу ўринда ҳар бир даврий умумлашма адабий-тариҳий даврларга бўлиниши мумкин ва лозимлигини унутмаслик керак. Постсовет худудларида марксча ижтимоий-иктисодий формациялар назариясидан узоқлашишни кўзда тутган “Адабий даврлар ўзгаришида поэтика категориялари” («Категории поэтики в смене литературных эпох»)(1) жамоа тадқиқотида “Европа худудига кирмаган адабий “майдонлар”ни ҳисобга олиш лозимлиги ҳақида гап боради. Унга кўра, фолклор анъаналари ҳукмрон бўлган, мифопоэтик адабий тафаккур асосига курилган, адабий “канон”лар ҳали яратилмаган даврларни алоҳида ўрганиш лозимлиги қайд этилган. Бу ҳолат турк (ўзбек) адабиётининг бошланғичига ҳам тааллуқли бўлиб, қатъий поэтик категориялар шакллангунга қадар кечган жараёнларни алоҳида ўрганиш назарда тутилди.

Барча туркий тилдаги манбалар ва жаҳон тилларидаги илмий адабиётларнинг тан олишича, ўзбек (туркий) мумтоз адабиётининг нисбатан шаклланган, эътироф этилган машҳур намунаси – “Кутадғу билиг”дир. Шунга кўра *мумтоз ёзма* адабиётнинг бевосита шаклланиш даврини Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғуний асарининг туғилишидан белгилаш лозим бўлади. Унинг умрини, тараққиёт даври эса *янги адабиётнинг* бошланиши ҳисобланган “Падаркуш” (Беҳбудий) драмасигача кечган давра тўғри келади. Чунки “Кутадғу билиг”дан “Падаркуш”гача яратилган барча адабий-бадиий асарларда юқорида тилга олганимиз белги-хусусиятлар мужассам этилган. Улар мумтоз адабий қонуниятлар ва категориялар асосида яратилган. Бу оралиқдаги асарларда тил бирлиги, ёзув бирлиги, адабий шакллар (наср ва назм) ва жанрлар бирлиги, ҳатто шеърий асарларда вазн бирлиги (аруз) ва ягона қофия тизими (араб ёзувидаги ҳарфлар ва ҳаракатлар асосига курилган) мавжуд. Шунинг учун даврлаштириш учун муҳим омиллар излаганда, *Тил бирлиги (давлат тили масаласи)*. Ёзув бирлиги (араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзуви). Эътиқод бирлиги (ислом). *Ифода шакллари (наср, назм) бирлиги*. Ёзма адабиётда (аруз – назм, нахв - наср) мавжуд жсанрлар бирлиги. Қофия тизими бирлиги. Поэтик воситалар бирлиги каби жиҳатларни алоҳида ўрганиш асосида даврлаштириш хусусида қатъий бир фикрга келиш мумкин (бу жиҳатдан биргина ҳудуд бирлиги доирасида тўхталаман).

*Худуд бирлиги (миллий адабиётнинг тарқалиши географияси).* Милоднинг V–VI асрларига келиб, туркий халқлар яшайдиган худуд ягона Турк хоқонлиги сифатида бирлашди. Бу худуд жанубда Ўрхун дарёсидан (Мўғулистон) то шимолий денгизларгача, ғарбда Идил (дарёси) бўйлари ва Ёйик (тоги) этакларидан тортиб Узоқ Шарқдаги Сахалин (саха-сақ-шаклар яшайдиган худуд)га қадар чўзилган макон экани эътироф этилган. Мана шу ягона маконнинг туб аҳолиси сифатида туркийлар тан олинган ва уларнинг тили ўзаро муомалада тушунилиши мумкин бўлган, бир оиласа мансуб бўлган туркий тил эканлиги алломалар томонидан исбот этилган (гарчи уни Махмуд Кошгарийга кўра, хоқоний туркчаси, гарбликларга кўра чигатой тили, XVI асрдан кейин давлат тепасига ўзбек қабилаларининг келиши билан ўзбек тили деб юритилган бўлса-да) айниятдир. Тўғри, ташқи урушлар, ички низолар, миграция в.б. таъсирида унинг чегаралари ўзгариб туриши мумкин. Лекин милодий VIII асрдан бошлиб туркий халқларнинг ота юрти сифатида Марказий Осиёнинг эътироф этилиши ва мана шу худуд туб аҳолисининг туркийлар эканлиги унинг тил бирлигини ҳам эътироф этишга олиб келади.

Юқорида айтилган фикрлар асосида ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИнинг тараққиёт даврларини қуидагича белгилаш мумкин деб ҳисоблайман:

**ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН АДАБИЁТ** (мумтоз адабиётнинг шаклланишига қадар кечган даврда яратилган манбалар, ғарб истилоҳи билан айтганда, доклассик давр).

Қадимги миф ва афсоналар. Халқ қўшиқлари.

“Авесто”

Ўрхун-Энасой обидалари.

**МОНИЙЛИК ва Буддавийлик руҳидаги адабиёт  
МУМТОЗ АДАБИЁТ**

Исломий руҳдаги маърифий-таълимий адабиёт.

Сомонийлар даври адабиёти

Чагониён адабиёти

Кораҳонлилар даври адабиёти

Салжуқлилар (хоразмшоҳийлар) даври адабиёти

Ғазнавийлар даври адабиёти

Адабиётга соғ санъат, санъаткорлик нуқтаи назаридан қараш.

Чингизхон истилоси даври

Олтин Ўрда адабий муҳити

Темурийлар даври адабиёти (бу ўринда Ҳиндистон ва Афғонистонда бобурийлар қурган марказлашган давлат ҳудудида ўзбек адабиёти ривож топганини ва бобурийлар салтанати бевосита темурийлар сулоласининг давоми экани назарда тутилади).

Хонликлар даври адабиёти (адабий муҳитлараро адабиёт)

Бухоро хонлиги (амирлиги)

Хива хонлиги

Кўқон хонлиги  
Мустамлака даври адабиёти  
Туркистон худуди  
Бухоро хонлиги (вассаллиги)  
Хива хонлиги (вассаллиги)  
**ЯНГИ АДАБИЁТ** (постклассик давр).  
Жадид (айрим манбаларда Миллий уйғониш даври) адабиёти  
Шўро адабиёти  
Истиқлол адабиёти

Табиийки, ушбу таснифда ҳам етарлича асосланмаган ёки тугал талқинини топмаган жиҳатлар бўлиши мумкин. Бироқ биз ўзбек олимлари энди “кутиб туриш позицияси”дан бироз олдинга силжиб, айни мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишларига умид қиласман.

**Бадиий матн ва таҳлил муаммолари.** Бевосита матнга диққатни қаратиш, уни тадқиқ ва таҳлил қилиш адабиётнинг барча мухим жиҳати, ўзига хос ҳолатларини ёритишга тўла-тўқис имкон беролмайди. Аммо у адабиёт илмини умумий, бир ёқлама, гоҳо фаросатсизларча тўқилган фикр-мулоҳазалардан ҳимоялаши шак-шубҳасиз. Зеро, ҳақиқий адабиёт – санъаткорлик завқи ила яратилган асардан бошқа бир нарса эмас. Унинг билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатишгина шахсий таассурот ва тасаввурни юзага келтиради. Бироқ ҳеч қандай адабий матн, муайян бир усул, тушунча ва ҳақиқатга таянилиб ўқилмагунча, ўз-ўзидан туйғу ва фикр уйғотолмайди.

Мукаммал асар матнини табиатга қиёслаш мумкин. У ҳам ўзига хусусий саволлар билан мурожаат қилинганда, факат ва факат ана шундай ҳолатда ўқувчига сир-асорини кенг очади. Шунда матн таҳлили аталмиш усулнинг афзалликлари, кўп нарсани юза ва чала билишдан ниҳоятда фойдали экани ҳам равшанлашади. Бундан ташқари, энг гўзал, энг оригинал адабиёт намуналарини ўжарлик ва ўзбошимчалик чангалидан қутқазишнинг бирchorаси ҳам матн таҳлилидир. Тарихий-қиёсий ё биографик методда бажарилган илмий ишларнинг афзалликларини қадрлаш яхши жиҳатларини албатта ривожлантириш керак. Куруқ инкорчилик, ёқимсиз бир чечанлик билан илмда ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Шу билан бирга илм-фанда очиқлик, янги изланишлар зарурлигига бепарво қолмаслик жоиз. Бизда поэтик матн тадқиқи дейилганда, асосан ғоя ва мазмундан баҳс юритиш, вазн, қофия, бадиий санъатлар хусусида сўзлаш тушунилади. Рости гап, бу бир қадар жўн қаноат ва қолиплашган тажриба. Ҳолбуки, чинакам таҳлил ва талқин матнда мавжуд ҳамма нарсани, ҳаттоки, ҳарф товушлари, оҳанг, ранг товланишларини ҳам маънолаштириш, муаллифнинг шахсий ҳолат, кайфият, руҳоний сезимлари билан алоқадорликда ёритишни талаб қиласми. Ахир, давр руҳи, замон нафаси, жамият дарди ҳам дастлаб ижодкор шахсига таъсирини ўтказиб, ундан сўнг асарларига кўчади. Шарқлик буюк шоир ва адаб борки, деярли ҳаммаси ўзининг нафс ва характеристига бир санъат асари янглиғ сайқал бериб, уни бутун шахсият ҳолига кўтарган. Мутасаввиф санъаткорлар учун

бундай шахсият орзуси инсоннинг башарий иродасини илоҳий ирода мақомига юксалтириб, уларни ўзаро бирлаштира олишидир.

Ажабланарли жойи шундаки, ҳанузгача бизда кенгроқ ўйлаб ҳам кўрилмаган бу мураккаб муаммо Ғарб шарқшунослигида ўтган асрнинг биринчи ярмидаёқ ўрганила бошланган. Диққатга молик сифатида улкан инглиз олими ва румийшуноси Рональд Никольсоннинг “Тасаввуфда илоҳий шахсият тушунчаси” номли тадқиқотини эслатиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу асар ҳақиқатда катта меҳнат ва билимдонлик билан ёзилган. Унинг Мансур Халлож, Имом Ғаззолий ва Жалолиддин Румийга бағишлиланган фасллари кишида кўп мулоҳаза, мушоҳада уйғотади. Аммо араб алломаси, Никольсоннинг содик шогирди Абул Аъло Афиғий устозининг китобларидан бирига ёзган мазмундор сўзбошида ўша тадқиқотнинг асосий камчлиги тўғрисида, “Муаллиф, бутун куч-куватини, христиан илоҳиётидан олинган шахсият тушунчасини умумлаштириш ва унинг муқобилини тасаввуфдан топишга сарф қилган. Ҳолбуки, христиан нуқтаи назари билан, ислом нуқтаи назари ўртасида жуда катта фарқ бор”, дейди. Айнан шу фарқ билан ҳисоблашмагани туфайли Алишер Навоий лирик қаҳрамонлари дунёқараш ва шахсияти ёритилган айрим тадқиқотларда шеърий матннаги асл моҳият ва ҳақиқатга ҳеч мувофиқ келмайдиган фикр-қараашлар илгари сурилган. Бунинг бош сабаби эса матннинг ғоявий-бадиий таркибини тўғри ва теран мушоҳада этмасдан рус адабиётшунослигидаги илмий-назарий тушунча ва хulosаларни унга татбиқ қилинганлигидир. Бунақа тажриба эҳтимол ўша замонларда зарур бўлгандир. Ҳозир эса унга ҳеч зарурият йўқ. Шахс ва шахсият комиллигини Навоий қандай англаб, қанақа миқёсларда талқин қилган бўлса, илмда худди шундай тарзда кўрсатиш лозим, вассалом.

Модомики, гап шахсият ҳақида экан, ижодий шахсиятга дахлдор бир ҳақиқатга ҳам тўхталиб ўтиш ортиқчалик қилмайди. Чунки, хусусий услугга соҳиб бўлиш – бу, хусусий бир шахсиятга соҳиб бўлиш демак. Масалага кенгроқ ёндашилса, ижодий шахсиятни ёрқин намоён айлайдиган аломат, туйғу ва тушунча эмас, балки услугдир, деган хulosага келинади. Ижодкор мавзу, завқ, гоҳо хаёлларнинг маълум бир қисмини бошқалардан олмоғи мумкин. Бу унинг улуғлигига асло монелик этмайди. Улкан санъаткорлар кўп мавзуларни ўзгалардан ўзлаштиргани адабиёт тарихидан яхши аён. Ҳамма гап, у ёки бу ғояни қандай шаклда англатиш, қандай ҳарорат ва моҳирлик билан тасвиrlаш, яъни услугдадир. Шунинг учун ижодиётида қатор ўхшашликлар мавжудлигига қарамасдан, Алишер Навоийнинг буюк ва қудратли шахсияти, услуби барча салафлари, замондош қаламкашлардан ажralиб туради. Унинг руҳий ҳаёти, шеърни руҳнинг тили, мусиқаси ҳолига етказиш маҳорати бутунлай ўзгача. Навоий шеърлари таҳлилида шуларни ёритишига уриниш зарур. Афсуски, қўпинча бунга яқин ҳам борилмайди. Бунинг сабаблари кўп. Биз улардан фақат айримларига эътиборни қаратмоқчимиз.

Мавлоно Жалолиддин Румийга кўра, “тадқиқ” бир ноқисликнинг тазаҳҳури саналади. Шу боисдан гўзаллик текширилмайди, қуруқ ва совук

бир мантиқ билан чайналмайди, балки кашф этилади. Бу алоҳида дикқатга лойиқ фикр.

Ғарб психологлари “эстетик түйғу” деб номлаган түйғуни Шарқ шоирлари одамнинг ўзида бўлмаган ёки унинг табиатига бегона гўзаллик түйғусини йўқдан бор қилишмас, аксинча, инсонда мавжуд гўзаллик ҳиссиётини уйғотиш, онг ва идрок остидаги латифликларни ҳаракатлантириш деб билишган. Ва ёзилган ҳар бир асар шунга мўлжалланган. Демак, хулоса аниқ: инсон моҳиятида гўзаллик түйғусига молик бўлмаса, санъат асари қаршисида у ҳеч ким. Адабиёт ва дин, фалсафа ва бадиий ижод, санъаткорлик ва тарихнавислик алоқаларини бехато фарқлашга ҳатто илм ҳам унга кўмак беролмайди. Мукаммал бадиий матн йўқ жойда – адабиёт йўқ. Адабиёт ва санъаткорлик йўқми, демак у бошқа бир нарса. Уни ўз номи билан аташ, ўз характер хусусиятларига мувофиқ усулларда тадқиқ қилиш керак. Жуда кўп соҳа вакиллари хусусий мақсадлари йўлида адабиётдан фойдаланишга уринишган. Жумладан, дин ва тасаввуф арбобларининг ҳам вазн ва қофиядан бўлак шеъриятга асло алоқаси бўлмаган диний-тасаввуфий асарлари бадиий матн мезонлари бўйича баҳоланмаса, мумтоз адабиётимизни хас-хошокдан асрар яқин йилларда жуда қийинлашиб қолади. Чунки бир хато ҳеч кутилмаган ўзга бир хатога ҳамиша замин ҳозирлаб, йўл очади. Биз истаймизми, истамаймизми, Шарқ адабиётида инсонни дунёга таҳқир ва нафрат кўзи билан қарашга чорлаган, банданинг ожизу нотавонлигидан баҳс этиб, тафаккур ва хурлик шуурини сўндиришдан ором топган қаламкашлар бўлган. Диний бир бадбинлик ва маҳдудлик излари ўзбек адабиёти тарихида ҳам назарга ташланади. Бундан ташқари, ботинийлик тушунчалари суқулиб кирган тасаввуф тармоқлари ва фалсафий тасаввуф ошуфтаси бўлиб қолганлар ҳабибийлик, воқиғийлик, авлиёйлик, ҳолия, илҳомия каби тариқатлар тарғиб этган мақсад ва ҳаракатлар инсон ахлоқи, маънавий мақсадларига нечоғлиқ мувофиқ келишини албатта ўйлай олишлари керак. Акс ҳолда, бир найрангдан кутулиб, ғайриихтиёрий равишда бошқасига тутилиш ҳеч гапмас.

Шўро давлатининг қитмирлик ўйинларидан бири Шарқ мумтоз адабиёти, санъати ва мусиқаси маъно-моҳиятини тарихий руҳи ва нафасига мувофиқ тарзда англашга тўсиқ қўйгани эди. Шу маънода иккита мисол келтирмоқчимиз. Дунёвий адабиёт деган тушунча ўзбек адабиётшунослигига қандай ва нима мақсадда олиб кирилган, деган саволга, бизнингча, бугун ҳеч ким аниқ жавоб беролмаса керак. Дунёвий адабиёт тушунчаси ҳам, атамаси ҳам дастлаб олмонлар орасида пайдо бўлиб, кейин бошқа ғарб ўлкаларига тарқалган. Дунёвий адабиёт, завқ ва ҳузур манбаи бўлмиш моддий ва зоҳирий оламни идеаллаштириб, ҳаётнинг дин билан, илоҳиёт билан алоқасини бутунлай узиш ғоясини илгари сурган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, дунёвий адабиёт дегани – бу, мумтоз шоирларимизнинг моддий дунёга муносабати. Ундан туғилган қалб ҳақиқатлари ва энг эътиборли ирфоний, ишқий ҳиссиётларини инкор этиш дегани. Модомики, шундай экан, Навоий ғазалиёти билан туркий тилда қалам тебратган устозлари

шөъриятини ғоявий-бадиий вобасталиқда түғри талқин қилиш мүмкінми? Бунинг иложи йўқ. Шунинг учун илоҳий ишқ завқи ва ҳолатлари тасвирланган ғазаллар таҳлили хатолар билан тўлиб-тошгандир. Аммоadolat юзасидан баҳоланадиган бўлса, бошқа жойлардаги аҳвол янада ёмон. Масалан, тасаввуфий маслак ва илоҳий ишқ сирларини ёритишга уринган бир китоб муаллифи Жон Белдек, “Илоҳий ишқ мавзусидаги шеърларни хато англаш ва нотўғри шарҳлаш юз йиллардан буён давом этиб келади. Ҳозирги кунда ҳам аҳвол аввалгидан фарқланган эмас”, дейди. Бу гапга ишонмок лозим. Алишер Навоийда шундай бир байт бор:

*Фигонки, ишқ ҳадиси дақиқ эрур андоқ,  
Ки, қосир ўлмиш ани англамоқдин идроким.*

Кўнгли муҳаббат оташида ловиллаб ёнган Навоийки, ишқ асрорини англашда қосирликни тан олган экан, ишқнинг моҳиятини ёришириб берувчи ҳол илмини четлаб, нима учун биз хаёлга келган гапларни ёзаверишимиз керак? Мустақиллик даври навоийшунослиги ўзини-ўзи муҳофаза қиласидиган даражада билим, ўзини-ўзи хато ва камчиликлардан кутқазадиган савияда ўтқир дид ва мушоҳадага эришмоғи шартдир. Бу қуруқ даъват эмас, албатта.

Йигирманчи аср бошларида мумтоз шеърият олтин тахтидан қулатилгач, асрий ҳақ-хуқуқини ҳам у бой берган эди. Унга қандай муносабатда бўлишни эса сиёsat белгилаб бергани ҳеч кимга сирмас. Партияйлик, синфийлик, дунёвийлик каби ғоядар шундан яралган. Даҳрийлик маслаги адабиётни дин ва тасаввуфдан йироқлаштирувчи хоҳлаган фикр-мулоҳазани айтишга изн берган. Бугун бизда мафкуравий кўркув ёки тазийқ йўқ. Классик адабий меросимизни энди шошилмасдан, эркин, теран ўрганишга йўл очилган. Лекин имконият ва имтиёзлардан тўла-тўқис фойдаланиш учун гоҳ талант ва илм чуқурлиги, гоҳо қилаётган ишимизга танқидий қараш етишмаётганга ўхшайди. Ваҳолонки, Навоийнинг биргина байтини ҳар жиҳатдан ўрганиб, зоҳирий ва ботиний маъноларини, санъатини қойиллатиб талқин этиш, ўнлаб ғазалларга битилган саёз таҳлиллардан афзалдир.

Машхур француз адиби ва мунаққиди Поль Валерининг эътирофи бўйича, “бадиий матннинг қиймати, ҳар шахсга кўра алоҳида бир тафсирга имкон бера олишидадир”. Дарҳақиқат, асосан шахсий бир фаолият ва ифода тарзининг ҳосили бўлган адабий асар ҳар бир ўқувчига айри-айри таъсир ўтказиши табиий. Айни бир матннинг ўзга муҳитда, ўзгача бир усулларда амалга оширилган талқинлари, айтайлик, бизницидан фарқланмайди деёлмаймиз. Аммо бир ҳақиқат аниқ: шеърда туйғу ва маъно фақат тил, шакл ва услуб орқали таъсирли бир мақомга келтирилади. Шу боис таҳлилда биринчи галда тил рухи ва сўз ҳаётига диққат-эътибор доимо ўзини оқлайди. Оқлагани шуки, рамз, мажоз, тимсоллар ҳам тил измидан четга чиқиб кетолмайди. Донишманд Хоразмий “Зоҳириу ботин хабари сўздадир” деганда тўла ҳақ эди. Тасаввуф ва тасаввуф шеъриятидаги ўзига хос янгиликлар ҳам

аввало тил кўмагида жорий қилинган. Хуллас, тасаввуф тарих майдонида қад ростлаб, ўз тилини шакллантиргач, юзлаб истилоҳ ва қалималар қатори ғам, алам, ғариб, ғурбат, васл, ҳижрон, дард, бало, сир каби кўпдан кўп сўзлар ҳам олдингисидан тамоман бошқа мақсад ва маъноларда ишлатилган. Навоийда шундай ғазаллар ва

*Кўнгил ичра гам камлиги асру ғамдир,  
Алам йўқлиги даги қаттиқ аламдир*

каби юзлаб байтлар борки, уларнинг тўғри таҳлил ва талқини учун ҳатто тасаввуф луғатлари ҳам ёрдам беролмайди. Бошқа чора, бошқа йўл топишни

Навоийнинг ўзи кўрсатади. Биз эса Навоийнинг ўзига қаттиқ суяниб Навоий шеърларини талқин қилишга ҳамиша ҳам амал этолмаймиз.

Баъзан шеър таҳлили ва талқинини мураккаблаштиришга не ҳожат бор, деган савол аралаш эътиrozлар эшитилиб қолади. Талқинни атайлаб мураккаблаштириш, таҳлилда ўтлаб кетиш, албатта, сунъийлик, албатта, бемаънилик. Бундай иш гоҳо ақл қосирлиги ёки қалб хасталигидан ҳам далолат беради. Лекин аслида, таҳлилнинг мақбул ё номақбул эканлигига шеърнинг ҳам роли бор. Ҳар қандай тадқиқотчи яроқсиз шеърни яхши ва фазилатли этиб кўрсатишга нечоғлик уринмасин, барибир, ҳеч натижага эришмайди. Бунинг акси бўлса-чи? Жаҳондаги бир қанча шеършуносларнинг эътирофлари бўйича, шеър камида икки маъно қатламига эга бўлмоғи керак. Туркиялик олим Ҳилмий Ёвуз ёзди: “Асосий масала бир шеърнинг бир эмас, бир неча бора қизиқиб ўқиши, бирдан зиёд шарҳ ва тафсирга имкон бера олишдадир. Агар шеър ўқиганингизда бир газета хабари каби биргина маъно чиқариш билан тўхтасангиз ва у бошқаларга ҳам айнан шу маънони англатса, билингки, у шеър эмасдир”. Биз газета хабаридан фарқланмайдиган шеърларни ўқийвериб, классикларимиз тажрибаларидағи кўп маънолилик сирларини очишга умуман уринмай қўйганмиз. Ваҳоланки, оғзаки тилга қараганда юксак, оҳангдор ва сербўёқ бўлган шеър тили сўзларнинг асосий маъноларидан кўпроқ ён маъносига суяниши, шу тарзда қалима илк мазмунидан узоқдаги бир маъно қийматига ҳам эриша олишини улар амалда қайта-қайта исботлаб кетишган. Маънонинг бешиги ҳам, эшиги ҳам илм-маърифат. Мұхаммад Фузулий туркий девонининг дебочасида: “Илмсиз шеър асоссиз девордир. Асоси йўқ девор беэътибордир”, деб ёзган. Навоийнинг олимлигини шоирлигидан, шоирлигини мутафаккирлигидан, мутафаккирлигини буюк ва бетимсол шахсиятидан ажратиб қўринг. Кўз ўнгингизда тамоман бошқа шоир пайдо бўлади. Ҳазрат Навоийнинг ижод олами, хусусан, санъатхонасига эркин ва ишонч билан интилишнинг бош йўли ҳам илмдир, ирфондир.

### **Назорат саволлари:**

1. Мумтоз адбиёт намуналарини таҳлил ва талқин этишнинг бугунги ҳолати, етакчи тенденциялар.
2. Ўзбек адабиёти тарихини даврлаштиришдаги асосий принциплар.
3. Мумтоз бадиий матнни шарҳлашдаги ютуқ ва камчиликлар.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Аверинцев С.С., Андреев М.Л., Гаспаров М.Л., Гринцер П.А., Михайлов А.В. Категории поэтики в смене литературных эпох. – М., 1994.
2. И. Ҳаққул. Бадиий матн ва таҳлил муаммолари / Бадиий матн ва таҳлил муаммолари китобида. –Т., 2012
3. Ҳ. Болтабоев. Ўзбек адабиёт тарихини даврлаштириш тамойиллари// Бадиий матн ва таҳлил муаммолари китобида. –Т., 2012.
4. К. Муллахўжаева. Мумтоз адабиёт бугуннинг нигохида.// Шарқ юлдизи. 2013. 3-сон.

## **8-мавзу. Мустақиллик даври адабиётидаги янгича изланишлар ва талқинлар.**

### **Режа:**

1. Мустақиллик даври адабиётининг мазмун-моҳияти.
2. Адабий жараённи ҳаракатлантирувчи, унинг мавқеини кўрсатувчи фаол асослар ва омиллар.
3. Замонавий адабий жараённи маҳсус ўрганишда тақозо этиладиган билимлар кўлами.
4. Истиқлол даври ўзбек адабий жараёнинг ўзига хос хусусиятлари.

**Таянч сўз ва иборалар:** адабиётшунослик, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқид, адабиётшунослик методологияси, поэтик тафаккур, адабий-назарий тафаккур, ҳақ таълимот, эътиқодий ёндашув, адабий жараён, тамойил, адабий-эстетик идеал.

Барча ҳалқларнинг сўз санъатига доир жамийки намуналари ўзлари мансуб даврлар адабий жараёнининг маҳсулидирлар. Шу ҳақиқатнинг ўзиёқ нафис маънавий муҳит, саъй-ҳаракат, иштиёқнинг, бадиий асар яратувчанликнинг ва айни соҳага қаратилган адабиёт илмларининг қанчалик сертаркиб, қамровдор, бардавом жараёнлигини етарлича идрок эттиради. Бироқ, кўп ҳолларда жамиятлардаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ўзгаришлар, ислоҳотлар, эврилишлар адабиётнинг тараққиёт равишига сезиларли таъсир этмай қолмайди ва у ёки бу даражада узлуксиз, бетўхтов кечётган бу адабий жараёнларнинг маълум тарихий муддат оралиqlари хамда ҳудудлари шартли даврлаштирилиб қаралиши мумкин.

“Адабий жараён” деган тушунчанинг мантиқ-моҳиятини кўп йўналиши ва барчаси сўз санъатига тааллуқли бўлган қатор-қатор фаолият соҳаларисиз тўла тафаккур этиб бўлмайди. Уни давр мобайнида яратилган ёхуд яратилаётган турли адабий турлар, жанрлардаги бадиий асарларнинг кўлами, устувор этик-эстетик тамойиллар, манзур бадиий, илмий намуналар миқдориу сифати билан характерлаш, тавсифлаш имкони бор бўлса-да, адабий жараён аслида яна кўплаб маънавий, поэтик-эстетик, илмий-назарий ҳаракатлари, ҳолат-ҳодисалари давом этаётган, собит бўлган нафис-адабий ҳаётдир. Инсон умрининг ҳар хил ёшидаги адабиётга яқинлик, сўз санъатининг тарбиятдаги мавқеи, оммавий китобхонлик, маҳсус адабий-филологик таълим, адабий ҳодисаларга муносабат, адабиётшуносликда масалалар, муаммоларнинг тадқиқ этилиб борилиши, ижод лабораторияларининг ўрганилиши, асарларнинг хилма-хил усуllардаги

тарғиботи сингари ишлар ҳам адабий жараённинг шакл-шамойилини ўзида мужассам этади.

Турли-туман поэтик, назарий қарашлар, тамойиллар, муносабатларнинг амал қилиши, маълум бир анъаналарнинг ҳукмрон яшashi, қатъий умумижодий қоидаларга риоятнинг барқарор туриши, баҳс-мунозараларнинг юзага чиқиши, янгича адабий-эстетик тенденцияларнинг пайдо бўлиши, адабий алоқалар, таъсирларнинг вужудга келиши адабий жараён табиатининг табиий белгиларидир. Ҳар қайси даврнинг адабий жараёнида бу каби ҳодисаларнинг қизғинлик мароми, кўринишлари, мазмуний сифати, натижалари хилма-хил ахволда бўлади.

Маълумки, деярли барча миллий адабиётларнинг тарихи ўрганилишда шартли ва нисбий равишда даврлаштирилиб кузатилади, тадқиқ этилади. Ана шу тариқа кўзда тутилган ҳар бир даврнинг атрофлича, кенг миқёсда ўрганилиб хулосаланиши ўша замон адабий жараёнининг таъриф-тавсифи, ундан олинган алоҳида-алоҳида ижодларнинг айрича ўрганилиши эса ўша тарихий адабий жараённинг мумтоз ҳосилаларини кейинги авлодларга маъқуллаб тақдим этиш демакдир. Албатта, бундай даврлаштиришда жуда кўп асослар, омиллар, сабаблар инобатга олинади. Жумладан, тузум, жамият ҳаётининг, ундаги тарихий, ижтимоий шарт-шароит, маданий, маънавий ҳолатларнинг аввалги ёки кейинги ҳаётий тарзлардан фарқланиши, жуғрофий ўзгаришлар, Ватан ҳудудларининг кенгайиши ёхуд торайиши, эл-юрт турмушидаги диққатга сазовор янгиликлар адабий жараёндан қайсиdir тарихий вақтни ажратиб қарашда жиддий эътиборга олинади.

Такрибан даврлаштирилган адабий жараёнлардаги ижод ва илм аҳлини авлодлаштириб қараш ҳам анчайин нисбий бўлиб, бунда ёш бобидаги тенглик, озми-кўпми яқинлик кўпроқ назарда тутилган бўлади. Бир адабий жараёнда, табиийки, турли авлодга мансуб ижодкорлар фаолият кўрсатишади. Жараёнда мавқе касб этаётган, поэтик, ғоявий-бадиий, илмий-назарий қарашларида, услублари, тамойилларида ўзига хос ифода йўсинларига мойиллик ҳамда ўзаро ҳамоҳанглик мавжуд бўлган ижод аҳлларини алоҳида адабий йўналиш, оқим, муҳит ёки мактаб сифатида ажратиб қарашларда эса адабиёт вакилларининг ёш ҳолат, хусусиятларига чукур эътибор қаратилмайди. Ва воқеликни, инсон моҳияти манзараларини акс эттиришнинг янги, бетақлид санъатий йўлларини, ифода шаклларини кидиришилик, хос хусусий услугу хоҳиши билан изланишилик, фарқли йўсинлар, мотивлар ҳамда усулларда ёзишлик адабиётнинг умумтараққиёт қонун-қоидаларига ҳеч қандай монелик қилмайди. Аксинча, адабий ижоднинг улкан шарт, хоҳиш ва тақозоларидан бири ҳам шудир. Ҳамма нарса ижодчи эътиқодининг теранлик ҳолатига, салоҳият даражаси ва

сифатига, иқтидорининг қайси таълимот, назариялардан озиқланиб яшашига, шахсий ва ижодий амалларининг ўзаро нечоғлик мутаносиблигига ва шу сингари талай шартлар, омилларга боғлиқ. Адабий истеъдод соҳибини тўғри шакллантириш, камол топтириш, унинг йўлдан тойиш-тоймаслигини таъминлашда, асарларининг қадр-қимматини холис, оқилона баҳолашда, халққа таратишда адабий жараённинг ўрни бағоят катта. Шоир Эркин Воҳидов “Қарздорлик”номли мақоласида таъкидлаганидек, “бир ёзувчининг адабиёт даргохига кириб, ундан ўз ўрнини олиши учун минг бир шарту шароитнинг тажассуми керак бўлади. Ўша минг бирнинг бири адабий муҳит ва бу муҳитдаги одамларнинг хайриҳоҳлигидир”.

Шу ўринда адабий жараён савияси, табиати, ахволотини таъминловчи, унда ҳамма вақт етакчилик лаёқати билан характерланувчи, адабий жараённинг умумбаҳоси ва умумтаърифига асос солувчи икки хил тафаккур тарзини идроклаб кўрмоқ лозим: бири – поэтик тафаккур тарзи, иккинчиси – адабий-назарий тафаккур тарзи. Якка адабий ижодчи, адабий мутахассис шахсиятида буларнинг иккиси ҳам мужассам қарор топган бўлади. Бирига мойиллик инсон қалбида қучлироқ бўлиб, бутун ижодий қувват шунга сарфланиши ёки инсонда икки тафаккур тарзи ҳам баравар такомил топмоғи, бир-биридан қолишмайдиган адабий, илмий-назарий натижалар бермоғи мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам бу икки маънавий фаолият тарзи якка шахсда бир-бири билан ўзаро инкор, раддияга киришмайди, балки бири бошқасини тўлдиради, бойитади, қувватлайди.

Дунёни, инсон моҳиятини хиссий-тасвирий қабуллашга мойилликнинг, хусусий хаёлот, таассурот, тасаввур, кечинмаларни санъаткорона тартибот қилиб, уни ўзгаларга тақдимлаш ниятининг, ғоялар, ҳикматлар, даъватлар мавжини қўпчиликка ўз қарашлари асосида уқтириш истагининг устуворлик қўринишлари ижодкор руҳиятида поэтик (адабий) тафаккур тарзининг ғолиблигидан далолатдир. Бу ҳолати унинг ботиний фаол илмий-эстетик идрок тарзини инкор этмайди.

Бадиий тасвир этилган ҳаётни, воқелик, манзарани, фикрлар, ғоялар, ҳаракатларни, шу каби ҳамма нарсаларни уларнинг аниқ ҳаётий асослари ҳамда бўлиши жоиз ҳақиқатлари билан муқоясалаш, бундаги мақсадга мувофиқлик, мутаносибликни, санъаткорлик даражаларини умуминсоний таълимотлар, санъат талаблари негизида таҳлил, талқин этиш, адабий ҳодисаларни баҳолаш, сўз санъати муаммолари, масалаларини тадқиқ этиш адабий-назарий (илмий) тафаккур соҳиблари – адабиётшуносларга хосдир. Айни чоқда, улар поэтик идрок тарзидан, бадиий асар яратишга уқувдан, бу хунар сир-асоридан мосуво эмаслар.

Хеч бир адабий жараённи бўйсунувчанлик руҳисиз тасаввур этиб бўлмайди. Яъни, адабий ижод ва илми адаб вакилларининг эътиқоди, дунёқараши, воқеликни тушуниши, санъатга доир қарашлари, ифода манералари, услублари нечоғлик хилма-хил бўлмасин, уларнинг барчаси умумбашарий ўлчов-мезонларга, минг йиллар мобайнида синалган санъат қонуниятларига, талабларига, тажриба ва анъаналарига суюнадилар. Сўз санъатига дахлдор фаолиятлар фаоллари, иштирокчилари ва муҳлисларининг ҳақ таълимотга таслимлиги, эътиқодда событилиги қанчалик оммавий, мустаҳкам бўлса, адабий, илмий натижалар шунчалик аҳамиятли, баркамол, яшовчан яралади. Инсониятнинг бутун тарихи шундан гувоҳлик берадики, қачон ва қаерда ҳақиқатларига – Яратганинг буюрганларига амал ва Унинг қайтаргандаридан қайтиш қизғин, кенг миқёсли кечган бўлса, у давр ва у ерда илм-фан, санъат, адабиёт, маданият ҳам юксак ривож топган. Қачон ва қаерда ҳақ йўллардан тойилса, ҳамма соҳаларда таназзул, залолат томон кетилган.

Тарихдан бўйсунувчанликнинг бошқа хил ўткинчи, мўрт-заиф, зарали кўринишлари ҳам кузатилади. Чунончи, муайян ҳукмрон тузум, жамият, мафкурунинг зўравон талабларига тобелик, мазкур сиёsat ҳукмдорлари, йўлбошчилари мадхи билан машғуллик адабиётни ўз ўзанидан адаштирган, ёмон оқибатларга олиб келган, адабий иллатлар кўпайган ва уларнинг асоратлари осон кетмаган. Ижод зиммасига ҳақиқатларига зид ифодавийлик юкланган жойда ёлғон ғоя, идеалларни кўллаш, маддоҳлик, маҳдуд манфаатларга ружу, адолатсизлик, сохта-сунъий санъатбозлик авж олади. Адабий жараёнга таҳдид солиш, зўравонликнинг, ҳақгўй ижодкорларни маҳв этишининг, зиёлиларни сиқув остида ушлаб туриш ҳамда ўзига итоаткорона хизмат қилдиришнинг, улкан йўқотишлар ва қанча ижодий заҳматлар зоелигининг тарихий мудҳиши далиллари собиқ шўро тузуми ҳаётида сонсаноқсиз.

Албатта, жамиятдаги ҳукмрон мафкура талаблари билан эътиқодий кўрсатмалар ва шу асосга қурилган санъат тақозолари, мажбуриятлари ўртасида хеч қандай тафовутлар бўлмаса, мавжуд йўлбошли сиёsat тамойиллари бадиий, илмий сўз эркинлигига, санъат, адабиёт тараққийсига асло раҳна солмайди, балки уларнинг равнақ топишига мўътадил муҳит барпо қиласи. Адабий ижодларни турлича оғишувлардан ҳимоялайди.

Адабий истеъодод – инсонга ато этилган саноқсиз моддий, маънавий имкониятлар, салоҳиятлар сирасидаги жуда эътиборли, парваришталаб неъматлардан бири. Унинг шаклланиши, юзага чиқиши, эътироф этилиши атроф муҳитнинг, маънавий иқлимининг таълими, тарбиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бошдан-охир ва ҳамма-ҳамма жабҳаси синов асосига қурилган фоний

дунёда инсоннинг бор имкони, қобилияти, аъзолари сингари, жумладан, тили, кўзи, дили, қулоғи, ақли, туйгулари каби унинг истеъоди ҳам икки йўлга йўллаб қўйилган синовдир. Унинг равшан камол топишида, рўй-рост баҳоланиши, алданиб қолмаслигида, ҳақ поэтик йўллардан адашмай боришида, тор, биқиқ манфаатларни ўзига зийнатлаб олмаслигида, санъатни қандайдир шахсий фойда воситасига айлантирмаслигида адабий муҳит ҳодисаларининг таъсирчанлик, йўналтирувчилик сифати катта аҳамиятга эга.

Кўп ҳолларда, айниқса, кейинги асрларда дунёнинг аксар адабий ижодчилари реализм ва турмуш ҳақиқати баҳонасида, ғарбона демократия пинжида умуминсоний ахлоқ, эстетика қоидаларига беписанд, азалий эзгу қадриятларга хилоф ижодлар билан машғул ўтмоқдалар. Муҳимни номухимдан, тўғрини нотўғридан, ҳақни ботилдан, эзгуликни ёзувлардан адашмай ажратишга уларнинг фаҳм-фаросати ожизлик қиласи. Баъзи тоифа санъатбозлар шон-шуҳрат, мол-дунё илинжида фаҳш, зўравонлик, босқинчиликни хурматлаб, зўр бериб тарғиб қилишга интилмоқда. Аввалги асрларда яратилган талай роман, қисса, ҳикоя, драматик асарларнинг ҳозиргача дунё миқёсида жаҳон адабиёти дурдоналари деб мақталиб келинаётгани ҳам сир эмас. Ўз ҳиссий таъсирлари билан инсон соф табиатини, унинг аслиятини издан чиқарувчи, уни турфа гуноҳларга, иффатсизлик, ҳаёсизликка, бемеҳрлик, тажовузкорликка бошловчи китоблардан бугунги авлодларимизни муҳофазалаш ҳам, ижодларида шундай адабий иллат-ҳаракатларнинг нуқси сезилаётган миллий адибларимизни танқидий баҳолаш ҳам кейинги йиллар адабий жараёнининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди.

Ҳамма ҳунар, қасб-кор, фаолиятнинг чинакам йўлини топмоқлик ва унда бўлмоқлик учун барча тушунчалар ҳамда нарса-ҳодисаларнинг асл ҳақиқатлари, инчинун, мезон-меъёр, танқид, танбех, мақтов, баҳо, талқин йўл-йўриқлари ҳам ҳақ таълимотдан билиб олинади, унга амал қилинади. Бусиз ҳеч бир ишнинг мукаммал бўлмоғи душвор. Тўғрими-нотўғрими, кўпчилик эътироф этишга одатланган хулосаларга кўр-кўrona эргашиб кетавериш, маълум бир пайтларда бўлсин, сўзга бўлган масъулиятни бўшашириш, ўзининг ҳаётдалигидан фойдаланиб илмий-назарий жамоатчилик вакилларига ўз ижодини имкон қадар маъқуллатиб қолиш, машхурлик ва шон-шуҳратга ғарқ яшашни зиёда орзулаш ҳақиқий адабиёт намояндаларига ҳеч қачон хос бўлмаган. Ижоднинг илоҳан ҳисоб-китоби бор амаллигини, унинг ибодат мақомида қабулланиши ёхуд қабулланмаслигини, солиҳ ё ботил бўлишини, фойдали ё зое кечиши мумкинлигини тааммул қилмай яшаш, йўлнинг ноқислигини англамай, ўз амалларига зийнатланиб қолиш залолат саналади.

Инсондан содир бўладиган ҳамма жисмоний ва маънавий саъи-харакатлар – бажарилган иш, айтилган сўз, муомала-муносабат ва бошқалар амаллар ҳисобланади. Шаръий таълим бўйича, ҳамма яхши-ёмон амаллар инсоннинг қалбига доирдир. Қалбнинг ҳолатига қараб амалларнинг мазмuni, сифати у ёки бу даражада бўлади. Инсоннинг оқил бўлмоғи, ҳамма нарсани, жумладан, ўз истеъдодини ҳам оқилона тасарруф этмоғи учун ақл берилган. Ниятлар, ишлар, тадбирларнинг ақл ила бошқарилиб, унинг тарозусидан ўтмоғи матлуб. Бироқ, ақл бу ҳали энг ишончли, энг охирги ва ишлар оқибатининг яхшилигига тўла кафолат берадиган чегара эмас. Ақл ҳақ таълимотга таслим ва толиб, доимий мурожаатчи бўлмоғи, инсонни шахсий ҳаёт ва ҳар қандай фаолиятда ҳақиқатга бўйсунувчан ушлаб турмоғи жоиз. Ақлга зиёда эрк, баҳо берилиб, ишлар тақдири фақат унинг ўзига топширилиб қўйилар бўлса, ҳамма нарсанинг пала-партиш, ағдар-тўнтар бўлиб кетиши турган гап. Ёки ҳеч бир ишнинг мукаммал сифатли бунёд бўлмаслиги тайин.

Эътиқод қоида, ўгитларига ҳар томонлама риоятгина адабий ижодлар унуми, самарасини камол топтиради, соҳибини тобора юксаклик томон бошлайди. Ижодда ҳам ботилдан, ширқдан, субутсизликдан муҳофазаланишнинг бошқа йўли йўқ. Ҳақ таълимот – сўз санъатининг ҳам ягона йўл-йўриқ манбаи, ҳамма макон ва замон адабий жараёнлари учун кувватли, салоҳиятли бўлган дастурул амали. Ўзбек миллатининг турли даври ва ҳудудида яшаб ўтган Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий, Бобур, Оғаҳий, Нодира, Увайсий, Бехбудий, Фитрат, Қодирий, Чўлпон сингари ўнлаб адиблари ижодидан шараф, ҳайрат ҳисларини таратиб турган бош сир-асрор ҳам уларнинг ана шундай қарашлар, мажбурият, масъулияtlар асосида қалам тебратганликлари, асл ҳақиқатларга садоқатлари, шаръий матнларга доимий мурожаатчи бўлганликлари боисидандир.

Афсуски, инсониятнинг, жаҳон фозилларининг катта қисми таълимот тушунчасини ғоятда тор тушуниб келади ёки қўпчилик қалбларни мафтун этган, ўзларининг фалсафий, интеллектуал, ахлоқий-эстетик идеалларини кенг зухур этиб, чукур қувватлаган машҳур қарашлар, назарияларни таълимот деб қабул қиласи, уларни ўзларига қатъий дастур, андоза қилиб олади. Ва аксар олимлар, ижодчилар ўша манбаларга ишларни тузатувчи, камолга элтувчи маёқ мисоли карайдилар, умр бўйи шундай таъсиrlар куршовида қолиб кетадилар. Ҳолбуки, дунёning жамийки донишлари томонидан битилган юзлаб бундай “таълимот”ларни ўзаро муросага келтирилиб бирлаштирилганда ҳам охирги, абадий илоҳий таълимотчалик ҳамма макон ва замонга, ҳамма миллат ва ирқ-табакага, ҳамма жамият ва фаолиятга салоҳиятлилик, қувватлилик уларда тажассум топа олмайди.

Уларнинг ҳеч қайсиси инсон тасаввур уфқини, идрокий имкониятини ҳақ таълимотчалик чексизлатишга қодир эмас, ишларнинг ҳақиқатга тўла муносиб бажарилишига мунтазам масдарлик қила олмайди.

Илмпарвар бу таълимот асл кўрсатмаларга мувофиқ келадиган, тўғри йўлдан тоймасликка мадад берадиган башарий ақл-заковатнинг ҳеч бир кашфи, ихтироси, ижод ҳосиласини, инсонга зарур ҳеч бир илм, фан, хунарни, ижодни, санъатни, уларнинг специфик хусусиятлари, шартлари, методлари, методолигиясини инкор этмайди. У янгиликлардан таъсиrlанишни, уларнинг тасарруф этилишини ман қилмайди, балки уларга тўғри муносабат, улардан тўғри баҳрамандликнинг васатий йўл-йўриклигини ўргатади. Ундагина тарафкашлик, бирёқламалик, қандайдир масала-жумбоқ қаршисида жавобсизлик, нарса, ҳодисот, амалларни диний, дунёвий деб айирмалаш йўқ. У бутун инсониятга ишларнинг барчасини ҳар зайл қусур, чекланиш, эгриликдан ҳимояловчи, баркамолликка кафолат берувчи амали умумий қоидалар, насиҳатлар мажмуини – илоҳий дастурул амални таклиф этади.

Адабий ижод ва илмларда ҳам таълимотни дастур тутиш зиммаларга диний мавзулар талқинини юклаш деган гап эмас. Таассуфки, бугунги дунёнинг кўп шоир, ёзувчи, драматурги, олим, мунаққид, китобхони масалани ана шундай ўта жўн, содда фаҳмлайди. Оқибатда оламу инсон, нобототу мавжудот фитрати, аслиятининг, нарса-ҳодисалар аҳволоти ҳикмати, ҳақиқатининг тубига етолмай юради, ғоявий-бадиий жозибадорлик сирларидан ғофил ижод қиласди. Ислом ҳеч кимга ҳеч қачон рухоний мавзу, масала, воқеаларни тасвирлаш мажбуриятини юкламайди ва бунга унинг мутлақо муҳтоҷлиги йўқ. У барча ишларнинг нияти, режаси, ижроси, ўлчови, талқинига уларнинг мантиқларини ва кўрсатмаларини билиб уддалашни, бошқача айтганда, асл ҳақиқатларга бўйсунувчи холислик, оқилликни – шаръий нуқтаи назарни талаб этади. Бундай олиймақом эътиқодий қарашлар, ижодий-эстетик принциплар, тажрибаларга эса ўзбек адабиёти тарихи ниҳоятда бой адабий-маънавий жараёндир. Замонавий-“дунёвий” адабий ижодчиликка шаръий-таълимотий дунёқараш асосида ёндашувнинг кейинги асрдаги ибратли мисоллари, масалан, лирик турда Чўлпон шеърияти, драматик тур ва публицистикада Беҳбудий, Фитрат асарлари, эпик турда Қодирий ижодиёти, хусусан, “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён” романларидир ваҳоказо.

Филологик таълим ўз даври, жамиятининг адабий ҳаётини, жараённинг ҳар хил жабҳаларида кечаётган ҳодисотни, турли тамойиллар мавқеини, долзарб муаммолар ва улар ечимиға қаратилган тадбирларни, янги асарларнинг савияси ҳамда қабулланиш ҳолатларини кузатиш, ўргана

боришни талаб этади. Жараёнда рўй берётган поэтик, назарий воқеликлар, баҳслар, муҳокамалар, тадбирлар, янгиликлардан давомли огоҳликсиз адабиётни тўлақонли ўрганиш, у ҳақдаги билимларни етарли ҳосил қилиш даргумон. Филологик иқтидорни мақсадга мувофиқ шакллантириш, бошқаришнинг шартларидан бири ҳам шудир. Бунинг учун эса сўз санъатига мунтазам дахлдор илмий-назарий қонуниятларни, адабиётлар тарихининг ёркин ҳодисалари, тамойилларини, эътиқод ва санъат талаблари муштариклигини, ҳамма масалаларга ёндашув сирларини, танқидий-мантиқий муносабатларни пухта-пишиқ ўрганиб бориб, мустақил фикрлаш малакасига эришмоқ даркор.

Асосий обьекти ҳозиргача яратилган ёки эндиликда эълон қилинаётган бадиий асарлар бўлган адабиётшуносликнинг етакчи соҳалари ҳамда қўшимча таркибий қисмлари хусусида муайян билимларга эга бўлиш ҳозирги адабий жараённи кузатиш, таҳлил этиш, у ҳақда маълум хуносалар чиқаришга ёрдам беради.

“Адабиёт тарихи” соҳанинг бутун ўтмишини унинг энг қадимги даврларидан бошлаб ботартиб ўрганади. Ўтмишдан яқин тарихга қадар яратилган ижод намуналари, уларнинг пафоси, етакчи ғоявий-бадиий хусусиятлари, ижодкорларнинг маҳорат даражалари, фаолият кўламларини тадқиқ этади. Адабий ижодлар, бадиий асарларнинг маълум бир миллат ёки миллатлар адабиёти тарихидаги, поэтик тафаккур ривожидаги ўрнини, замонавий қадр-қимматини тайин этади. Адабий анъаналар, тажрибалар ҳақида батафсил маълумот беради. Кўринадики, бу фан маълум маънода адабий жараёнлар тарихи ҳамдир. Шу узоқ кечмишнинг давоми бўлган ҳозирги адабий жараённи унинг ўтмишига оид зарур қимматли билимларсиз тугал идрок этиб, ўрганиб бўлмайди.

“Адабиёт назарияси” фани ўрганадиган барча масалалар бўйича керакли тасаввурга эга бўлмасдан туриб ҳам ҳозирги адабий жараённи тушуниш, англаш, тавсифлаш қийин. Маълумки, мазкур фан бадиий адабиётнинг ҳаммага бирдек тегишли энг умумий қоида, қонуниятларини ўргатади. Адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, ижод иши ва намунасининг ички қонуниятлари, образлилик ва образлар дунёси, турлар ва улардаги жанрлар табиати, ижодкор дунёқараши, ижодий методлар, услублар, адабий асар шакли, мазмuni, сюжети, композицияси, сўз санъатининг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи ва яна қатор масалалардан баҳс юритади. Шуларнинг барчасига оид тажрибалар такрор-такрор тасдиқлаган қоидалар, тамойиллар, усулларни таклиф, тавсия қиласиди. Айни муқимлашган, барқарор назарий

асослар татбиқисиз бугуннинг ҳам ҳеч қайси бадиий асарини тўғри таҳлил, талқин этиб, муносиб баҳолаб бўлмайди.

“Адабий танқид” моҳиятини, унинг заруриятлик, харакатлантирувчилик даражасини билиш замонавий адабиёт кайфияти, ҳолати, масалаларини ўрганишда янада мухим. Негаки, унинг марказий объектларидан бири ҳамиша адабий жараён ва ҳозирги кунда юзага чиқаётган бадиий асарлардир. У кундалик адабий ҳаёт муаммоларини, маънавий-эстетик мухитда кечаётган ҳодисаларни, катталар, болалар, кичкинтолйлар адабиётини, янги тушунча, ифодаларни, тажрибаларни таҳлил этади, улар қиммати, мавқеини тайин этади. Кенг жамоатчиликка эътиборли асарлар, янгиликларни баҳолаб етказади. Етук намуналарни тарғиб-ташвиқ қиласи, бўш-заиф асарларга илмий-танқидий муносабатлар баён қиласи.

Адабий жараён таҳсили адабий танқид асосларини, унинг тарихини, бугунги адабиёт намуналарига муносабатини ҳам билиб боришни, ундаги эътироф ва эътиrozларни мушоҳада этишни ҳам тақозо қиласи. Илмий-назарий асослилик, батамом холислик, беғаразлик ва оқилоналик, факат умуммаънавий манфаатларни кўзлаш – адабий танқид фаолиятида олий қоида. Уни қандайдир атайин мақташ, қоралаш, ўч олиш ёхуд ўзини кўрсатиш, кимларгадир ёқиши воситасига айлантириб олиш улкан гуноҳдир.

Чинакам мунаққид ҳақиқатларгагина таянади, унга хизмат қиласи, танқид-танбех меъёр, мезонларини ҳам ундан олади, хусуматли бўлмайди, гина-кудурат сақламайди. Кези келганда, ҳатто ҳамма мақбул санаётган нотўғри нарсаларга ҳам, керак бўлса ва ҳақиқат ифодаси талаб этса, ўз-ўзига ҳам қарши боради. Ўзгача ғаразлар билан қилинган танқид эса турли низо, келишмовчилик, тарафкашлик сингари аянчли мусибатларни келтириб чиқаради. Шўро даври адабий мухитида соҳанинг нақадар ваҳмкор восита-куролга айлантирилгани, кўп ҳолларда бундай йўсинларнинг инсонлар ҳаётига хавф солгани маълум.

Кўпчилик ижодкорлар, олимлар адабий танқид фойдасини ҳамон ҳис этишмайди, улар ҳамон адабий танқидга маънан тайёр эмаслар. Демак, адабий жараён ҳодисаларини теран идроклаш, улар борасида ҳаққоний хулосалар чиқариш учун барча ижобий ва танқидий қарашларга bemuloҳаза кўшилиб кетавериш ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Адабий танқиднинг асл мақсад, вазифаларидан, ижодни текшириш усууларидан, унинг бўлиши лозим бўлган мақомидан ва унга ижодкорларнинг нечоғлик тайёрлик ҳолатларидан воқиф бўлиш ҳам ҳозирги адабий жараённи ўрганишда жуда аҳамиятли.

“Ҳозирги адабий жараён”га тегишли билим, тасаввур, қарашларни ойдинлаштиришга яқиндан ёрдам берувчи яна бир илмий соҳа бор. У

“Адабиётшунослик методологияси” деб аталади. Адабиётшунослик дарслик ва ўкув қўлланмаларида у баъзан мазкур фаннинг таркибий қисми сифатида тилга олинади. Аммо кўпинча унга батафсил таъриф-тавсиф берилмайди. Эҳтимол, бу “Адабиётшунослик методологияси”нинг олий адабий таълимда магистратура босқичи ўкув режасига киритилганлиги туфайлидир.

Ўзбек адабиётшунослигига ҳозирга қадар соҳа методологиясига бағишлиланган на бир дарслик, ўкув қўлланма, на бир рисола маҳсус ёзилган эмас эди. Филология фанлари доктори Баҳодир Каримовнинг “Адабиётшунослик методологияси” номли филолог-магистрлар учун мўлжалланган ўкув қўлланмаси (Тошкент, “Мухаррир” нашриёти, 2011 йил) адабиётшунослик методологияси, методлар моҳияти, тарихи, асосчилари, методологик талқин хусусиятлари юзасидан, соҳанинг обьекти, унинг биографик, социологик, формал, структурал, психологик, лингвистик, қиёсий-тарихий методлари таснифидан, методлар ҳамда герменевтика таълимоти имкониятларидан равshan ҳабардор қилувчи биринчи қўлланма бўлди.

“Адабиётшунослик методологияси” адабиёт назариясида ўрганилувчи бадиий ижоднинг қонуният, категорияларини тасарруф этган ва бошқарган ҳолда илмий тадқиқот усулларининг аниқ тарихий-адабий жараёндаги муҳим тамойилларини белгилайди, адабий ижодга, бадиий намуналарга, адабий-илмий асарларга, бадиий матнга обьект сифатида қараб, қўйилган мақсад-вазифанинг ҳақиқатга мувофиқлик даражасини илмий-методологик аниқлайди. У бевосита адабиёт мутахассиси, адабиётшунос олимнинг адабий-илмий матнни энг тўғри идрок этиши, англаши ва ўзгаларга тушунтириши тўғрисидаги ҳақиқатларга қаратилган илмдир.

Айни фан ўтмиш ва ҳозирги замон адабиётини таҳлил этиш, баҳолашнинг ишончли тамойиллари, илмий усуллари хусусида ҳам баҳс юритадики, унинг қатъий тушунчаларидан, дунё адабиётшунослигининг илғор методлари моҳиятидан, ибратли таҳлил тажрибаларидан, тадқиқий соҳалар қаршисида турган илмий текшириш муаммоларидан ҳабардорлик кундалик адабий воқеликни ўрганишга ёрдам беради.

Ҳозирги адабиёт мароми, мақомини, табиати, тамойилларини, ютуқ, камчиликларини ўрганишда, шунингдек, адабиётшуносликнинг қўшимча таркибий қисмлари саналувчи “Адабий манбашунослик”, “Матншунослик”, “Библиография” соҳалари мазмун-моҳияти, аҳамиятини ҳам эътибордан четда тутиб бўлмайди. Умуман, адабий илмлардан воқифлик ҳозирги жараённи ўрганишда яна шунинг учун зарурки, уларнинг барчаси кузатилаётган обьектнинг – бугунги адабий ҳаётнинг мунтазам ҳаракатдаги иштирокчилари ҳамдир ва адабиётшунослик доирасидаги бу барча фанлар

бугунги адабиёт билан, бир-бирлари билан боғлиқ нуфузда фаолият юритадилар.

Шундай қатор асосларда ва ўзаро бир-бирини тақозо этувчи билимлар кўмагида ёндашувсиз ҳозирги адабий жараён ҳодисаларидан жуда керакли маълумотларни саралаб олиш, улар хусусида тегишли хулосалар чиқара билиш, самарали таҳлилларга эришиш, оқил тасаввур, фикрлар барпо қилиш, адабий-назарий тафаккурни бойитиш, манфаати айрича асарларни ажратиш, улар тарғибини ўзгаларга таратиш мушкул.

Мустақиллик йилларида адабиётимиз ва унинг илмлари талай тазииклар сунъий ғоялар, кўрсатмалардан, ижодий маҳдудлик, тарафкашлик сингари иллатлардан қутиди. Ўтмишни, аҳолининг бой қатламини гумонлар ила қоралаш, исломий ахлоқ, қоидаларга нописандлик, бугунни мозийга қарши қўйиш, ҳукмон ғояларни зиёда мақташ, инсонний манзараларни юзаки тасвираш каби бирёқламаликлар барҳам топди. Собиқ тузумда узоқ йиллар ҳукм сурган барча хато адабий-назарий қарашлар ва талқинларнинг танқиди, оммавий идроки юзага чиқди. Деярли ҳамма фаоллари, хайриҳоҳлари қатағон этилган, аслида ҳақиқатлар талқинига лиммо-лим адабиёт яратган, ўқилиши ва тарғиботи ман этилган жадид адабиёти қайта баҳоланди, тикланди. Улар номлари, асарлари миллат тарихидан ўз ўрнини эгаллади.

Истиқбол даври ўзбек адабиётининг янгича тамойиллар, анъаналар, янгича поэтик, фалсафий-эстетик тафаккурлар адабиёти эканлигига асло шубҳа йўқ. У бизга замондошлигига кўра ҳам шартли равища “Ҳозирги адабий жараён” сифатида маҳсус ўрганилишга ҳақлидир. Унинг ўзига хослиги тасдифини эса, узоқ тарихга бормай, уни яқин ва собиқ шўро даври адабий ҳаёти билан қиёслаш орқали ҳам чуқур англамоқ мумкин. Фақат ўзимизнинг шу замонга мансублигимиздан келиб чиқиб эмас, эркин бадиий, илмий сўз имкониятларининг вужудга келиши, ижодий тафаккурнинг ўсиши, ўтмишга, инсон омилига қарашнинг ўзгариши, истиқбол ҳақидаги хаёлотнинг ўнгланиши ва бошқа қатор янгиликлари нуқтаи назаридан ҳам уни аввалгидан алоҳида ажralиб турувчи жараён деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Хеч бир толиби илм, сўз санъаткори ёки адабиётшунос ҳозирги даврда ўзига замондош адабий жараённи унинг бор шакл-шамойили, пасти-баланди, ҳамма воқелиги, бутун манзараси ва мазмуни билан доимий муфассал танишиб боришга улгурмайди. Бунга – микдор, сана, ҳажм, саноқ ортидан қувишга уринишнинг беҳудалик эҳтимоли кўп. Ҳозирги адабий жараён таълимида ҳам мақсад ва вазифалар ундаги энг эътиборли хосликлар, янгиликлар, тенденциялар моҳиятини, диққатга сазовор ижодлар, асарлар

мазмунини, улар савияси, аҳамиятини, адабиётшунослик намуналарини, соҳага доир масалалар, муаммолар бобидаги қарашлар, баҳслар, изланишлар маромини изчил билиб боришни талаб этади.

Зотан, сермиқёс кузатувни, ҳушёр саралашни, анъаналарга таққосни, янгичалик идрокини, хилма-хил ёндашув усууларини, илмий-танқидий қарашни, таҳлилталааб мурожаатни мавжуд адабий жараёнчалик тақозо этувчи адабий ҳаёт йўқдир. Негаки, у қадим ҳамда яқин ўтмиш адабиётнинг мустаҳкам анъаналарини давомлатаётган, жаҳон, борлиқ, инсон зоҳирию ботинига янада синчков тафаккур ила назар солаётган, ҳалқнинг руҳияти, турмуши, орзумони, муаммоларини, исломий ҳақиқатлар, тасаввуфий туйгулар, модернистик мотивларни бадиий тадқиқ этаётган, тўқимавий, тарихий, маърифий, детектив, фонтастик сингари йўналишлар имкониятини кенгайтириб бораётган, илмий-назарий, адабий-танқидий тадқиқотчилик, турли шакллардаги таржимачилик ва бошқа адабий ижодлар, фаолиятларни қизғин давом эттираётган кўп авлодли, ранг-баранг услубли, муваффақият ва муаммолари кўз олдимизда кечеётган сермаҳсул жараёндир.

### **Назорат саволлари**

1. “Адабий жараён” тушунчасини тавсифланг. Унинг маконий қамровини, замоний узлуксизлигини тушунтиринг.
2. Қандай асосларга кўра адабий жараёнларни нисбий даврлаштириб ёки алоҳидалаштириб қараймиз?
3. Адабиётшуносликнинг таркибий қисмларини таснифланг ва тавсифланг. “Хозирги адабий жараён”ни мутахассислик таълими нуқтаи назаридан билишда уларнинг қандай аҳамиятлари бор?
4. “Поэтик тафаккур”, “Адабий-назарий тафаккур” истилоҳларини изоҳланг ва муайян адибларнинг ижодий салоҳиятлари мисолида айни тафаккур тарзларининг кўринишларини далилланг.
5. Мустақил фикрланг ва тушунтиринг: “адабий жараён”, “адабий мухит”, “адабий мактаб” деган тушунчалар ораларида қандай ўзаро муштарак хусусиятлар ва қандай маъновий фарқланишлар мавжуд?
6. Ҳозирги ўзбек адабий жараёнини мустақилликдан аввалги маълум бир давр адабий ҳаёти билан таққосланг. Бадиий талқин, уни баҳолаш, танқидий таҳлил, назарий қараш масалаларида қандай фарқли ҳолларга дуч келдингиз?
7. Адабий танқид моҳияти, унга эҳтиёжни, мунаққид масъулиятини уларнинг бугунги ҳолати ва мисоллари асосида баён қилинг.

8. Ҳозирги ўзбек шеърияти, насри ёки драматургиясидан қайси ижодларни кўпроқ кузатиб бормоқдасиз? Уларнинг ютуқ ёхуд камчиликлари нималарда кўринади?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
3. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. – Тошкент: 2004.
4. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
5. Жаҳон адиллари адабиёт ҳақида. – Тошкент: Маънавият, 2010.
6. XX аср ўзбек шеърияти антологияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007.
7. XX аср ўзбек ҳикояси антологияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2009.
8. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. Филолог-магистрлар учун ўқув қўлланма. – Тошкент: Мухаррир, 2011.
9. Каримов Ҳ. Истиқлол даври адабиёти. – Тошкент: Янги нашр, 2010.
10. Мирқосимова М. Ҳозирги адабий жараён. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2008.
11. Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Қаҳрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2012.
12. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006.
13. Қуронов Д., Мамажонов В., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Академнашр, 2010.

## ГЛОССАРИЙ

**Когнитив тилшунослик** когнитив фаолият тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Когнитив фаолият инсоннинг бирор нарса ёки воқеликни идрок этишини амалга оширувчи тафаккур жараёнидир.

**Концепт** – лингвокультурологик тадқиқотларда айнан концептнинг ифодаланиши муаммоларига жуда катта эътибор қаратилмоқда, интернет материалари билан танишганда, масалан, Россиядаги тилшуносликларда бу йўналиш ниҳоятда кенг тарқалганини кўриш мумкин, бу борадаги ишларни санаб, саноғига этиш ҳам мушкул. Ҳатто сўнгги йилларда ёқланган номзодлик диссертацияларининг жуда катта қисми айнан у ёки бу тилда концептнинг лингвокультурологик тадқиқига бағишлиланган.

**Фрейм таҳлили** – ҳозирги вақтда когнитив тилшуносликда кенг тарқалган методлардан бири ҳисобланади. Лингвокогнитологияга кўра, ҳар қандай матн маълум бир фрейм ифодасидир. Фрейм назариясини яратган олимлардан бири М.Минский унга шундай таъриф беради: “....фрейм – стереотип вазиятларни намоён қилиш усулларидан бири ҳисобланиб, ҳар қандай фреймда кўпқиррали ахборот ўзаро боғланган бўлади”. Бинобарин, фрейм у ёки бу типик вазиятнинг кенг ҳажмли прототипи бўлиб, матн яратилиши жараёнида когнитив контекст вазифасини бажаради. Бу ўринда шуни ҳам айтиш лозимки, матн яратилиши тадқиқида когнитив тузилмалардан бири бўлган гешталт ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳозирги тилшуносликда мавжуд бўлган *семантик гешталтлар назарияси* тилнинг луғавий сатҳини ўрганишга татбиқ этилган. Гешталт ҳодисасини матн билан боғлаб ўрганувчи тадқиқотлар сони эса жуда оз. Ваҳоланки, ҳар қандай матн яратилиши “бутундан – бўлакка” жараёнини акс эттиради. Проф. Ш.Сафаров фикрига кўра, гешталт ва матн яратилишини узвийлиқда тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

**Психолингвистика** соҳаси XX асрнинг 50-йилларида психология ва тилшунослик фанларининг ҳамкорлиги натижасида юзага келган. Психолингвистиканинг асосий тадқиқ обьекти нутқий фаолият субъекти бўлган шахс, тил эгаси ҳисобланади. Рус тилшунослигига мазкур соҳа ривожига катта ҳисса қўшган А.А.Залевская психолингвистиканинг вазифаси ҳақида ёзар экан, “тилнинг амал қилишини психик феномен сифатида тавсифлаш ва тушунтириш” ушбу соҳанинг асосий мақсади бўлиши кераклигини таъкидлаган эди .

**Лингвокултурология** – “тил ва маданият”нинг узвий алоқадорлигини, унинг шаклланиши ва ривожланишини ўзида акс эттирган ҳодисалар – тил-маданиятни биргалиқда ўрганадиган алоҳида илмий соҳа саналади. У маданиятшунослик ва тилшунослик фанлари ўртасида юзага келган умумлашма фан бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлиги, бу боғлиқликнинг шаклланиши ҳамда яхлит бир система сифатида тил ва тилдан ташқарида акс этиши каби ҳодисаларни ўрганиш

билан шуғулланади. Бир томондан лингвокультурология инсониятнинг маданий тил факторидаги ўрни, иккинчи томондан эса, тил факторидаги инсоннинг ўрнини ўрганади.

**ГЕШТАЛЬТ** «гештальт» олмонча гесталт образ, структура, яхлит шакл сўзидан олингандигини эътиборга олсак, ушбу тушунча руҳий тузилмалар, образларнинг ўзига хос яхлитликни таъминловчи белги ва хусусиятларининг умумлашмасини англатади. Гештальт назариясининг асосчиларидан бири Макс Вертхаймер (1880 -1943) ушбу муаммони куйидагича баён қилган эди: «... мавжуд боғликлар асосида юзага келадиган яхлитлик (умумийлик) аввал алоҳида бўлаклар кўринишидаги элементларнинг кейинги жамланишидан иборат бўлмасдан, балки ушбу яхлитликнинг ички структурав(ий) қонуниятлари билан белгиланади» (Вертхаймер 1987: 6). Демак, воқеликни идрок этиш ва руҳан хис этиш яхлитликни «кўриш»дан бошланади.

**Лингвистик прагматика** – нутқ иштирокчилари ва нутқий вазият тушунчасининг ўзаро боғланишидир. Сўзловчи нутқига хос коммуникатив ниятни аниқ ва тўғри ифодаланиши учун яна миллий урф-одатлар билан боғлиқ ижтимоий қонун-қоидаларни билиш ҳам талаб қилинади. Шу жиҳатлар тўлиқ қамраб олингандагина нутқ иштирокчиларининг ўзаро мулоқот жараёни тўғри амалга оширилади. Лингвистик прагматиканинг хусусий масалалари нутқ субъекти, нутқ обьекти, нутқ вазияти билан боғлиқ равища юзага келади.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРГА ТОПШИРИҚЛАР:**

#### **1-мавзу. Ўзбек тилшунослигидаги янги лингвистик йўналишлар. (2 соат амалий).**

Ўзбек тилшунослигига кейинги йилларда кириб келган янги йўналишлар хақида маълумот беринг.

Семантик синтаксис ва анъанавий синтаксис, фарқли жиҳатлари хақида гапиринг.

когнитив тилшунослик, концептни мисоллар билан тушунтиринг.

Тилшуносликнинг антрополингвистика, лингвокультурология, прагмалингвистика, социолингвистика, психолингвистика каби йўналишлар, уларнинг таҳдил методлари хақида ўз фикрларингизни баён қилинг.

#### **2-мавзу. Антропоцентрик назариянинг моҳияти. Антропоцентрик парадигма соҳасидаги илмий тадқиқотлар. (4 соат амалий)**

Тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг юзага келиши ва шаклланиши, антропоцентрик парадигма доирасида шаклланган тилшунослик йўналишлари, шахс, лисоний онг, тафаккур, фаолият, менталлик, маданият тушунчалари хақида маълумот бериш.

Концепт – билиш жараёнида ҳосил бўлган ментал тузилма.

Концептнинг лисоний моддийлашуви. Лисоний белги, лисоний онг, лисоний идрок хақида маълумот бериш.

#### **3-мавзу. Ўзбек тилини прагматик йўналишда ўрганиш. Нутқнинг коммуникатив-прагматик хусусиятлари (4 соат амалий)**

Нутқий акт билан контекст ўртасидаги ўзаро муносабат прагматиканинг асосий ўрганиш обьекти эканлиги. Гапнинг денотатив аспекти. Тагмаъно, пресуппозиция ва прагматика хақида маълумот бериш.

Фонопрагматика. Лексопрагматика. Прагматик семалар.  
Морфопрагматика. Атоқли отлар, олмошлар, юкламалар  
прагматикаси. Синтактик прагматика. Нутқий акт ва прагматика.  
Коммуникатив акт ва прагматика хақида маълумот бериш.

#### **4-мавзу. Лингвокультурологиянинг умумназарий масалалари. (2 соат амалий)**

Лингвокультурологиянинг юзага келиши ва обьекти, асосий вазифалари, компонентлари. Лингвокультурология тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан эканлиги. Тил ва маданият тушунчалари хақида маълумот бериш.

Тил ва тафаккур, коммуникация жараёнида тилнинг функционал кўринишлари. Социолингвистикада жамият ва тил ўртасидаги муносабат. Тил ва жамият, улар ўртасидаги муносабат. Социолингвистикада жамият тушунчаси. Тилнинг ўзгариш назарияси. Тил тараққиётида ички ва ташқи омиллар ҳақида маълумот бериш.

### **7-мавзу. Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари.**

Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари ва унинг замонавий концепцияси. Ғарб ва Шарқ адабий-эстетик тафаккур тарихидан адабиётшуносликнинг ёрқин намуналари таҳлил-талқини орқали улардаги умумий ва хусусий хосликларни кузатиш. Бугунги дунё адабиётшунослигининг етакчи тараққиёт тамойилларининг устувор концепцияларининг, бадиий ижод намуналарига ёндашув принципларининг шарҳи.

Ўзбек адабиётшунослиги материаллари асосида адабиёт, унинг илмларидаги янгиланиш жараёнини таҳлил этиш. Қайта баҳолаш эҳтиёжи, янгича тадқиқ асослари ва бадиий асарга турлича ёндашув талабларини мустақиллик даври адабиёти ҳамда адабиётшунослиги намуналари мисолида кузатиш.

### **8-мавзу. Фольклор асарларини янги талқинлар асосида ўрганиш**

Фольклоршунослигидаги янги талқинлар. Халқ қўшиқларини тимсолларнинг рамзий-мажозий хусусиятларини янги талқинлар ва таҳлил ёрдамида аниқлаш.

Халқ достонлари маъно қатламларини аниқлаш. Алпомиш достонини маъно қатламлари асосида ўрганиш. Маиший қатлам, социал қатлам, эзотерик қатлам. Эпос ва этнос масаласининг халқ достонларини ўрганишда муҳимлиги. Фольклор асарларини ўрганишда инновацион ёндашувлар.

### **9-мавзу. Лирик асарларни шарҳлаб ўрганиш**

Мумтоз балий матнни шарҳлаб ўрганиш. Алишер Навоийнинг лирик асарларини шарҳлаб ўрганиш. Навоий ғазалларини шарҳлашда аслият мазмунини сақлаш принциплари. Ғазалларни шарҳлашда ирфоний (тасаввуфий) талқинларнинг аҳамияти. Бадиий тимсоллар талқинида зоҳирий ва ботиний мазмун уйғунлигини аниқлаш. Образ ва тимсол яратишида бадиий санъат ва тасвир воситаларининг ўрни.

### **10-мавзу. Эпик асарларни шарҳ ва талқинлар асосида ўрганиш муаммолари.**

Алишер Навоий достонларининг шарҳ ва табдиллари. Қайта ифодалашда аслият мазмунининг сақланиши ва улардан фойдаланиш

самаралари. Достонларни ўрганишда инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти.

### **11-мавзу. Бугунги ўзбек насрининг тараққиёт тамойиллари.**

Бугунги ўзбек насирида дунё, инсон, маънавият моҳиятларига поэтик муносабат тамойиллари. Янгича адабий-эстетик тафаккур тарзини вужудга келтирган омиллар.

Катта ва кичик насрдаги тарихий, замонавий мавзулар миқёсининг кенгайиши. Узоқ ва яқин тарихга реалистик ёндашувнинг туб асослари.

Жаҳон адабиёти тенденциялари таъсирларига муносабат. Модернистик ифода усулларининг кириб келиши. Уларнинг ўзбек насиридаги ифодаси. Анъанавийлик ва янгиликка илмий-назарий муносабат кўринишлари.

### **12-мавзу. Ҳозирги ўзбек шеъриятидаги шаклий, жанрий изланишлар**

Ҳозирги ўзбек шеъриятидаги шаклий, жанрий изланишлар. Янгича поэтик тафаккурнинг турли шеърий шакллар ва услубий йўналишларда намоён бўлиши.

Инсон омилига муносабатни теран лирик қаҳрамоннинг устувор миллий-эътиқодий хусусиятлари. Лиро-эпик намуналарида тафаккурий тасвиротнинг устуворлашуви. Бугунги ўзбек шеърияти тадқики. Адабиётшуносликнинг бу борадаги долзарб масалалари.

### **Фан бўйича синовлар учун саволлар**

1. Социолингвистикада жамият ва тил ўртасидаги муносабат.
2. Матннинг психолингвистик хусусиятлари.
3. Ўхшатиш мазмунли матнлар. Ўзбек тилидаги мантларнинг лингвокультурологик хусусиятлари.
4. Пресуппозицияни ифодаловчи шаклий воситалар.
5. Тил ва жамият, улар ўртасидаги муносабат.
6. Мулоқот олами.
7. Ўзбек тилида концептнинг матн орқали ифодаланиши.
8. Шахс, лисоний онг, тафаккур, фаолият, менталлик, маданият тушунчалари.
9. Антропоцентрик парадигма доирасида шаклланган тилшунослик йўналишлари.
10. Фрейм нима?
11. Синтактик прагматика.
12. Тил ва маданият тушунчалари ҳақида маълумот беринг.
13. Олмошлар прагматикаси ҳақида маълумот беринг.
14. Когнитив тилшуносликнинг предмети ва вазифалари
15. Гешталт нима?

16. Лисоний когнитив фаолиятнинг миллий-маданий хусусиятлари.
17. Социолингвистика фани ва унинг о`рганиш обекти
18. Мулоқотнинг таркибий қисмлари.
19. Гапнинг денотатив аспекти. Тагмањно, пресуппозитсия ва прагматика хақида маълумот беринг.
20. Тил тизимини ва нутқий фаолият маҳсули бўлган матн қурилишини когнитив таҳдил қилиш асослари

### **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Закон Республики Узбекистан от 18.11. 1991 г. № 422-ХII «О социальной защищенности инвалидов». Новая редакция (утверждена законом Республики Узбекистан от 11.07.2008 г. № ЗРУ-162).
3. Закон Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребенка»// Социальная защита молодежи и женщин с ограниченными возможностями. Материалы семинаров. – Ташкент, 2009.
4. Бола ҳукуқлари тўғрисида Конвенция. / БМТ ЮНИСЕФ – Тошкент, 1992.
5. Аксенова Л.А. Социальная педагогика в специальном образовании. – М.: Академия, 2001.
6. Ахмедова Д.И. и др. Анализ социальной защищенности детей с особыми потребностями в Республике Узбекистан. – Ташкент, 2007.
7. Варенова Т.В. Теория и практика коррекционной педагогики. – Минск: ООО Асар, 2007.
8. Лебединский В.В. Нарушение психического развития в детском возрасте. М.: Просвещение, 2003.
9. Муминова Л. Теоретические основы коррекционно - педагогической работы работы по преодолению речевого недоразвитие у детей дошкольного возраста -Т., Фан 1992.
10. Муминова Л.Р. «Логопедия». –Т., 2006.
11. Муминова Л Узбекистон Миллий Энциклопедияси Тошкент -2003 5, 6. Т
12. Муминова Л Узбекистон Миллий Энциклопедияси Тошкент -2004, 8т
13. Л. Мўминова, Р. Шомаҳмудова Имконияти чекланган болаларни индивидули коррекцион – ривожлантириш дастурининг методик асослари (Услубий тавсиянома) Тошкент - 2007
14. Ратнер Ф.Л., Юсупова А.Ю. Интегрированное обучение детей с ограниченными возможностями в обществе здоровых детей. – М.: Владос, 2006.
15. Рой Марк Конки. Инклузив синфларда ўқувчилар эҳтиёжларини англаш ва бу эҳтиёжларни қондириш. / ЮНЕСКО – Тошкент, 2006.
16. Королева И.В. Кохлеарная имплантация глухих детей и взрослых (электродное протезирование слуха). – СПб.: КАРО, 2009. – 752 с.: ил.